

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

ДЕМОГРАФИЯ АСОСЛАРИ

фанидан маъruzалар матни



Термиз



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

А. Сатторов

ДЕМОГРАФИЯ АСОСЛАРИ  
фанидан маъruzалар матни

Термиз

Мазкур маъруза матни демографик билимларни талқин этишчи ўзбек тилида тайёрланган маъруза матни бўлиб, ундан демографиянинг алоҳида фан сифатида предмети, вазифалари, тадқиқот услублари, ривожланиш тарихи: аҳоли сони ва таркиби; демографик жараёнлар, уларнинг коэффицентлари; аҳоли ва демографик жараёнларни ўрганиш манбалари; демографик сиёсат ва башорат; дунё ва Ўзбекистон аҳолисининг кўпайиши ҳақида сўз юритилади. Ушбу маъруза матн университетларда педагогик ва иқтисодий ўқув юртлари талабалари магистрлари учун мўлжалланган.

Тузувчи: ўқ. А. Сатторов

Тақризчи: г.ф.н., доц. К. Алланов

## **МАВЗУ-1. ДЕМОГРАФИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ ВА ТАРИХИ**

### **1.1. Демографиянинг предмети, вазифалари, тадқиқот услублари.**

Маълумки, аҳоли, қатор ижтимоий ва табиий фанларнинг ўрганиш обьекти ҳисобланади. Масалан, анатомия инсон организмининг тузилиши ва биологик хусусиятларини ўрганса, психология фани – инсон руҳиятини талқин этади: этнография алоҳида миллатларни ўрганар экан, асосий эътиборини уларнинг урф – одатлари, қадриятларига қаратади. Аҳоли географияси эса, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг таркиби, сони ва жойлашувидаги ҳудудий фарқларни ва бу фарқларни вужудга келтирувчи омилларни ўрганади. Шунингдек аҳолини ўрганувчи фанлар жумласига социология, фалсафа, жамиятшунослик, тарих, статистика, экология, иқтисод демография каби фанларни киритиш мумкинки, улар ҳаммаси биргалиқда аҳолишунослик фанлари тизимини ташкил этади. Ана шу фанлар тизимида демография алоҳида аҳамиятта эгадир.

«Демография» – икки юнон сўзларининг қўшилишидан иборат бўлиб, «демос» – халқ, аҳоли, «графия» – тасвирлаш, ёзиш, ўрганиш яъни, «халқ ҳақида ёзмоқ», ёки «аҳолини шарҳлаш» маъносини англатади. Бироқ демография фани фақат шарҳлаш билан чегараланиб қолмай, балки унинг ўрганиш доираси бир мунча кенг ва чуқурдир.

Демографияда асосий кузатув бирлиги – инсон ҳисобланади. Инсон ҳаёти давомида унинг физиологик ва психологияк хусусиятлари, маълумотлилик, даражаси, оиласи ҳолати, касби – кори, малакаси ижтимоий гуруҳи, яшаш жойи, тил билиш каби имкониятлари ўзгариб боради. Ана шу алоҳида инсон ҳаётида рўй берган ўзгаришлар нигинидиси умуман аҳоли ҳаётидаги ижтимоий – иқтисодий ва демографик ўзгаришларга олиб келади Никоҳга кириш натижасида, оиласалар сони ошиб боради, ёлғизлар, бўйдоқлар сони эса камаяди. Никоҳнинг бекор этилиши, яъни, олжални жараёни эса аҳоли таркибида туталмас оиласаларнинг ва бевалар салмоғининг кўпайишига сабаб бўлади. Инсон дунёга келар экан маълум давр яшайди. Ана шу давр мобойнида у улгайиб боради. Гўдаклик давридан

болаликка, ўсмирлик, ёшлик ўрта ёшлик, етуклик давларига ўтади. Ҳар бир ўқув йили тугаши билан аҳоли таркибида маълумотлилар сони ошиб боради. Ана шу тарзда шахс хаётидаги ўзгаришлар аҳоли гуруҳидаги ўзгаришларга олиб келади. Инсонларнинг бир худуддан иккинчи бир худудга кўчиб ўтиши – миграция, ушбу худудлар аҳоли сонига ва таркибига таъсир этади.

Аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига доимо ўзгариб боради. Туғилиш жараёни аҳоли сонини кўпайишига олиб келса, ўлим унинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Туғилиш ва ўлим жараёнлари асосида аҳоли табиий ўсиши содир бўлади. Агар туғилганлар сони ўлганлар сонидан юқори бўлса, аҳоли кўпайиб боради, аксинча, ўлганлар сони туғилганлар сонидан кўп бўлса, аҳоли камайиб боради.

Маълумки, жамиятда ҳар доим қандайдир сабабларга кўра аҳолининг бир қисми ҳаётдан кўз юмади, яъни вафот этади. Яна бир қисм аҳоли эса, дунёга келади. Жамиятдаги ўлган аҳоли ўрни, янги туғилганлар ҳисобига тўлиб боради, авлодлар алмашади. Ана шу жараён аҳоли такрор барпо бўлишининг асосисни ташкил этади.

Бирор бир ҳудудда, маълум даврдаги аҳоли таркиби, ўтган даврдаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси, кейинги даврдаги аҳоли такрор барпо бўлишининг эса замини ҳисобланади. Демак, аҳоли такрор барпо бўлиши жамият тараққиети давомидаги доимий, мураккаб жараёндир.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши натижасида аҳоли сони ва унинг ёш–жинсий таркиби мунтазам ўзгариб туради. Янги туғилган болалар жинси аҳоли жинсий таркибида маълум ўзгаришларга олиб келади. Ўлганлар сони эса аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Аҳоли ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар жамиятда маълум социал муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни эса, ўз навбатида қатор ижтимоий – иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлади. Шу боис аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос ҳусусиятларга, қонуниятларга эгадир. Демографиянинг асосий предмети аҳолининг такрор барпо бўлиш конуниятларининг таҳлили ҳисобланади.

Аҳолини ўрганар экан, демография алоҳида фан сифатида, унинг миқдорий ва сифатий хусусиятларининг мукаммал таҳлил этади.

Аҳолининг миқдорий хусусиятлари маълум миллат, ҳудуд аҳолиси сонининг ўзгариб (ўсиши ёки камайиши) боришида ифодаланади. Аҳолининг сифатий хусусиятлари эса, асосан маълум миллат ёки ҳудуд аҳолисининг саломатлик ва маълумотлилик даражасида, ўртача умр кўриш маддатида ифодаланади.

Ҳар иккала жараён, яъни, аҳолининг миқдорий ва сифатий ривожланиши бир – бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлади. Масалан, аҳоли саломатлигини юқори даражада бўлиши, аҳоли ўртасида ўлимнинг камайиши, ўртача умр кўриш маддатининг эса узайишига олиб келади. Натижада аҳоли сони ўсиб боради. Шунингдек туғилишнинг жуда юқори даражада бўлиши, кўп ҳолларда она ва бола организмининг заифлашиб боришига ва ўлим ҳолларининг кўпайишига олиб келади.

Жамият тараққиётининг энг дастлабки босқичидан то хозирги даврга қадар ҳар бир ҳудуд аҳолиси ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан мунтазам ўзгариб келгандир. Демография аҳолининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аҳолининг такрор барпо бўлишининг асосий омиллари сифатида ўрганади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши, кенг маънода табиий ўсиш, ўлим, миграция аҳолининг ҳудудлар бўйлаб ҳаракати, бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи бир ижтимоий гуруҳга ўтиши, маълуот олиши, меҳнат фаолиятининг бошланиши ва ҳ.к. натижасида аҳоли таркибини янгиланиб туришини билдиради.

Демография асосий эътиборни табиий авлодлар алмашуви – яъни, туғилиш ва ўлим асосида аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнига қаратади. Ушбу жараённи жамият тараққиётининг турли босқичларидағи қонуниятларини, турли миллат, ҳудуд ва давлатлардаги хусусиятлари, омилларини ўрганади, муаммоларини аниқлайди ва истиқболини белгилаб беради. Бу вазифаларни бажариш учун демография жамият тараққиёти босқичлари, тарихий шарт – шароитларини атрофлича ўрганиши лозим.

**Демак, ДЕМОГРАФИЯ, АҲОЛИНИНГ ТАКРОР БАРПО БЎЛИШИ ҚОНУНИЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФАН БЎЛИБ, БУ ЖАРАЁННИ ИЖТИМОИЙ–ТАРИХИЙ ШАРТ–ШАРОИЛЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎРГАНАДИ, ОМИЛЛАРИНИ, МУАММОЛАРИНИ АНИҚЛАБ, ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ.**

Ҳар бир фаннинг асосий вазифаси табиат ва жамиятнинг маълум қисмидаги ривожланиш қонунларини ўрганишdir. Лекин шу билан бир қаторда ҳар бир фаннинг ўзига хос амалий аҳамиятга эга бўлган вазифалари ҳам мавжуд. Демография ҳам алоҳида фан сифатида ўз вазифаларига эгадир. Ушбу вазифаларни уч гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқdir<sup>1</sup>.

1. Демографик жараёнлар ва уларнинг омилларини ўрганиш.
2. Демографик башоратларни ишлаб чиқиш.
3. Демографик сиёsat чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Демографик жараёнларга туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ва оила киради.

Демографик жараёнлар таркибида туғилиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ўрганилаётган мавжуд аҳоли аввало туғилиш жараёни натижасида дунёга келган. Демография туғилишни алоҳида, аҳоли такрор барпо бўлишининг демографик замини сифатида ўрганади, унга таъсир этувчи барча ижтимоий – икътисодий ва табиий омилларни таҳлил этади. Шунингдек, ўлим жараёни ҳам аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий элементи сифатида демография фанининг эътибиорида туради. Аҳолининг такрор барпо бўлишида биринчи навбатда оила ташкил топиши яъни шаклланиши аҳамиятлидир. Чунки дунёда туғилаётган инсонларнинг аксарияти оиласда, оила муҳитида дунёга келади, шахс сифатида шаклланиб ўзининг демографик фаолиятини (оила қуриш, фарзандлар қўриш) бошлади.

Оила шаклланиши эса, ўз ўрнида никоҳ ва ажралиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқdir. Демография никоҳ эволюцияси ва унинг аҳолининг такрор барпо бўлишидаги ўрнини алоҳида ўрганади.

<sup>1</sup> В.А.Борисов Демография М, 1999 г С-14.

Ажралиш яъни никоҳнинг бекор этилиши ҳам аҳоли тақрор бўлишига таъсир этувчи демографик жараён ҳисобланади. Демография ушбу жараённи ўрганар экан, унинг мавжудлик даражасига таъсир этувчи қатор сабаб ва оқибатларини атрофлича тахлил этади.

Демография аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши – миграциясини ҳам ўрганади. Лекни бу жараённи ўрганишда, аҳоли географиясидан фарқли равишда, асосий эътиборни миграция жараёнигининг ҳудудий ҳусусиятларга эмас, балки ушбу жараён натижасида рўй берадиган – ҳудуднинг демографик ҳолатидаги ўзгаришларга қаратади.

Демографияда оила асосий ижтимоий – демографик гурӯҳ сифатида ўрганилади. Оилани жамият тараққиёти давомидаги ўрни, эволюцияси, аҳолининг тақрор барпо бўлишидаги асосий фаолияти ва унинг ўзгариб бориш омиллари, оқибатлари ўрганилиб, келажак ривожланишининг асосий йўналишлари аниқланади.

Маълумки, аҳоли, туғилиш ва ўлим жараёни натижасида мавжуд бўлган авлодлар алмашинуви йиғиндисидир. Инсон мавжудлигини таъминловчи барча демографик жараёнлар – туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш унинг ҳаётидаги маълум даврида, яъни маълум ёшида рўй беради.

Шунинг учун, ёш демографик жараёнларни ўрганишда асосий мезон ҳисобланади. Инсоннинг демографик ва ижтимоий ҳолатида, ўз ҳаёти давомида ёш ва жинс асосий кўрсатгичдир. Аҳолининг жинсий таркиби ҳам демографик ҳолатга таъсир этувчи асосий, демографик тахлили лозим бўлган мезонлардандир.

Демографик башпоратлар ишлаб чиқишда демография фани, биринчى навбатда ўрганилаётган ҳудуд ёки ижтимоий гурӯҳ аҳолисининг демографик майлини (демографик жараёнларига бўлган муносабати) атрофлича тахлил этади ва айни шу асосда демографик жараёнларда келажақда кутилаётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Демографик сиёsat мазмуни ва тадбирларини ишлаб чиқиш жуда маъсулиятили ва мураккаб жараёндир. Ушбу юмушни бажарилада демография ўрганилаётган давлат ёки алоҳида ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасини,

Учинчи давр. XIX – XX асрларни қамраб олиб, бунда дунёдаги деярли барча давлатлар, уларнинг худудлари бўйлаб ҳам мунтазам демографик билимлар тўпланиб борилган. Демографик билимлар тизими яна ҳам муккамаллашган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англияда бошланган саноат тўнтирилиши XIX асрга келиб, АҚШ, Франция, Германия, Россия, Италия, Япония каби давлатларни қамраб олди. Натижада феодал жамиятга қарагандა, ишлаб чиқариш кучлари анча ривожланди, техника билан таъминланган, ихтисослаштирилган индустряга эга бўлган, саноат капитализми вужудга келди. Унинг ривожланиб бориши жамият тараққиётида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Бу ҳолат Европа мамлакатларида яққол кўзга ташланди. Натижада демографик жараёнлар ҳам ривожланиб, улар ҳақидаги билимлар доириаси яна ҳам кенгайиб борди. Демографик тадқиқотлар ўtkазилиши ҳар бир давлат учун зарурий илмий йуналишга айланди. Ушбу даврда йирик демограф олимлар етишиб чиқди. Улар жумласига Э.Россет, Р.Пресса, У.Лаплас, А.Кетле, А.Гийяр, Д.Менделеев, С.Новосельский, В.Буняковский, Г.Сюндберг, В.Р.Смулевич, Д.И.Валентей. Я.Н.Гузеватей, А.Е.Боярский, А.Я.Кваша, Ўзбекистонда эса Е.С.Тимм, А.А.Шорохова, М.К.Кораханов, И.Р.Муллажонов ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунинг билан бирга бу даврда дунё миқёсида ҳамда унинг барча давлатларида демографик тадқиқотлар олиб борувчи, муттахассислар тайёрловчи йирик олий ва илмий масканлар ташкил топди ва ривожланди.

Демография – фан сифатида ривожлана бошлади. Демография фанининг пайдо бўлиш тарихи хақида илмий манбаларда батафсил маълумотлар мавжудdir. «Бундай манбаларга Д.К.Шелестовнинг «Демография: история и современность», В.Борисовнинг «Демография» номли китоблари, ҳамда, «Демографический энциклопедический словарь» ларни мисол қилиб келтириш жоизdir. Бу манбаларда қайд этилишича демография фанининг пайдо бўлиши, асосан XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Ана шу даврда Англияда вабо ва бошқа юқумли касалликлар тарқалиб, аҳоли ўргасида ўлим ҳоллари ниҳоятда кўпайиб кетди. Шу боис Лондонда ҳар ҳафта ўлим ҳақида бюллетенлар, яъни маҳсус маълумотлар чоп этилиб, аҳолига

тарқатилар эди. Ўз саломатликларини сақлаш мақсадида, мазкур маълумотларни жуда кўп фуқаролар ўқирдилар. Англиялик савдогар олим Ж.Граунт Лондонда туғилиш ва ўлим ҳақидаги 80 йиллик маълумотларни ўрганиб чиқди ва 1662 йили ўзининг 90 бетдан иборат «Ўлим ҳақидаги бюллетенлар асосида олиб борилган ва мундарижада илова этилган табиий ва сиёсий кузатишлар натижалари. Кўрсатилган шаҳарнинг бошқаруви, дини, савдоси, ҳавоси, ўсиши ва бошқа ўзгаришлари ҳусусияда Лондон фуқароси Джон Гарунтнинг асари» китобини ёзди. Китоб жуда узун номланган бўлиб, ўз олдига кенг қамровли ижтимоий ходисаларни мақсад қилиб қўйган эди. Китобда муаллиф Лондонда ўлим ҳолати ва ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича атрофлича ўрганган. Туғилишнинг шаҳар ва қишлоқдаги фарқлари, аҳоли миграцияси таҳлил этилган. Шунингдек, Ж.Граунт биринчи бўлиб, ўлимнинг математик жадвалини ишлаб чиқкан. Ушбу асар уз замонасида зиёлилар томонидан жуда ижобий баҳоланди. Уч йил мобайнида асар тўрт марта қайта чоп этилди. Китоб Қирол Карл II га жуда маъқул келди ва муаллиф Ж.Граунтни қироллик жамиятига қабул қилди.

Ж. Граунт бу кичик ҳажмли китобчasi бир эмас уч фаннинг ривожланишига замин яратди. Бу фанлар демография, статистика ва социология фанлари эди. Ж.Граунт олиб борган тадқиқотнинг давомчиси сифатида фанда «Сиёсий арифметика» йўналиши пайдо бўлди. Мазкур фан жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларни миқдорий қонуниятларини ўрганарди.

XVIII – XIX асрларда жамият хаётидаги демографик жараёнларни ўрганишга қизиқиш кучайди. Таникли иқтисодчилар, тарихчилар, сиёsatшунослар, астрономлар, шифокорлар, математиклар томонидан демографик жараёнларни ўрганишга доир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Ниҳоят XIX асрда А.Гийяр янги вужудга келган фанга ном берди. Унинг 1855 йилда Парижда «Инсон статистикаси элементлари, ёки қиёсий демография», деб номланган китоби чоп этилди. Бу асарда демографиянинг мустақил фан сифатида мақсади ёритилган. А.Гийяр асарида демографияга кўп жараёнларни ўз ичига олувчи инсонларнинг табиий ва ижтимоий тарихи ва уларнинг умумий ҳаракати жисмоний, фуқаролик ва аҳлоқий

ҳолатини математик тарзда ўрганувчи фан, деб таъриф берилган. 1851 – 1922 йилларда яшаб ижод этган олим Жан Бертильон (А.Гийярнинг набираси) томонидан ҳам демографиянинг фан сифатидаги ўрганувчи предметига баҳо берилади. Олим 1881 йилда ёзилган «Франция аҳолиси ҳаракатининг статистикаси» номли асарида «Демография жамоа хаётини ўрганиш билан шуғулланади. Унинг мақсади жамиятнинг ривожланиши, қайта тикланиши ва ниҳоят инқизорзга учраб, барҳам топишларнинг сабабларини ўрганиш. У ҳалқнинг, ҳам жисмоний, ҳам аҳлоқий тузилишини куриб чиқади: одамлар қандай ва нима учун никоҳ қурадилар, қай миқдорда кўпаядилар ва фарзандларини тарбияладилар ва ҳ.к. каби муаммоларни тадбиқ этади. Ва ниҳоят у инсонлар неча ёшда, қандай вазиятда, қайси сабабларга кўра, ўлишларнинг сабабларини ёритади» деб ёзади. Демографияни предметига оид А.Гийяр ва Ж.Бертильонларнинг ҳulosаларидан кўриниб турибдики, демография жуда кенг қамровли фан бўлиб, инсоннинг хаётига тегишли жуда кўп муаммоларни ўз ичига олади. Ана шундай қарашлар XX асрнинг 70 йилларига қадар мавжуд эди. Кейинчалик демографиянинг ўрганиш доираси бир оз торайиб, аниқланиб борди. Ниҳоят демография аҳолининг табиий ҳаракатини, яъни унинг такрор барро бўлишини атрофлича ўрганадиган фан, деган ҳulosага келинди.

XX асрнинг кейинги 30 йилида дунёда демография алоҳида фан сифатида жуда ривожланди. АҚШ, Япония, Франция, Англия, Россия каби давлатлар олийгоҳларида «Демография» кафедралари ташкил топиб, шу соҳа бўйича демограф олимлар тайёрлаш ҳам йулга қўйилди. Ўзбекистонда ҳам, 2000 йилда, Ўзбекистон Миллий Университетининг география факультетида республикада дастлабки «Демография» кафедраси ташкил топди. Бу ҳол ўлқада «Демография» нинг фан сифатида ривожланиши томон қўйилган дастлабки, лекин аҳамиятли қадамдир.

Ўзбекистонда ҳам демографик тадқиқотлар ривожаланиши ўз тарихига эгадир. Республикада фан, маданият ва давлатчилик ривожланиши жуда қадимий тарихга эга. Юқорида демографик билимлар тўплаш, асосан давлатчилик билан боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритилди. Демак, Ўзбекистонда ҳам, демографик билимлар жуда

Қадимдан мавжуд бўлган. Булар ҳақида қадимий қўлёзмалар, археологик ёдгорликлар, қатор илмий манбалар гувоҳлик беради. Лекин ўлқада мақсадли демографик тадқиқотлар ўтказиш асосан 1960 йиллардан бошланади. Ана шу даврдан то ҳозирги кунга қадар Республикада жуда катта аҳамиятга эга бўлган демографик тадқиқотлар олиб борилган, ҳамда шу соҳада йирик муттаҳассислар тайёрланган. Демография соҳасида эришилган ютуқлар устоз олим М.К.Қораҳонов номи билан боғлиқdir. Олим нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда йирик демографик тадқиқотлар олиб борди. Ушбу худуднинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, демографик тарихини тиклади. Аҳоли ўсиши, туғилиши, ўлим, никоҳ ва ажralиш каби демографик жараёнлар хусусиятларини ўрганди. Улар билан боғлиқ омиллар, муаммоларни аниқлаб берди. Ўрта Осиё таркибига кирувчи республикаларда аҳоли ўсиши башоратини яратишида илмий раҳбарлик қилди. М.Қораҳонов ўлкамиз аҳолисининг миқдорий ривожланиши билан бир қаторда унинг сифатий ривожланиши соҳасида ҳам йирик тадқиқот ишларини олиб борди. Устоз раҳбарлигига Ўзбекистонда аҳоли маълумотлилик босқичлари буйича башорати ҳам ишлаб чиқилган. Олимнинг олиб борган тадқиқотлари асосида монография, рисолалар ва 200 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

Устоз олим ўз илмий фаолиятини 1960 йиллардан бошлиб, хаётининг оҳириги дамларигача Ўзбекистон Миллий Университетининг география факультетида олиб борди. Дастрраб республика демографиясини ўрганувчи илмий гурӯҳ тузди. 1972 йилда ана шу гурӯҳ Ўрта Осиё Республикалари демографик ҳолати ва муаммоларини ўрганувчи йирик «Аҳолишунослик илмий – тадқиқот лабораторияси» га айланди. Ушбу лабораторияда Ўрта Осиё демографиясини ўрганишга доир чуқур, тарихий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилди. Шунинг билан бирга, Қораҳонов М.К. раҳнамолигига аҳоли муаммоларини ўрганувчи йирик илмий мактаб яратиленди. Устоз мактабида шакланган муттаҳассислар бугунги кунда унинг ишини давом эттириб, жамият тараққиётига молик тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Ўлкамиз демографик тарихини ва аҳоли муаммоларини ўрганишда Муллажанов Р.И., Убайдуллаева Р.А., Аҳмедов Э.,

Ота – Мирзаев О.Б., Максакова Л.П., Солиев А.С., Али – Қориев Н.С., Салимов Х., Бўриева М.Р., Қаюмов А.А., Эргашев О.Э., Сафаров Э., Сайдахмедов О., Муртазина Г., Райимжонов З.Х., Али – Акбарова Н.М., каби олимлар олиб борган тадқиқотлар ҳам устоз Қораҳонов М.Қ., бошлиған илмий изланишларни давоми сифатида Ўзбекистонда олиб борилган демографик тадқиқотлар тарихида алоҳида аҳамиятлидир.

## **МАВЗУ: II Аҳоли ва демографик жараёнларни ўрганиш манбалари**

### **2.1. Демографик жараёнлар ҳақида бирламчи ва иккиламчи маълумотлар.**

Демографик жараёнларни ўрганишда ушбу жараёнларни акс эттирувчи маҳсус маълумотлардан фойдаланилади. Бу маълумотлар – демографик маълумотлар, деб аталиб, уларга аҳоли ва демографик жараёнларга оид нашр этилган рақамли маълумотлар, илмий манбалар, маҳсус тадқиқот натижалари киради.

Демографик маълумотлар ҳудудлар (дунё, қитъя, алоҳида давлат, шаҳар, қишлоқ, туман), жамият тараққиётидаги турли тарихий даврлар, аҳолининг турли ижтимоий гурухлари (миллатлар, ишчилар, хизматчилар, тадбиркорлар ва х.к.) учун алоҳида түпланади. Шунингдек демографик маълумотлар бирламчи ва иккиламчи ҳарактерга эгадир.

Бирламчи маълумотлар – демографик жараёнлар ҳақида түпланган дастлабки статистик маълумотлар, жадваллар ва маҳсус кўрсаткичлар.

Иккиламчи маълумотлар – Бирламчи маълумотлар асосида олиб борилган имий таҳлил ва ҳисоб – китоблар.

Демографик жараёнларни ўрганишда асосан қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади. Уларга гражданлик ҳолатини қайд этувчи (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш) маҳсус ҳужжатлар, аҳоли рўйхати маълумотлари, социолого – демографик тадқиқот натижалари, илмий манбалар, турли адабиётлар ва қонуний ҳужжатларни киритиш мумкин. Кўпчилик давлатларда демографик

маълумотлар статистика ташкилотлари томонидан тўпланиб борилади. Тўпланган демографик маълумотлар ўрганилаётган ҳудуднинг демографик ҳолатини аниқлашда, демографик жараёнлар билан боғлиқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, демографик башоратларни ишлаб чиқишида илмий асос бўлиб хизмат қиласи.

Демографик маълумотларни аҳоли рўйхатга ўтказиш йўли билан, ёки маҳсус социологик тадқиқотлар йўли билан тўплаш учун ҳар бир давлат илмий ташкилотлари олдиндан илмий асосланган дастур тузади ва ана шу дастур асосида иш олиб боради.

Дунё миёсида демографик маълумотлар тўлашда эса БМТ ташкилоти бошчилигида дастур тузилади ва барча ўрганилаётган дунё ҳудудларидан ана шу битта дастур асосида маълумотлар тўпланади. Аҳоли сони, таркиби оила ва демографик жараёнлар ҳақида батафсил маълумотлар асосан аҳоли рўйҳати ўтказиш орқали тўпланади.

Аҳолини дастлабки рўйхатга олиш қадимги Грецияда Вавилондан Месопотамияда, қадимги Римда, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Лекин, бу аҳоли рўйҳатларининг мақсади аҳолидан солиқ ийфиш, яъни бож олиш ҳамда ҳарбий мақсад учун аҳоли сонини билиш эди. Шунинг учун ҳам фақат эркаклар рўйҳатга олинган. Чунки у пайтларда оиласида, жамиятда эркакларнинг иқтисодий ўрни юқори бўлган. Солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари иштирок этган.

Энг қадимги аҳоли рўйхатлари эрамиздан олдинги VI асрда қадимги Римда император Серви Тул даврида ўтказилган. Бу аҳоли рўйҳатлари 510 йиллардан бошлаб ҳар 5 йилда ўтказилган. Унда оила бошлиқлари ўзи ҳақида, шу билан бирга оила аъзолари ва мол – мулклари ҳақида маълумот берганлар.

Феодализм даврида эса кичик – кичик давлатлар бўлиши уларни парчаланиши натижасида аҳолини мунтазам рўйҳати ўтказилмайди.Faқат алоҳида шароитларда баъзан ёппасига тарқалган эпидемиялардан, урушлардан кейин қанча аҳоли қолганлигини билиш учун рўйҳатлар ўтказилган.

XVII асрнинг ўрталарида миллий давлатларни пайдо бўлиши капиталистик муносабатларни ривожланиши билан, аҳоли ҳақида мукаммалроқ маълумотларга талаб ортиб

боради ва аҳоли ўртасида қатор рўйҳатлар ўтказилади. Лекин бу рўйҳатлар ҳам, ҳамма аҳолини, унинг барча ижтимоий – демографик гуруҳларини қамраб олмайди. Улар ҳам баъзи ҳудудларда солиқ тўловчиларни, ҳарбий ҳизматта яроқли аҳоли миқдорини аниқлаш мақсадида ўтказилган.

Муқаммал аҳоли рўйҳатга ўтказишни ўз қонун – қоидалари бордир. Унда аҳоли рўйҳати янги туғилган чақалоқдан бошлаб то энг кекса гуруҳгача қамраб олиш керак. Биринчи ана шундай муқаммал аҳоли рўйҳати 1790 йили АҚШ да, 1801 йили Франция, Дания, Норвегияда, Буюк Британияда ўтказилган. Лекин бу аҳоли рўйҳатлари ҳам жуда олдий ва узоқ муддат чўзилган. Масалан, биринчи Америка аҳоли рўйҳати 18 ой чўзилган.

XIX ғасрга келиб аҳолини ўрганиш жуда кенгайди. Статистика фан сифатида тариққий этди. Қатор Европа мамлакатларида статистик ташкилотлар тузилди. Аҳолини рўйҳатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилди. 1870 – 1879 йилларда дунёда 48 та, 1890 йилларда эса 57 давлатда аҳоли рўйҳати ўтказилди. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизини рўйҳатга олишган бўлса, XX аср бошида – 54 фоиз аҳоли рўйҳатга олинди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин аҳолини рўйҳатта олиш яна ҳам ривожланди. 1945 – 1954 йилларда 151 давлатда, 1965 – 1974 йилларда 179 давлатда аҳоли рўйҳати ўтказилди. Ҳозирги пайтда дунёдаги деярли барча давлатларда аҳоли рўйҳати ўтказилади. Фақат баъзи бир ривожланаётган давлатларда иқтисодий, сиёсий сабабларга кўра аҳоли рўйҳати ўтказилмаган.

Аҳоли рўйҳатлари илмий асосланганн дастурлар орқали жуда кенг мавзуларни қамраб олган ҳолда ҳар 5 – 10 йилларда ўтказилиб турилади. Ҳозирги даврда ўтказилган аҳоли рўйҳати маълумотлари шу қадар кенг доирада тўпланганки улар асосида аҳолини ижтимоий – демографик гуруҳларни фақат миқдорини эмас, балки уларни сифатий кўрсаткичларини, яъни маълумоти, оиласиб ҳолати, ижтимоий аҳволи ва бошқа ҳусусиятларини ҳам ўрганиш мумкин. Олинган маълумотлар ЭВМлар ёрдамида ҳар бир йўналишлар бўйича алоҳида ўрганлиб, статистик йилномалар тайёрлаб борилади.

Дунёдаги барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам демографик жараёнларни ўрганиш ўз тарихига ва хусусиятига эгадир. Ўзбекистонда демографик жараёнларни ўрганишда XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган статистика қўмитаси, ҳозирда Ўзбекистон Давлат Статистика департаменти фаолияти орқали тўпланган фуқаролик ҳолатини қайд этувчи, ҳамда ижтимоий – иқтисодий ривожланишга оид маълумотлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Департамент ўлка аҳолисининг сони, табиий ўсиши, никоҳ ва ажralиш, аҳоли миграцияси, саломатлиги, ижтимоий – иқтисодий ҳолатига оид статистик йилномалар тайёрлаб, мунтазам чоп этиб боради. Ана шу йилномалар Ўзбекистоннинг демографик ҳолатида рўй берадиган ўзгаришларнинг аниқлашда, муаммоларни белгилаб. Истиқболини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистонда оила ва демографик жараёнларни ўрганишда ўлка ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари ҳам катта аҳамият касб этади. Илмий манбаларда кўрсатилишича, республикада дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, бу аҳоли рўйхати ҳозирги Ўзбекистон чегарасидаги барча ҳудудларни қамраб олаолмаган. Шундай бўлсада, ушбу рўйхат маълумотлари Ўзбекистонда XIX аср охирида истиқомат этган оиласлар, аҳолининг сони, этник таркиби, туғилиши, ўлим каби демографик жараёнлар хақида тассаввур хосил қилишга ёрдам беради. Ўзбекистонда кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда аҳоли рўйхатлари ўтказилди. Бу аҳоли рўйхатларида ўлканинг демографик тарихини ўрганишда қимматли маълумотлар мавжуддир.

## 2.2. Социолого-демографик тадқиқотлар.

Демографик жараёнларни ўрганишда социолого – демографик тадқиқотлар ўтказиш ҳам аҳамиятлидир. Демографик жараёнларни социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш социолого – демографик тадқиқотлар дейилади. Бундай тадқиқотлар ўтказиш усули билан асосан демографик жараёнларни авлодлар бўйича ҳусусиятлари, омиллари ва муаммоларини атрофлича ўрганиш мумкин. Социолого – демографик тадқиқотлар, айниқса мунтазам аҳоли рўйхати ўтказилмаган ҳудудлар демографик ҳолатини ўрганишда,

кatta ёрдам беради. Бунинг учун демографик жараёнларни ўрганишга оид муттахассислар томонидан маҳсус сўровномалар тузилиб, ўрганилаётган ҳудуд аҳолисига ёки ижтимоий гуруҳларга тарқатилади. Шунингдек, аҳоли ўртасида муттахассислар сўровномага асосан, суҳбатлар олиб борадилар ва керакли маълумотларни түплайдилар.

Демографик жараёнларни социолого – демографик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш Ўзбекистонда асосан, 1928 – 1930 йиллардан бошланган. Ушбу тадқиқотларни асосан, 2 даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- I. Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган давр (1925 – 1940 йиллар)
- II. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр (1959 – 2000 йиллар)

Биринчи даврда ўтказилган социолого – демографик тадқиқотлар, асосан, тибиёт олимлари томонидан ўтказилган бўлиб, унда ўзбек аёлларининг никоҳга жуда эрта кириши ва бу ҳолнинг аёл саломатлигига, фарзанд кўриш қобилиятларига таъсири, ҳомиладорлик ва унинг оқибатлари каби муаммолар ўрганилган<sup>1</sup>.

Иккинчи давр эса, асосан, 1959 – 1960 йиллардан бошланади. Бу даврда ўтказилган социолого – демографик тадқиқотлар кўпроқ аҳолишунос олимлар томонидан ўтказилган бўлиб, ана шундай тадқиқотлардан биринчиси 1959 йили сobiқ СССР статистика бозқармасининг илмий – текшириш институти ҳодимлари томонидан амалга оширилган. Ушбу тадқиқотга Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда яшовчи 3596 оиласи аёллар жалб этилган<sup>2</sup>.

Тадқиқотнинг мақсади сobiқ СССР ҳудудида яшовчи турли миллатларда оиласининг демографик таркиби, фаолияти шаклланиши ва уларга бевосита таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат бўлди. Бунинг учун, юқорида қайд этилганидек, маҳсус варақалар тузилиб, улар муттахассислар томонидан маълум шаҳар ва қишлоқларда, турли миллат ва ижтимоий гуруҳларга мансуб аҳоли ўртасида, турли авлод вакиллари ўртасида суҳбат ўтказиш йўллари билан

<sup>1</sup> Шорохова А. А. Методика изучения плодовитости человека. Ташкент, 1935; Медицинская мысль Узбекистана. 1927–1928, №5; Тимир Е. С. опыт изучения Естественного движения населения в кишлаках. Ташкент «Ин. Соц. Зарв. И соц. гигиены НК здрава УзССР». 1935.

<sup>2</sup> Сифман Р. И. Динамика рождаемости в Среднеазиатских республиках и методика изучения Проблемы народонаселения. М., «МГУ», 1970, стр. 298.

тұлғазилған. Баъзи ҳолларда эса аҳолининг ўзига ушбу сұров варақалари тарқатылған. Бундай ҳолларда аҳолининг ўзи бундай сұров варақалари билан танишиб чиқиб, ундағы саволларга ёзма ҳолда жавоб берганлар.

Ўзбекистонда навбатдаги социолого – демографик тадқиқот 1962 йил шифокорлар малакасини ошириш институти томонидан үтказилған бўлиб, унинг мақсади асосан, ўзбек оиласарида туғилиш жараёнини ўрганишга багишланған эди. Бу тадқиқотда 6659 оила қатнашған<sup>1</sup>.

Навбатдаги социолого – демографик тадқиқот аҳлишунос олим М.Қ. Қорахонов раҳбарлигидан 1962 или Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятлари қишлоқ аҳолиси ўртасида үтказилиб, унга 4000 та хўжалик жалб этилган. Тадқиқот натижалари илмий мақолаларда чоп этилган<sup>2</sup>.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг қишлоқ оиласарида туғилиш жараёни ва унга таъсир этувчи ижтимоий – иқтисодий омилларни ўрганиш ва аёлларнинг оиласида нечта фарзанд кўриш истаги борлигини аниқлаш эди. Тадқиқот натижалари асосида туғилишнинг ёш гурӯҳлари бўйича ўзгариб бориши, туғилишга аёлларнинг маълумотлилик даражаси ва ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги каби омилларнинг таъсири атрофлича ўрганилған. Шу билан бирга, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллатлар бўйича ҳам туғилиш кўрсаткичлари аниқланиб, илмий таҳлил этилган.

Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва оиласининг демографик тараққиёти, фаолияти, аҳолининг оиласида фарзандлар сони ҳақидағи фикрларини ўрганишда Мирзо Үлугбек номидаги Тошкент Давлат Университети (Ҳозирги ЎзМУ) Аҳолишунослик илмий тадқиқот лобораторияси томонидан үтказилған тадқиқотлар алоҳида аҳамиятта әгадир. Чунки бу тадқиқотлар аҳолишунос мутахассислар томонидан ҳар томонлама имий асосда тузилған маҳсус

<sup>1</sup> Хамитова А.М. Воспроизводства населения Узбекистана и его санитарная оценка. Автореф. Дисс. Кандидатская. Каю. Мед. Наук. 1964.

<sup>2</sup> Қорахонов М.Қ., Алиакберова Н.М. «Некоторые результаты монографического исследования уровня рождаемости в сельских местностях Узбекской ССР» (В книге «проблемы народонаселения» М., «МГУ» 1970, стр. 283-288.).

дастурлар бўйича ўтказилган бўлиб, республика аҳолисини кенг қамраб олгандир<sup>1</sup>.

Ана шундай социолого – демографик тадқиқот Тош ДУ (Ҳозирги ЎзМУ) Аҳолишунослик илмий тадқиқот лабораторияси ҳодимлари томонидан 1968 йили (тадқиқот – 1968) бутун Ўрта осиё республикаларида истиқомат этувчи 39289 оиласи аёллар орасида ўтказилди. Унда Ўзбекистонлик аёллар 23367 ни ташкил этган. Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўрта Осиёда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш, туғилиш ва унга таъсир этувчи омилларни анқлаши, Ўрта Осиё аёлларининг оиласида фарзандлар сонига бўлган муносабатларини билиш ва шулар асосида туғилишнинг келажак йўналишини башпорат этишдан иборат эди. Ушбу тадқиқот Қорақолпоғистон республикаси ва Ўзбекистоннинг Нманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилдолягларида ўтказилди. Тадқиқотда қатнашган аёлларнинг 40,4% қишлоқ ва 59,6 %шаҳар жойларида истиқомат қилишган.

Тадқиқотда олинган натижалар Республикада туғилиш жараёни ва унинг омилларини атрофлича ўрганиш ва илмий хулоса этишга етарлидир. Чунки бу тадқиқотда Ўзбекистонда шу йили фарзанд кўриш ёшида бўлган (15 – 49) жами аёлларнинг 1% қамраб олган эди. Бу социолого – демографик тадқиқот учун юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Тадқиқот дастурига қуйидаги маълумотлар киритилган; тадқиқотда қатнашган аёл ва унинг турмуш ўрточининг туғилган йили, миллати, маълумоти, мутахассислиги, ижтимоий гуруҳи, никоҳга кирган йили, аёлнинг неча марта ҳомиладор бўлганлиги, ҳар бир ҳомила нима билан тугаганлиги, оиласидаги мавжуд фарзандлар сони, ҳомиладорликдан сақланиш воситаларидан фойдаланиши, оиласида фарзандлар сони ҳақидаги фикрлари, яшаш шароити ва миграция ҳақидаги маълумотлар. Ушбу тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистонда туғилишнинг ёш гуруҳлари (авлодлар) бўйича ўзгариб бориши, унинг турли миллатларда ва ижтимоий гуруҳлардан фарқи, ҳудудий хусусиятлари ўрганилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Тош ДУ (Ҳозирги ЎзМУ) Аҳолишунослик лабораторияси томонидан ўтказилган барча тадқиқотларда мудалиф талаба (1968 й.), аспирант (1976 – 1978 йй.). Илмий ҳодим (1978 – 1988 й.) ва илмий раҳбар (1991 – 1996 йй.) сифатида қатнашган.

<sup>2</sup> Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. (т. «ФАН», 1991, стр. 25-31.)

Аҳлишунослик лабораторяси ходимлар томонидан Ўзбекистонда навбатдаги тадқиқот 1975 йилда (тадқиқот 1975) ўтказилагандир. 1925 – 1929 йилларда тиббиёт олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг<sup>1</sup> давоми бўлиб, унда ҳомиладорлик ва унинг оқибатлари, омиллари, авлоддан авлодга ўтиш билан ўзгариб бориш жараёни ўрганилган.

Тадқиқот дастурида тадқиқотда қатнашган аёлнинг туғилган йили, миллати, матьумоти, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши, никоҳда турган даври, ҳамма ҳомиладорлиги ва уларнинг оқибватлари (нормал туғилиш, бола тушиш abort, вақтидан илгари туғиш, ўлик туғиш), жами тирик туғилган болалар ва уларнинг ўртасидаги даврлари ҳақидаги саволлар киритилгандир. Тадқиқот Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларидағи аёллар маслаҳатхонаси ва туғуруқхоналарда ўтказилган.

Ушбу тадқиқот натижалари аҳолишунос олимларнинг илмий мақолаларида батафсилоқ ёзилган<sup>2</sup>. Оила демографик таркиби ва фаолиятини социолого – демографик тадқиқотлар ёрдамида ўрганишда Россиялик аҳолишунос олимларнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Бунга 1969 – 1972 йилларда сабиқ СССР статистика бошқармасининг илмий текшириш институти ўтказган тадқиқотлар мисол бўла одади<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда оила шаклланиши ва туғилишни ўрганишга бағишлиланган навбатдаги тадқиқот 1976 йилда (тадқиқот – 1976) Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган бўлиб, унда ўзбек оиласарининг шаклланиш хусусияти, яъни оиласа туғилган фарзандлар ўртасида давр (интергенетик интервал), ҳамда никоҳга киргандан сўнг биринчи фарзанд туғилишгача бўлган давр (протогенетик интервал), уларнинг кекса авлоддан ёш авлодга ўтган сари ўзгариб бориши, ижтимоий – иқтисодий омилларнинг

<sup>1</sup>Шорохова А.А. Методика изучения плодовитости человека. Ташкент 1935 Медицинская мысл Узбекистана. 1927-1928 №5.

<sup>2</sup> Алиакберова Н.М. Анализ современных тенденций рождаемости в Средней азии-Региональные Демографические исследования. (Ташкент, «ГашГУ». 1978. стр. 23-26) Буриева М.Р. изучение плодовитости женщин в узбекских семьях-Городская сельская семья(М. «Мысли». 1987, стр.142-156.)

<sup>3</sup> Белова В.А. Число детей в семье. (М. «Статистика» 1975) Бандарская Г.А. Рождаемость в СССР. (М. «Статистика» 1977); Белова В.А., Дарский Л.Е. Статистика мнений и изучение рождаемости (М. «Статистика» 1972) ва бошқалар.

## МАВЗУ-3: АҲОЛИ СОНИ ВА ТАРКИБИ.

### 3.1 Аҳоли сони ва аҳолининг ёш-жинсий таркиби.

Аҳоли сони – маълум ҳудуд ёки аҳоли гуруҳидаги кишиларнинг миқдорий ифодасидир. Демографияда аҳоли сони, энг умумий ва асосий кўрсаткич бўлиб, аниқ бир даврдаги аҳоли миқдорини англатади. Статистик манбаларда аҳоли сони маълум бир числога (1 – январ 1 июл ёки 31 декабр) келтирилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси 1991 йил 1 январда 20708,2 мингни, 2000 йил 1 январда эса – 24487,7 мингни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни бутун йил учун қабул қилиб бўлмайди, чунки йил давомида, яъни 1 январдан 31 декабрга қадар аҳоли сони туғилиш ва ўлим ҳисобига мунтазам ўзгариб туради.

Ҳар бир ҳудуд аҳоли сонини ўргангандада, уни доимий (шу ҳудудда доимий рўйхатга олинган) ва мавжуд реал (текширилаётган даврда шу ҳудудда маълум муддат яшаётган) аҳолига ажратилади.

Демографик тадқиқотлар олиб боришда назарий аҳоли сони, ҳамда мавжуд, реал аҳоли сонидан фойдаланилади. Назарий аҳоли сони ўзгармас – стабил, аҳоли сонидир. Стабил аҳоли сони лотинча *stabilis* сўзидан олинган бўлиб, доимий, ўзгармас деган маънони билдиради. Аҳоли тақрор барпо бўлишининг маҳсус коэффициентларини ҳисоблагандада стабил аҳоли сонидан фойдаланилади, турли демографик моделларни тузганда назарий аҳолидан фойдаланилади, яъни, ўрганилаётган давр аҳоли сони ўзгармас деб қабул қилинади.

Реал, мавжуд аҳоли сони маълум бир маъмурий ҳудуднинг, давлатнинг ўрганилаётган даврдаги мавжуд аҳоли сонидир. Масалан, Ўзбекистон давлатининг аҳоли сони, Фарғона водийсининг аҳоли сони ва х.к.

Демографик коэффициентларни ҳисоблагандада одатда ўртача йиллик аҳоли сонидан фойдаланилади. Чунки демографик жараён бутун йил давомига яъни 1 январдан 31 декабргача қадар бўлган муддатга ҳисобланади. Аҳоли сони эса юқорида қайд этилгандек йил бошига – 1 январга олинади. Маълум календар йилга ўртача йиллик аҳоли сони ҳисоблаш учун шу, календар йилининг бошидаги ва кейинги календар йилнинг бошидаги аҳоли сони қўшилиб иккига бўлинади ва ўрганилаётган йил учун ўртача аҳоли сони

аниқланади. Бунинг учун 1999 йил 1 январдаги ва 2000 йил 1 январдаги аҳоли сонларини қушиб иккига бўлинади. (Р1999+Р2000:2)

Аҳоли сони хақидаги аниқ маълумотлар аҳоли рўйҳати ўтказиш йўли билан тўпланади. Аҳоли рўйҳатлари орасидаги давр учун, эса ҳар йилги тугилиш, ўлим ва миграция жараёнларини эътиборга олган ҳолда, аҳоли сони маҳсус услублар ёрдамида ҳисобланади.

Демографик жараёнларни ўрганишда аҳолининг ёш – жинсий, никоҳ ва оилаский таркиби муҳим омил ҳисобланади.

Аҳолининг жинсий таркиби – никоҳга кириш ва аҳолининг оилаский таркибининг шаклланишида асосий демографик заминдир. Демографияда жинслар муносабатини аниқлашда икки хил кўрсаткич қўлланилади. 1) Жами аҳоли таркибида жинслар салмоғи – фоиз ҳисобида. Масалан, 2000 йил Ўзбекистонда жами аҳоли 24582,8 минг кишини ташкил этади. Улардан эркаклар 12232,7 ва аёллар 12350,1. Ушбу кўрсаткичлар асосида жами аҳоли таркибида эркаклар 49,8 фоизни, аёллар эса 50,2 фоизни ташкил этишини аниқлаш мумкин.

Аҳоли жинсий таркибини ўрганишда аниқ кўрсаткич ҳар 1000та эркакларга нисбатан аёллар сони, ёки ҳар 1000 та аёлларга нисбатан эркаклар сони ифодасидир. Ушбу кўрсаткич орқали маълум ҳудуд жами аҳолисининг ва аҳоли ёш гуруҳлари (0 – 9,10 – 19,20 – 29...) жинсий таркиби ўрганилади. Мисол тариқасида, юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, аёллар сонини эркаклар сонига бўламиз ва натижани 1000 га кўпайтирилади. 2000 йилда Ўзбекистонда ҳар 1000 та аёлга 991 эркак тўғри келар экан, ёки эркаклар аёллардан камроқ экан. Ана шундай услугуб билан алоҳида ёш гуруҳлари учун ҳам аёллар ва эркаклар нисбати аниқланади

Аҳоли ёш таркиби уч асосий омил таъсирида шаклланади; 1) Янги тугилганлардаги жинсий нисбат:

2) Ўлимдаги жинсий фарқ. 3) Аҳоли миграциясидаги жинсий фарқ.

Аҳолининг ёш таркиби – ижтимоий – иқтисодий ва демографик жараёнларни ўрганиш мақсадида аҳолининг ёш гуруҳларга бўлинишидир. Аҳоли ёш гуруҳлари ва

демографик жараёнлар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Аҳоли таркибида ёшлар (0—9, 10—19, 20—29 ёшида) салмоғининг юқорилиги никоҳ ва туғилиш каби демографик жараёнларга ижобий таъсир этади. Айни пайтда туғилиш юқори бўлган ҳудудларда болалар, ёшлар салмоғи юқори бўлади. Туғилиш даражаси паст бўлган ҳолларда эса аҳоли таркибида қариялар (60 ёш ва ундан юқори) салмоғи юқори ва ўлим ҳоллари кўпроқ содир бўлади. Демографик нуқтаи назардан ёндашганда аҳолининг бутунги ёш таркиби кечаги аҳоли такрор барпо бўлишининг натижаси ва келажақдаги демографик ривожланишнинг асоси бўлиб хизмат қиласди..

Аҳоли ёш таркибини ўрганганда аҳолининг алоҳида ҳар бир ёшларга (0,1,2,3,4,5 . . . 100 ва ундан юқори) беш йиллик ёш гуруҳларига (10—14, 15—19, . . .) ва уч ийрик—ийрик гуруҳларига (0—14, 15—59, 60 ва ундан юқори) ажратилади.

Аҳоли ёш таркиби демографияда асосий ўрганиш обьекти сифатида ўз келиб чиқиш ва ривожланишига эга. Ушбу ривожланишни қуидаги йўналишларга ажратиш мумкин: а) алоҳида ёш гуруҳлари ва уларни нисбатларини статистик таҳдили: б) аҳоли ёш таркибининг шаклланиш қонуниятлари ва уларнинг демографик ривожланишнинг омили сифатидаги ўрни; в) аҳоли ёш таркиби ва ижтимоий иқтисодий жараёнларни ўзаро боғлиқлиги.

Аҳоли сонининг ўсиб боришида унинг ёш таркиби асосий омил ҳисобланади. XX асрнинг ўрталарида иқтисодий ривожланган давлатларда аҳоли такрор барпо бўлиши туғилиш даражасининг нисбатан пастлиги ва аҳоли умумий таркибида болалар салмоғининг камлиги билан ҳарактерланади. Ривожланаётган давлатларда эса ана шу даврда нисбатан юқори туғилиш ва аҳоли таркибида болалар салмоғининг юқорилиги ҳарактерли эди. Туғилиш юқори ва уни назорат этиш даражаси паст бўлган шароитда аҳолининг ёш таркиби, аҳоли сони ўсиб боришига бевосита таъсир этади.

XX асрнинг бошларида швед олим Г. Сундберг томонидан аҳоли ёш таркибининг уч тури ажратилган: 1) Прогрессив ёш таркиби — аҳоли таркибида болалар (0—14 ёш) салмоғи юқори бўлади ва аҳоли ўсишига олиб келади.

2) Стационар ёш таркиби – аҳоли таркибида болалар ва қариялар (60 ёш ва ундан юқори) салмоғи деярли тенг бұлади, бундай ёш таркиби аҳоли үсишида асосий омил бұла олмайды. 3) Регрессив ёш таркиби – аҳоли умумий сонида қариялар салмоғи болаларга нисбатан юқори бұлади, аҳоли такрор барпо бұлиши қисқариб аҳолининг қариш жараёни рүй беради.<sup>1</sup>

Аҳолининг қариш жараёни – туғилишнинг камайиб кетиши ва аҳоли үртача умр күриши мұлдатини узайыш ҳисобига аҳоли таркибида қариялар (60 ёш ва ундан юқори) салмоғини ошип боришидир.

### **3.2. Аҳолининг никоҳ ва оиласый таркиби.**

Аҳолининг никоҳда туриш таркиби – аҳолининг жинсий ва ёш гурухларининг никоҳда туриш ҳолати бүйіча тақсимланиши. Никоҳда туриши асосан ёш гурухлари бүйіча үрганилғанлығи учун ҳам күп адабиётларда аҳолининг «никоҳ – ёш таркиби» ҳам дейилади. Аҳолининг никоҳ ҳолати бүйіча асосий манба аҳоли рүйхати маълумотлари ҳисобланади. Аҳоли рүйхати үтказилаёттанды аҳоли никоҳда турувчилар ва никоҳда турмайдиганлар гурухыга ажратып рүйхатта олинади. Никоҳда турмайдиганлар гурухыга бүйдекелар, бевалар ва ажралғанлар киради.

Аҳолининг никоҳда туриши аҳоли такрор барпо бұлиши ва оиласалар шаклланишида асосий демографик омил сифатида аҳамиятладыр.

Аҳолининг оиласый ҳолати ва таркиби демографик жараёнларга бевосита таъсир күрсатади.

Маълумки, жамиятда инсонлар оила мухитида оила аъзоси булиб, түрли гурухларда гурух аъзоси булиб ёки үзлари алоҳида ёлғиз ҳолда яшайдилар. Аҳолининг бундай гурухларга бұлиніб яшаши унинг оиласый ҳолатини билдиради.

Аҳолининг оиласый ҳолати ҳақидағи маълумотлар аҳоли рүйхати үтказиш йүли билан түпленади. Ўзбекистон статистикасида аҳоли оиласый ҳолати бүйіча уч гурухға ажратылған ва аҳоли рүйхати дастурига киритилған.

<sup>1</sup> Демографический энциклопедический словарь. М., 1985., С.67.

1. Оила билан бирга оила аъзоси бўлиб яшовчилар.
2. Оиласдан алоҳида, лекин оила билан мунтазам алоқани сақлаб қолган ҳолда яшовчилар.
3. Ёлғиз яшовчилар.

Ўзбекистонда аҳолининг оилавий ҳолатига оид тўлароқ статистик маълумотлар 1939 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатлари маълумотларидан бошлаб мавжудadir. Ушбу маълумотлар кўрсатишича 1939 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 93,3 фоизи оила аъзоси бўлиб, оила билан бирга 6,7 фоизи эса оиласдан алоҳида яшаганлар. Агар бу кўрсаткичлар 1989 йил ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари билан солиштирилса республика аҳолисининг оилавий таркибида катта ижобий ўзгаришлар бўлгани маълум бўлади. Чунки 1939 – 1989 йилларда аҳолининг оила аъзоси бўлиб, оила муҳитида яшовчи қисми 2 фоизга қўлпайди ва жами аҳолининг 95,3 фоизини ташкил этди. Ёлғиз яшовчилар эса, деярли икки марта камайди.

Аҳолининг оилавий таркиби деганда оила аъзоси бўлиб яшовчи аҳолининг оила турлари бўйича тақсимланиши тушунилади<sup>1</sup>. Аҳолининг оилавий таркибини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар аҳолининг оила катталиклари, яъни оиласда яшовчи кишилар миқдорига қараб ва оиласининг ижтимоий гурухлари бўйича тақсимланишидир.

## МАВЗУ-4: ДЕМОГРАФИК КОЭФФИЦИЕНТИЛАР

### 4.1. Туғилиш ва ўлим коэффициентлари.

Демографик жараёнлар (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажralаш) ни муқакммал ўрганишда, уларни турли аҳоли гурухлари, давлатлар, дунё ҳудудлари бўйлаб қиёслашда, келажак истиқболини аниқлашда, демографик коэффициентлардан фойдаланилади. Ушбу коэффициентлар ёрдамида ўрганилаётган демографик жараённинг керакли жиҳатлари чуқур ва қиёсий даражада ўрганилади. Маълум тарихий давр ёки икки ҳудуд орасида демографик фарқларни статистик маълумотлар орқали бевосита аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир демографик жараённи коэффициенти ҳисобланади. Бунинг

<sup>1</sup> Демографический энциклопедический словарь. № 1985. 394 – 395 бетлар

учун қайд этилган демографик жараённинг 1000 кишига нисбатан бўлган миқдорли аниқланади. Демак 1000 киши демографик жараёнларни ўрганишда мезон ҳисобланади. Бу кўрсаткич промилле, деб юритилади ва қуйидагича  $-0/00$  белгиланади.

Демографик коэффициентлар алоҳида демографик жараёнларни ифодалайди. Демографик коэффициентлар умумий, маҳсус ва хусусий жиҳатларга эгадир.

Туғилиш ва унинг коэффициенти. Туғилиш – маълум авлодларни ташкил этувчи аҳоли гуруҳидаги бола кўриш жараёнидир. Туғилиш – биологик жараён. Лекин у ижтимоий – иқтисодий муҳит таъсирида ўзгариб боради. Жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий таркибидағи ўзгариппилар туғилиш даражасини белгилайди.

Туғилишнинг биологик асоси инсоннинг пуштлилиги, насл қолдириш, авлод қолдириш қобилиятидир. Эркак билан аёл, яъни никоҳ жуфтларининг фарзанд кўришга бўлган биологик қобилияти пуштлилик, деб аталади ва бу тушунча демографияда кўпроқ аёлларга нисбатан қўлланилиб, ҳар бир аёлнинг фарзанд кўриш давридаги (уртacha 15–49 ёш) жами ҳомиладорлиги билан белгиланади. Пуштлилик эркак ва аёлнинг биологик хусусиятларига, саломатлигига боғлиқдир. Илмий манбаларда қайд этилишича, соғлом аёллар фарзанд кўриш даврида энг купи 35 тагача ҳомиладор бўлиши (эгизаклар ҳам битта ҳомиладорлик ҳисобланади) мумкин экан. Лекин ҳар бир аёл уртacha 10–12 та тирик фарзанд кўриши, 10–15 марта ҳомиладор бўлиши (ўлик туғилиши, бола ташлаш ҳолатлари билан бирга) мумкин.

Туғилиш – тирик туғилган болаларни ифодаловчи биологик жараён бўлиб, у инсонларнинг репродуктив майли, яъни фарзанд кўришга бўлган муносабати билан боғлиқдир. Репродуктив майл эса инсон яшаётган ижтимоий – иқтисодий муҳиг билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Натижада инсон ўз пуштлигидан, яъни бола кўришга бўлган биологик имкониятидан тўла фойдаланмайди. Ўзининг болани тарбиялаб вога етказиш учун зарур бўлган барча ижтимоий – иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, фарзанд кўришга ҳаракат қиласи, яъни фарзандлар туғилишини чеклайди, назорат этади.

Туғилиш даражаси – туғилиш кофициентлари ёрдамида үрганилади. Тағилишнинг умумий, махсус ва хусусий коэффициентлари мавжуддир.

Туғилишнинг умумий коэффициенти. Ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сонини ифодалайди ва қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$n = \frac{N}{TP} \cdot 1000$$

T – үрганилаётган давр (йил).

P – үрганилаётган даврдаги аҳолининг ўртача сони.

N – үрганилаётган даврда туғилган болалар сони.

Туғилишнинг умумий коэффициенти одатда промилледа ҳисобланади. Бу коэффициентдан туғилиш даражасини ифодалашда кўпроқ фойдаланилади. Унинг ёрдамида маълум ҳудуд ёки авлоддардаги туғилишда рўй берәётган ўзгаришлар умумий тарзда үрганилиши мумкин. Лекин туғилишнинг умумий коэффициенти туғилиш даражасини ифодалашда бироз дағалликларга йўл қўяди. Чунки бу кўрсаткичга аҳолининг ёш ва жинсий таркиби бевосита таъсир этади. Агар үрганилаётган ҳудуд аҳоли таркибида фарзанд кўриш ёшига етмаган болалар (0 – 14) ва фарзанд кўриш ёшидан ўтган кексалар (60 ва ундан юқори ёщдаги аҳоли гуруҳи) салмоғи юқори бўлса, туғилиш умумий коэффициентининг бироз паст даражада ифодаланишига олиб келади.

Демограф олимлар Б.Ц.Урланис, В.А.Борисовлар томонидан туғилиш даражасини туғилиш умумий коэффициенти ёрдамида баҳолаш мезони аниқланган. Умумий мезон бўйича үрганилаётган ҳудуд ёки аҳоли гуруҳида туғилишнинг умумий коэффициенти 16 промилледан кам бўлса туғилиш даражаси паст: 16 – 24 промилле бўлса – ўрта, 25 – 29 промилле бўлса – юқори ва 40 промилледан баланд бўлса туғилиш даражаси жуда юқори ҳисобланади<sup>1</sup>.

Туғилишнинг махсус коэффициентлари туғилиш даражсидаги ўзгаришларни аниқ ифодалайди, туғилишни атрофлича үрганишда қўлланилади. Ушбу коэффициент алоҳида эркаклар ва аёллар гуруҳига нисбатан ҳисобланиши мумкин. Демографик тадқиқотларда асосан репродуктив ёщдаги (15 – 49 ёш) аёлларга нисбатан қўлланилади.

<sup>1</sup> Демографический энциклопедический словарь. М., 1985 с год

Туғилишнинг махсус коэффициентида ҳар 1000 та 15 – 49 ёшдаги аёлларга нисбатан туғилган болалар сони аниқланади ва қуийидагича ифодаланади:  $F_{15-49} = \frac{N_{15-49}}{TW}$

$F_{15-49}$  – туғилишнинг махсус коэффициенти.

$N_{15-49}$  – ўрганилаётган даврда 15 – 49 ёшни аёлларда туғилган болалар сони.

$T$  – ўрганилаётган давр (йил).

$W$  – репродуктив ёшдаги аёллар сони (15 – 49 ёш, туғилиш даражаси паст давлатларда 15 – 44 ёшдаги аёллар олинади).

Туғилишнинг махсус коэффициенти эркакларга нисбатан ҳам ҳисобланади. У ҳолда ҳар 1000 та 15 – 49 (14 – 54 ёшлар учун ҳам ҳисобланади) ёшдаги эркакларга нисбатан туғилган болалар сони аниқланади.

Туғилишнинг хусусий коэффициентлари – туғилишнинг ўрганишдаги энг аниқ коэффициентлар бўлиб, маълум ёш гуруҳларда туғилиш даражасини ифодалайди. Бу коэффициент одатда ҳар 1000 та 15 – 19, 20 – 24, 25 – 29, 30 – 34, 35 – 39, 40 – 44 ва 45 – 49 ёш гуруҳидаги аёлларда туғилаётган болалар сонини аниқлашда қўлланилади ва қуийидагича ифодаланади:

$$F_{x/y} = \frac{N_{x/y} + y}{TW_{x/y} + y} \cdot 1000$$

$F_{x/y}$  – туғилишнинг махсус ёш гуруҳи бўйича коэффициенти.

$N_{x/y}$  – маълум ёш гуруҳидаги оналардан туғилган болалар сони.

$T$  – ўрганилаётган давр (йил)

$W$  – ўрганилаётган ёш гуруҳидаги аёлларнинг ўртача сони.

Туғилишнинг йигинли (суммарный) коэффициенти туғилиш даражасини энг аниқ ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, унда дунё ҳудудлари, давлатлар ва маълум аҳоли гуруҳларида туғилиш даражасини ифодалашда қўлланилади. Ҳудудлар бўйича туғилиш даражасини таққослаганда ҳам асосан туғилишнинг йигинди коэффициенти ишлатилади. Туғилишнинг йигинди коэффициенти маълум авлодга тегишли ҳар бир аёлнинг ҳаёти давомида (ўлим ва ёш таркибида) ўзгаришлардан

қатъий назар, ҳар бир ёш гуруҳидаги туғилиш даражаси сақланган ҳолда) туқсан болаларининг ўртача сони. Туғилишнинг йифинди коэффициенти туғилишнинг ёш гуруҳлари коэффициентлари йифиндисига тенг.

$$F_{\text{коэффиц.}} = \sum_{i=1}^n y_i \cdot F_{v_i} + y$$

Ү – ёш гуруҳлари орасидаги давр (интервал)

Туғилишнинг йифинди коэффициенти 4.0 дан юқори бўлса – туғилиш даражаси юқори 2.15 дан кам бўлса туғилиш даражаси паст ҳисобланади.

Ўлим ва унинг коэффициентлари. Ўлим авлодларни ҳаётдан кўз юмиш жараёнини ифодалайди ва қатор омиллар (эндоген, экзоген) таъсирида содир бўлади. Ўлим жараёни маълум аҳоли гуруҳарида, авлодларда, давлатларда ва жамият тараққиёти босқичларида ижтимоий – иқтисодий шароитларга борлиқ ҳолда, инсон ҳаётининг турли даврларида содир бўлади. Ўлим жараёнини ифодалашда қуийдаги коэффициентлардан фойдаланилади. Ўлимнинг умумий коэффициенти:

$$\eta = \frac{M}{TP} \cdot 1000$$

$m$  – ўлим умумий коэффициенти (промилледа ифодаланади).

$M$  – ўрганилаётган даврдаги ўлганлар сони.

$T$  – давр.

$P$  – ўрганилаётган даврдаги аҳолининг ўртача сони.

Ўлимнинг умумий коэффициентига ҳам аҳолининг ёш ва жинсий таркиби бевосита таъсир кўрсатади. Аҳоли таркибida қариялар салмогининг кўплиги ўлимнинг умумий коэффициентини кўтарилишига олиб келиши мумкин. Ўлим жараёнида бўлаётган ўзгаришларни аниқ ўрганиша унинг маҳсус коэффициентлари – ёш гуруҳлари ва жинслар бўйича алоҳида ифодаланади.

Ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти – алоҳида ёшлар (1,2,3,4,5,...) ёки ёш гуруҳлари (1 – 4, 5 – 9, 10 – 14...) бўйича ҳисобланаб ҳар 1000 та ўрганилаётган ёшдаги аҳолига нисбатан шу ёшдаги ўлганларнинг ўртача сонини аниқлайди ва промилледа ( $\%$ ) ифодаланади.

$$m_{x,x+z} = \frac{M_{x,x+z}}{TP_{x,x+z}}$$

$m_{x,x+z}$  – ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти ифодаси.

Т – ўрганилаётган давр, йил.

$M_{x,x+z}$  – ўрганилаётган ёш гуруҳидаги жами ўлганлар сони.

$P_{x,x+z}$  – ўрганилаётган ёш гуруҳидаги аҳолининг ўртача сони.

Ўлимнинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти ёрдамида ҳар бир ёш гуруҳида содир бўлаётган ўлим ҳоллари ва омиллари ўрганилади, ва ўлим жадвали тузишда фойдаланилади. Аҳоли гуруҳидаги ўлим жараёнини ўрганишда гудаклар ўлими, яъни бир ёшгача (0–12 ой) бўлган болалар ўлими ҳам жуда аҳамиятлидир. Чунки, кўп ҳолларда гудаклар ўлими бир мунча кўпроқ бўлиб, аҳоли ўлимнинг умумий коэффициентининг юқори бўлишига сабаб булади. Шунинг учун ҳам гудаклар ўлими алоҳида ҳисобланади.

Гудаклар ўлими ҳар 1000 та тирик түғилган болаларга иисбатан, шу ёшда ўлган гудакларнинг сонини билдиради ва промилледа ифодаланади.

Бир ёшгача ўлган жами болалар сони

урганилаётган даврдаги бир ёшгача бўлган тирик түғилган болалар сони

• 1000 •

Аҳоли ўлим даражасини ўрганишда оналар ўлимини мукаммал ўрганиб бориш зарурдир. Оналар ўлим туғилиш даражаси юқори, ижтимоий – иқтисодий ривожланиши нисбатан суст, давлатларда баланд бўлиб, аҳоли ўлим кўрсаткичларига бевосита таъсир этади.

Оналар ўлимига ҳомиладорликнинг охириги (28 хафтадан кейин) ҳамда фарзанд түғилгандан кейинги (6 хафта) даврда содир бўлган аёллар ўлими киритилади.

Оналар ўлими ҳар 1000 та туққан аёлларга ёки ҳар 1000 та тирик туғилған болаларга нисбатан ҳисобланади.

#### **4.2. Никоҳ ва ажралышнинг коэффициентлари.**

Никоҳ эркак билан аёлнинг тарихан таркиб топған, жамият томонидан муайян тартибга солиб турладиган үзаро, ҳамда болаларига нисбатан муносабатлари шаклидир. Никоҳ ўз эволюциясига, турларига эга бўлган социал жараёндир. Жамият тараққиётининг маълум даврида пайдо бўлган никоҳ, жамият ривожланиши билан такомиллашиб, шаклан үзгариб боради. Никоҳнинг энг дастлабки тури ибтидоий жамиятнинг дастлабки босқичига мансуб бўлган гурухий никоҳ эди. Гурухий никоҳда икки қабила, икки уруғ аёл ва эркаклари ўртасида никоҳ муносабатлари шаклланган бўлиб, бир уруғ ёки қабилага мансуб эркак ва аёллар ўртасидаги никоҳ муносабатлари тақиқланган эди. Бундай никоҳлар экзогам никоҳлар, деб ҳам аталади. Кейинчалик жамиятдаги ижтимоий – иқтисодий үзгаришлар, чорвачилик, дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдони, саноатни, урбанизацияни ривожланиб бориши, синфий жамиятни ташкил топиши, аёл ва эркакнинг жамиятдаги, оиласидаги ўрнига боғлиқ ҳолда никоҳ турлари ҳам мос равища үзгариб борди. Аста – секин полигам (кўп никоҳлилик, одатда кўпхотинлилик тушунилади) никоҳ туридан моногам (якка никоҳ, яъни бир эркак ва бир аёл ўртасидаги никоҳ) никоҳ турига ўтилди. Моногам никоҳ синфий жамиятта хос бўлган никоҳ туридир.

Никоҳни қайд этиш, яъни рўйхатга олиш фуқаролик тартиби қонун – қоидаларва диний урф – одатларга кўра амалга оширилади. Ҳар бир давлатда никоҳга кириши ёш йигит ва қизлар учун белгиланган ва давлат, оила ҳамда никоҳ қонунлари орқали расмийлаштирилган. Никоҳга кирувчилар сони давлат маҳсус ташкилотлари томонидан муутазам рўйхатга олиб борилади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида дунёдаги барча халқларда никоҳ турлари унинг қайд этилиши, мақсади ва вазифалари үзаро жуда яқин бўлсада, лекин никоҳ ёши, ёш гуруҳлари, жинслар буйича никоҳда турувчилар салмоғи, яъни никоҳлилик даражаси турличадир.

Никоҳ жараёнини аҳолишунослик фанлари тизимига киривчи қатор фанлар ўз мақсадларига мос равишда таҳлил этадилар, ўрганадилар.

Демографияда никоҳ аҳоли такрор барпо бўлишига бевосита таъсир этувчи демографик жараён сифатида, ўз ўрганиш услуби, коэффициентлари ёрдамида таҳлил этилади. Аҳоли гурӯҳидаги никоҳлилик даражасини никоҳ коэффициентлари ёрдамида аниқ ўрганилади. Никоҳ коэффициентлари – аҳолини (эркаклар ва аёлларнинг) никоҳда бўлишини ифодаловчи нисбий кўрсаткич бўлиб, у маълум даврда қайд этилган никоҳлар сонини никоҳ ёшидаги аҳолига (16 ёндан юқори) нисбати билан ўлчанади.

Никоҳнинг умумий ёш гурӯҳлари ва йиғинди коэффициентлари мавжудdir. Никоҳнинг умумий коэффициенти – маълум худудда маълум даврда никоҳга киргандар сонининг шу ҳудуд аҳолисининг ўртача сонига нисбатан ифодалайди.

$$R = \frac{B}{P_{16+}} \times 1000$$

*B* – бир йилда никоҳга киргандар сони

*P*<sub>16+</sub> – 16 ёш ва ундан юқори никоҳ ёшдаги аҳоли.

Никоҳнинг умумий коэффициенти орқали маълум давлат ёки аҳоли гурӯҳи никоҳ динамикасидаги ўзгаришлар, никоҳга ижтимоий иқтисодий омиллар таъсирини ўрганиш мумкин. Лекин, никоҳнинг умумий коэффициенти ҳам туғилиш ва ўлимнинг умумий коэффициентлари каби аҳолининг ёш жинсий таркибига боғлиқdir.

Аҳолининг никоҳ ҳолатини ўрганишда никоҳнинг ёш гурӯҳлари коэффициенти аниқ кўрсаткич ҳисобланади. Бу коэффициент ёрдамида маълум ёш гурӯҳлардаги (16 – 19,20 – 24, 25 – 29...) эркаклар, аёллар, бўйдоқлар, ажralганлар, беваларга нисбатан никоҳда турганлар сони аниқланади.

Никоҳнинг ёш гурӯҳлари коэффициенти маълум ёнда никоҳга киргандар сонини шу ёшдаги аҳоли сонига нисбатан ифодалайди.

Никоҳнинг йиғинди коэффициенти – никоҳнинг ёш гурӯҳлари (16 – 69 ёшдаги эркаклар ёки аёллар) коэффициентининг йиғиндиси бўлиб, ўрганилаётган авлоднинг ҳаёти давомидаги никоҳлар сонини ифодалайди.

Ушбу коэффициентда ўлим ҳоллари ва авлод сонига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинмайди. Одатда никоҳнинг йиғинди коэффициенти бир кишига нисбатан ҳисобланади ва маълум авлоднинг никоҳда бўлиш ҳолатини ифодалайди. Шунингдек мазкур коэффициент орқали ўрганилаётган авлодда биринчи, иккинчи никоҳга кириш ва никоҳсизлик ҳолатлари ҳам ўрганилади.

Ажralиш ва унинг коэффициентлари. Ажralиш – эр – хотиннинг хаётлик даврида никоҳнинг бекор этилишидир. Ажralиш – мураккаб социал жараён бўлиб, қатор омиллар таъсирида содир бўлади. Уларга жамиятда никоҳнинг тутган ўрни, никоҳ турлари, ҳар бир давлатда никоҳ ва ажralиш ҳақидаги мавжуд қонунлар, давлат томонидан оила мустаҳкамлиги борасида олиб борилаётган сиёsat, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, фарзандсизлик, оила турмуш тарзи, дин, урф одатлар, алкоголизм ва наркомания кабиларни киритиш мумкин. Ушбу омиллар таъсирида жамият тараққиётининг турлича босқичларида, давлатларда, халқларда ва аҳоли гуруҳларида ажralиш даражаси турлича бўлади. Ажralиш жараёнини ўрганишда қатор коэффициентлардан фойдаланилади.

Ажralишнинг умумий коэффициенти – маълум даврдаги ажralиш сонини шу даврдаги аҳолини ўртacha сонига нисбатини ифодалайди, ва промилледа белгиланади.

$$a = \frac{A}{P} \cdot 1000$$

*A* – маълум даврдаги ажralиш сони.

*P* – ўрганилаётган даврдаги аҳолининг ўртача сони.

Шунингдек, ажralишнинг ёш гуруҳлари коэффициенти (маълум ёш гуруҳлари эркаклар ва аёлларда содир бўлган жами ажralишлар сонини шу ёш гуруҳидаги жами эркаклар ва аёлларга нисбатан); ажralишнинг махсус коэффициенти (маълум ёш гуруҳида эркаклар ёки аёлларда содир бўлган жами ажralишлар сонини шу ёш гуруҳидаги оиласи эркаклар ва аёлларга нисбатан) ва никоҳ давомийлиги бўйича ажralишнинг махсус коэффициент (никоҳда туришнинг маълум даврида ажralганлар сонининг ана шу давр бошида қайд этилган жами никоҳлар сонига нисбати) лари ҳам мавжуд бўлиб, улар орқали ажralиш жараёнидаги ўзгаришлар мукаммал ўрганилади.

### 4.3. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши ва демографик ўтиш.

Аҳолининг тақрор барпо бўлиши жамият давомийлигини таъминловчи асосий жараён бўлиб, инсон авлодининг мунтазам янгиланиб туришидир. Инсон дунёга келиб яшайди, балоғат ёшига етиб, фарзанд қўради, насл қолдиради. Бу узвий жараён туфайли жамиятда авлодлар алмашади, аҳоли тақрор ва тақрор барпо бўлаверади. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши жамиятнинг мавжудлигини, аҳоли сонини ўсиб боришини таъминловчи асосий биологик жараёндир. Лекин, у бевосита ижтимоий – иқтисодий муҳит билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Баъзан муттаҳассислар аҳоли тақрор барпо бўлишини аҳолининг уч асосий: табиий, ҳудудий (миграция) ва социал ҳаракатлари йиғиндиси сифатида таҳлил этадилар.

Аҳолининг тақрор барпо бўлишида унинг табиий ҳаракати, яъни туғилиш ва ўлим асосий омил ҳисобланади. Туғилишнинг юқори бўлиши аҳоли тақрор барпо бўлиши жараёнини кучайтиради ва аҳоли сонини ўсиб боришига олиб келади. Авлодларнинг алмашуви, уларнинг узоқ яшаши эса ўлим жараёнига боғлиқдир. Ўз навбатида инсон хаётида ўлимнинг содир бўлиши юқорида қайд этилганидек, қатор эндоген ва экзоген омиллар, аксарият ҳолларда жамиятдаги социал муҳит таъсирида содир бўлади. Инсон ҳамиша узоқ умр кўришга интилади. Ҳар бир жамиятда инсоннинг узоқ умр кўриши, авлодлар саломатлиги учун ижтимоий – иқтисодий имкониятлар яратилади. Натижада инсонларнинг узоқ умр кўришига, ўлим ҳолларини эса социал чора – тадбирлар билан бошқаришга эришилади.

Авлодларни узоқ умр кўриши, ташқи муҳит билан узоқ мулоқатда бўлиши унинг демографик майлига ҳам таъсир кўрсатади. Аҳоли тез суръат билан камайиб боришига ҳам омил бўлади. Натижада авлодлар ўртасида туғилишни, яъни насл қолдиришини бошқариш ҳоллари кенг тарқала бошлиайди. Демак, аҳолининг тақрор барпо бўлиши унинг табиий ҳаракатига боғлиқ. Аҳоли табиий ҳаракати эса ўз вақтида социал муҳит таъсирида ўзгариб борарди.

Маълум ҳудуд ва давлат аҳолисининг тақрор барпо бўлишида аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, яъни ҳудудий ҳаракати ҳам аҳамиятлидир. Илмий

Тақиқотларнинг кўрсатишича аҳоли тақрор барпо бўлишининг асоси бўлган туғилиш, шаҳар турмуш тарзи таъсирида камайиб борган. Аксинча, қишлоқ турмуш тарзи туғилишни нисбатан юқори даражада сақланиб қолишига олиб келган. Аҳолининг шаҳардан қишлоққа, ёки қишлоқдан шаҳарга келиб яшаши бевосита унинг репродуктив майлига таъсир этиб, туғилишни камайиши ёки кўтарилишига олиб келади. Худди шундай аҳолининг социал ҳаракати, яъни унинг маълумотлитлик даражасини ошиб бориши, илм мақа талаб этган хизмат доирасида фаолият кўрсатиши, тобои билимлардан кўпроқ хабардор бўлиши, унинг узок умр кўришига, насл қолдириш – фарзандлар кўришига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Инсониятнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг ривожланиши давомида аҳоли тақрор барпо бўлишини бошқариш тизимида катта ўзгаришлар кузатилган. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши, туғилиш ва ўлим жараёнларини бошқариш орқали маълум мақсадга ийналтирилади.

Аҳолининг тақрор барпо бўлиши, яъни авлодлар алмашиниш жараёни жамият тараққиётининг турли босқичларида, давлатларда, миллатларда ўзига хос хусусиятга эга. Ана шу хусусиятларни аниқ билиш учун аҳоли тақрор барпо бўлишини ифодаловчи маҳсус кўрсаткичлар, яъни коэффициентлардан фойдаланилади.

Аҳоли тақрор барпо бўлишининг брутто коэффициенти. Ҳар бир аёлнинг репродуктив, яъни фарзанд кўриш даврида (15–49 ёш) ўрганилаётган даврдаги туғилиш даражаси сакланган ҳолда, нечта қиз бола кўриши мумкинлигини аниқлаб беради. Ушбу коэффициент қуийидаги формула орқали ифодаланади.

$$R = \delta \sum_{15}^{49} \times f_x$$

$R$  – брутто коэффициентнинг ифодаси.

$\delta$  – туғилганларнинг умумий миқдорида қиз болалар саломфи (0,488).

$f_x$  – ёш гурухлари бўйича туғилиш коэффициенти.

$\sum_{15}^{49}$  – 15–49 ёш гурухлари туғилиш коэффициентининг йиғиндиси.

Аҳоли тақрор барпо бўлишининг брутто коэффициентида ўлим ҳисобга олинмайди.

Аҳоли тақрор барпо бўлишининг нетто коэффициенти. Бу коэффициент, аҳоли тақрор барпо бўлишининг соғ коэффициенти бўлиб, у авлодлар алмашинув даражасини аниқ ифодалайди, чунки бу кўрсаткичда туғилган қиз болаларни онасини ёшига етгунга қадар яшаб борганилари ҳисобга олинади. Бошқача қилиб айтганда аҳоли тақрор барпо бўлишининг нетто коэффициентида ўлим эҳтимоли ҳисобга олинади ва нетто коэффициенти формуласи қўйидагича ифодаланди:

$$R_0 = RLX$$

*R* – брутто коэффициент.

*Lx* – Онасининг ёшигача яшаган қизлар.

Агар,  $R_0$  й бўлса, аҳоли ўсиб боради ва кенгайган аҳоли тақрор барпо бўлиши содир бўлади;  $R_0$  й бўлса, аҳоли сони камайиб боради ва қисқарган аҳоли тақрор барпо бўлиши юз беради:  $R_0=1$  бўлса, аҳоли сони ўзгармайди. Бундай ҳолни оддий аҳоли тақрор барпо бўлиши дейилади.

Демографик ўтиш, деб аҳоли тақрор барпо бўлишини, бир турдан иккинчи турга (кенгайган аҳоли тақрор барпо бўлишидан, қисқарган аҳоли тақрор барпо бўлишига) ўтишига айтилади. Демографик ўтиш концепцияси фанда биринчи марта француз демографи Л.Ландри томонидан 1903–1934 йилларда яратилган ва уни демографик революция деб аталган. 1945 йилда америкалик демограф Ф.Ноутстайн «Демографик ўтиш» иборасини таклиф этди.

XIX асрнинг охирида аҳоли туғилиши ва ўлим ҳоллари биологик қонуниятларгагина эмас, балки социал шарт–шароитлар билан боғлиқ ҳолда содир этилиши қайд этилган. Жамият тарихий ривожланиши жараёнида аҳоли тақрор барпо бўлишида чуқур ўзгаришлар юз берди. 1950 йилларга келиб, жамиятда демографик жараёнлар (никоҳ, туғилиш ва ўлимни) бошқариш жараёни кенг тарқалди. Жамият тараққиётида рўй берган йирик ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, аҳолининг демографик майлига бевосита таъсир этди. Айниқса, қатор давлатларда аҳолининг фарзандлар сонига бўлган муносабати ўзгарди. Кўпболалик ўрнини ўртача болалик, кам болалик эгаллай бошлади. Оилани кўп фарзандга бўлган талаби аста – секин урбанизация жараёни,

саноатни ривожланиши, аёллар билим даражасини ошиб бориши, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ўзгариб бориши билан боғлиқ ҳолда камая борди. Шунингдек жамиятда илм-фаннынг, айниқса тиббиётнинг ривожланиши, аҳолига тиббий хизматнинг кенг тарқалиши аҳоли ўртасида ўлимни кескин камайишига, ўртача умр кўриш даврини эса узайишига сабаб бўлди. Хомиладорликни одини олувчи воситалар хақидаги билимлар мунтазам шаклланиб борди. Бу воситалардан фойдаланиш, эса кенг тарқала бошлади. Қатор давлатларда туғилишни нисбати юқори даражада сақланиб туриши, ўлимнинг эса кескин камайиши, аҳоли сонини бирдан ўсиб боришига сабаб бўлди. Бу жараён дунёдаги ривожланаётган давлатларда, айниқса 1960 – 1970 йилларда кескин тус олди. Аҳоли сонини тез суръатлар билан кўпайиб боришини аҳолишунос олимлар «Демографик революция» ёки «Демографик портлаш» деб атадилар. Аҳолининг бундай тез суръат билан кўпайиб бориши ҳар бир давлат учун ижтимоий иқтисодий муаммоларни юзага келтириди. Натижада кўпгина давлатлар ўсиб бораётган аҳоли сонини чеклашга ҳаракат қилдилар, «Туғилишни назорат этиш» дастури қабул қилинди ва туғилиш жараёни экзоген (ташқи) омиллар таъсирида бошқарила бошланди. Аҳоли такрор барпо бўлишини ташкил этган икки асосий жараён туғилиш ва ўлимни бошқарилиши аҳоли такрор барпо бўлиш суръатини, ўзгаришига олиб келди. Аҳоли такрор барпо бўлиши бир турдан иккинчи турга ўта бошлади. Ушбу ҳолни юқорида қайд этилганидек – «демографик ўтиш», деб белгиланди. Демографик ўтиш жараёни босқичма – босқич содир бўлди. Муттахассислар томонидан демографик ўтиш тўрт босқичга ажратилди.

Биринчи босқич. Бу босқич ривожланган мамлакатларда XX аср ўрталарида кузатилди. Унда аҳоли ўртасида туғилиш ва ўлим ҳоллари камая бошлади. Лекин ўлим туғилишга қараганда жуда тез суръат билан камаяди. Баъзи давлатларда эса туғилиш деярли камаймайди. Натижада аҳолининг табиий ўсиши жуда юқори даражада бўлади.

Иккинчи босқич. Ўлимнинг камайиши жараёни давом этади ва камайиши энг кульминацион нуқтага етади. Туғилишнинг камайиши суръати эса жадаллашади. Натижада, аҳоли табиий ўсиши секинлаша боради.

Учинчи босқич. Ушбу босқичда юқори босқичларда рүй берган туғилишни ва ўлимни камайиши, аҳоли ўртача умр кўриши муддатини узайиши натижасида аҳоли таркибида қариялар салмоғи кўпайиб боради. Бу ҳол ўлим ҳолатини кўпайиб боришига олиб келади. Туғилиш яна ҳам камайиб боради ва оддий аҳоли такрор барпо бўлиши содир бўлади. Яъни нетто коэффициент 1 га тенглашади. Бошқача қилиб айтганда. Ҳар бир она ўз ўрнига фақат биттадан қизни – бўлажак онани қолдиради ҳолос. Бу босқичда аҳоли ёш таркибида стабиллашув тўлиқ кузатилмайди. Аҳоли таркибида ўлим ҳоллари кам бўлган гурӯҳ – ёшлар салмоғи нисбатан баланд бўлади.

Тўртинчи босқичда ўлим ҳоллари юқори даражада бўлади. Ўлим ва туғилиш коэффициентлари тенглашади. Демографик стабиллашув жараёни тугалланади.

Дунёдаги қатор ривожланган давлатлар XX асрнинг 80 ийларида учинчи босқичнинг тугалланиш даврига ўтганлиги кузатилади. Шу даврда, кўргина ривожланган давлатлар эса демографик ўтиш биринчи босқичнинг охириги ва иккинчи босқичнинг бошланиш давридадирлар.

#### **4.4. Аҳоли миграцияси ва демографик жараёнлар.**

Миграция сўзи лотинча «migration» сўзидан олинган бўлиб, кўчиш деган маънони билдиради. Кишиларнинг яшаш, ишлаш, ўқиш мақсадида, маъмурий чегаралардан ўтган ҳолда, бир манзилгоҳдан иккинчи манзилгоҳга доимий ёки маълум муддатта кўчиши миграция дейилади. Демак, аҳолининг ҳудудлар бўйлаб ҳаракати аҳоли миграциясини ифодалайди. Миграцияда иштирок этган кишиларни эса «мигрантлар» деб аталади

Миграция йўналишига биноан ташқи ва ички миграцияга бўлинади.

Ташқи миграция – бир давлатдан иккинчи давлатга, бир қитъадан иккинчи қитъага аҳолининг кўчишидир. Бу жараёнда давлатлар аҳолиси қайта тақсимланади ва уларда аҳолининг камайиши ва кўпайиши кузатилади.

Ички миграция – бир давлатнинг ичида аҳолининг ҳудудлар бўйлаб кўчишидир. Бундай миграцияда маълум давлат ичида шаҳар ва қишлоқ, туманлар бўйлаб аҳолининг қайта тақсимланиши содир бўлади. Лекин шу давлат

Миграция сальдоси манфий ёки мусбат бўлади ва у абсолют (масалан йилига 3000 киши) ҳамда нисбий кўрсаткичларда (100 ва 1000 киши ҳисобига) ифодаланади.

Маълумки миграция аҳоли кўчиб келган ҳудуднинг ҳам, кўчиб кетган ҳудуднинг ҳам демографик ҳолатига таъсир қилади. 1980 йилларда аҳоли ўсишида ташқи миграциянинг роли АҚШ, Канада, Франция, Австралия каби давлатларда ўртача 25 фоизни ташкил этган. Бошқача сўз билан айтилса, юқорида қайд этилган давлатларда аҳоли ўсишининг  $\frac{1}{4}$  қисмини иммигрантлар ташкил этган.

Мигрантлар оқими йўналган ҳудудларда, миграция сальдоси ижобий, яъни кўчиб келганлар сони, кўчиб кетганлар сонидан ортиқ бўлади. Натижада бундай ҳудудларда аҳоли сони ўсиб боради. Бу ҳол ўз навбатида никоҳ ҳолатига, оиласар миқдорининг ошиб боришига, туғилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Аҳоли кўчиб кетаётган ҳудудларда эса ёшлар салмоғи, жами аҳоли таркибида камайиб боради, меҳнат ёшидан катта бўлган аҳоли салмоғи эса ортиб бориб, ҳудуднинг демографик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Аҳолининг бир ижтимоий – иқтисодий муҳитдан иккинчи муҳиттага ўтиши унинг демографик майлига (никоҳга кириш ва оила қуришига, оиласаги фарзандлар сонига, оила мустаҳкамлигига муносабати ва ҳ.к.) бевосита таъсир этади. Шунингдек, аҳоли миграцияси меҳнат ресурслари шаклланишида ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мигрантлар оқими аҳолининг ёш жинсий таркибида ўз аксини топади. Меҳнат ресурслари ортиб боради. Натижада қатор муаммолар юзага келади ёки аксинча меҳнат ресурсларининг камайиб кетиш ҳоллари ҳам юзага келиши мумкинки, бу ҳам муаммоларга сабаб бўлади.

## МАВЗУ 5: ДЕМОГРАФИК БАШОРАТ ВА ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ.

### 5.1. Демографик башорат.

Демографик башорат деганда маълум ҳудуд аҳолисининг сони, таркиби ва демографик вазияти истиқболини илмий асосланган ҳолда олдиндан аниқлаш тушунилади. Ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий башоратлар,

демографик башорат заминида тузилади. Келажақда ишлаб чиқариш лозим бұлған махсулотлар миқдорини режалаштириш, ақолига хизмат қылувчи барча социал соҳаларни ривожлантириш учун аввало келажақдаги ақоли сони, ёш—жинсий таркиби, оиласар сонини билиш лозимдир. Айниқса, ақолининг ёш таркиби бүйича башорати мұхим ақамиятта әгадир. Келажақда мактабгача бұлған болалар муассасалари, мактаблар, олий ва махсус үқұв юртларини қурилишини режалаштириш учун келажақда қанча бола мактабгача муассасаларига қатнаши мүмкін, қанча бола мактаб ёшига етиши. Қанча бола мактабни тутатиб олий ва махсус үқұв юртларига бориши хақидағи маълумотлар зарурдир.

Ақолини ёш—жинсий таркиби хақидағи башорат тиббий хизмат күрсатиши тизимининг ривожланиши учун ҳам мұхим ақамият касб этади. Ақоли ёш—жинсий таркиби бүйича тузилған башорат асосида келажақда қанча болалар ва аёллар шифокорлари, ақолининг кекса гурухыга хизмат қылувчи кардиологлар, онкологлар, невропатологлар каби муттахассислар тайёрлаш режалаштирилади.

Келажақда, янги иш үринларини тайёрлаш, халқ хұжалиги соҳаларини ривожлантириш истиқболларини аниқлашда эса мәхнат ёшидаги ақоли хақидағи башорат илмий асос булиб хизмат қылади. Үмуман, иқтисодиёт ва ақолини ижтимоий ҳаётининг барча қырралари истиқболини режалаштиришда шу социал жараёнларнинг қатнашчилари, истеъмолчилари ва яратувчилари бұлмииш, ақоли гурухлари хақидағи демографик башорат зарурдир. Акс ҳолда келажақ учун режалаштирилған ұар қандай ижтимоий—иқтисодий жараён ижебий натижә бермайди.

Демографик башорат, демография фаны ва демографик тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Демографик башорат—башорат этилаёттан даврга қараб, қисқа муддатли, үрта муддатли ва узоқ муддатли бұлади.

Қисқа муддатли демографик башорат — 5 йилге мүлжалланған бўлиб, турли хұжалик ва режалаштириш ташкилотларида кўпроқ қўлланилади. Қисқа муддатли башоратда аниқлик даражаси нисбатан юқори бўлади. Чунки 5 йил давомида ақолини үлеми ва туғилиш жараёнида ҳам кескин үзгариш рўй бермайди. Мәхнат ресурслари, фарзанд

этник хусусиятлари, урф одатлари ва қадриятларини, демографик ҳолатини мукаммал ўрганиши лозим.

Демография мустақил фан сифатида ўз талкитот усулларига эгадир. Улар жумласига тарихий таққослаш, статистика, математика, картографик, мантиқий фикрлаш ва социологик услублар киради. Демографиянинг таҳлил услуби статистикадан фарқ қиласди. Унда мавҳум фикрлаш услубидан кенг фойдаланиш асосида аҳоли таркибида келгусида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳам ўрганилади. Аҳоли муайян ижтимоий ҳаёт тарзига бўйсуниши туфайли, демографик жараёнлар ҳам муайян ишлаб чиқариш усули ва муносабатига боғлиқ бўлади. Аҳоли мураккаб ижтимоий ва табиий ривожланиш маҳсулидир. Шу сабабли аҳоли турли омиллар заминида кўпаяди. Бу жиҳатдан демография таҳлил мавзуи сиёсий иқтисод, социология, психология, математика, статистика, социал гигиена, география, тиббиёт, тарих, этнография ва бошқа фанлар таҳлил мавзуига яқин бўлиб, шу фанларнинг ютуқларидан фойдаланади. Айни вақтда уларга қимматли маълумотлар беради.

Демография ҳар бир ижтимоий – иқтисодий тузум аҳолисининг кўпайиш ва ривожланиш қонунларини алоҳида – алоҳида ўрганади. Чунки ҳар бир ижтимоий – иқтисодий формацияга хос аҳоли ўсиш қонуни, демографик вазиятта бевосита таъсир кўрсатади.

Аҳолининг такрор барпо бўлиши қонуниятларни ўрганар экан, демография бир қатор илмий йўналишларга бўлинади ва бу йўналишлар демография фанлари тизимини ташкил этади. Уларга назарий демография, демографик статистика, тарихий демография, этник демография, иқтисодий демография, ҳудудий демография, таҳлилий демография ва амалий демографик тадқиқотлар киради.

## 1.2. Демографиянинг қисқача тарихи

Демографик билимлар – аҳоли сони, ёш – жинсий ва ижтимоий таркиби, туғилиши, ўлим ҳоллари, никоҳ ва ажralиши жараёнлари, миграция, ҳамда оиланинг демографик ҳолатига оид маълумотлардан таликил топади. Бундай маълумотлар жамиятнинг, айниқса давлатнинг

ташкыл топиши билан боғлиқ бўлиб, жуда қадимий тарихга эгадир. Илмий манбаларда қайд этилишича, аҳоли айниқса эркаклар, хўжаликлар, оиласалар сонига оид демографик маълумотлар эрамиздан олдинги давлардан бошлаб мавжуд экан. Буларга эрамиздан олдинги III – VI асрлардан бошлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Японияда ҳамда қадимги Рим ва Грецияда ўтказилган аҳоли рўйхатлари орқали тўплланган маълумотлар мисол бўла олади.

Демографик билимлар тарихини ўз мазмунига кўра, жамият тараққиётининг дастлабки босқичларидан то бугунга қадар уч даврга бўлиб, ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи давр XVI асрга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда давлатчилик ривожланиши билан боғлиқ ҳолда аҳолининг сони, айниқса эркаклар сони, хўжаликлар хақида маълумотлар тўплланган. Баъзи давлатларда эса аҳоли рўйхати ҳам ўтказилиб турилган. Лекин бу даврда демографик билимларга оид маълумотлар дунёning ҳамма ҳудудларида ҳам тўпланиб борилмаган. Илмий манбаларда демографик билимларга оид маълумотлар жуда кам учрайди.

Иккинчи давр. XVI – XVIII асрларни ўз ичига олади. Демографик билимларни ривожланишида бу давр алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу даврда демографик билимларга эҳтиёж кучайди. Аҳоли хаётида катта ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Феодалистик муносабатларни аста – секин капиталистик муносабатлар эгаллай бошлади. XVI – XVII асрдаги буюк географик қашфиётлар, халқаро савдонинг ривожланиши, капиталистик турмуш тарзининг шаклланиши натижасида турли давлатлар аҳолиси, уларнинг урф – одатларига қизиқиш кучайди. Айниқса, Европа давлатларида аҳоли сони, ҳаракатига оид қатор тадқиқотлар олиб борилди. Буларга флоренциялик сиёсатшунос ва тарихчи Н.Макиавелли, франциялик Ж.Боден, италиялик Д.Ботеро, немис олим Г.Конринг З.Бильфельди И.Зоненфельс, англиялик Д.Граунт, В.Петти, россиялик В.Ломоносовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни киритиш мумкин. XVI – XVII асрларда олиб борилган тадқиқотларда дунё аҳолиси, унинг баъзи ҳудудлари, давлатлар аҳолиси хақида анча мукаммал маълумотлар тўплланган.

таъсири ўрганилган. Тадқиқот 1500 қишлоқ оиласида ўтказилгандир<sup>1</sup>.

Маълумки Ўзбекистон 2000 йилларга қадар дунёдаги серфарзанд – кўпболали оиласалар салмоғи юқори давлатлардан ҳисобланади. Кўпболали оиласалар салмоғининг бутунги кунга қадар нисбатан юқори даражада сақланиб келаётганилиги қатор ўзига хос ижтимоий – иқтисодий омиллар билан боғлиқдир. Ана шу омилларни батафсилоқ ўрганиш мақсадида Тош ДУ (Хозирги ЎзМУ) Аҳолишунослик илмий лабораторияси ходимлари 1978 йиллари (Тадқиқот 1978) ва 1988 йиллари (Тадқиқот 1988) ягона дастур асосда тадқиқотлар ўтказганд.

Тадқиқот дастурига оиласининг демографик таркиби, унинг пайдо бўлиши, туғилиш ва унга таъсир этувчи омиллар, кўп болали оиласарнинг авлоддан – авлодга ўтиб борган сари ўзгариши, кўпболаликни қўллаб қувватловчи қадриятлар, омиллар, аҳолининг оиласа фарзандлар сонига бўлган муносабатлар, ва уларнинг авлодлар, турли ижтимоий групҳулар ва ҳудудлар бўйича ҳусусиятлари ва қариндош оиласарни ўрганиш кабилар киритилган эди. Ушбу тадқиқот натижалари қатор илмий мақолаларда батафсил ёритилган<sup>2</sup>.

1978, 1988 йилларда ўтказилган тадқиқотларга Андижон, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг шаҳар ва қишлоқ жойларида истиқомат қиливчи аҳоли жалб қилинган. Тадқиқот, асосан, маҳаллий миллат вакиллари ўртасида олиб борилган бўлиб уларнинг салмоғи жами тадқиқотда қатнашган аҳолининг 99,8 %ни ташкил этади.

Кейинги 5 – 6 йил ичида собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши муносабати билан унинг таркибига кирган барча республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, юқорида таҳдил этганимиздек, жуда катта иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари республиканинг демографик вазиятига, айниқса оиласининг демографик тадқиқот ва фаолиятига

<sup>1</sup> Буринев М.Р. «Формирование семьи в сельской местности Узбекской ССР» - Люди в городе и на селе. (М. «Статистика» 1978. стр. 95-102 ).

<sup>2</sup> Отамирзаев О. Многодетная женщина; социально демографический анализ; Женщина на работе и дома. (М. «Статистика» 1978) М. Буринева. Рождаемость в Узбекистане. (Т.. «Фан» 1991. Семья), Каштанскова И.И. Социально-демографический анализ многодетных женщин г. Ташкента. (Сб. науч. Тр. ТашГУ. №548. Региональные демографические исследования. Т. «ТашГУ», 1978, стр. 27-33)

маълум даражада ўз таъсирини курсатди. Бу ҳолни атрофлича ўрганиш алоҳида социолого – демографик тадқиқот ўтказишни талаб этарди. Шу боис, юқорида қайд этилган лаборатория ходимлари ягона дастур асосида 1991 ва 1996 йилларда Ўзбекистоннинг Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақолпогистон Республикасида маҳсус тадқиқот ўтказди. Дастурда оиласининг таркиби, туғилишда қатнашувчининг туғилган йили, миллати, маълумоти, оиласидаги фарзандлар сони, ҳамда уларни режалаштириш ҳақидағи фикрлари, шунингдек ҳомиладорлик натижалари, қариндош оиласар, оиласининг демографик таркиби ва фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни аниқловчи қатор саволлар мавжуддир. Тадқиқотда турли миллат ва ижтимоий гуруҳларнинг 16 ёшдан юқори вакиллари иштирок этгандар.

Ўзбекистонда оиласининг демографик тараққиёти ва фаолиятини ўрганишга бағишилаб ўтказилган, юқорида қайд этилган социолого – демографик тадқиқолар жуда катта назарий ва амалий аҳамиятта эгадир. Ушбу тадқиқотлар ёрдамида Ўзбекистоннинг турли тараққиёт босқичларидағи демографик хусусиятлари ва демографик тараққиётининг ўзига хос бўлган қонуниятлари ўрганилади; ўлка ҳаётидаги турли ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг оила демографик таркиби, ва фаолиятига таъсири аниқланади; Ўзбекистонда оила шаклланиши, авлодларнинг турли ижтимоий гуруҳлари, ҳудудлари бўйича хусусиятлари ўрганилади. Шунингдек ўзбек оиласи демографик тараққиётига таъсир этувчи урф одатлар, қадриялар ва уларнинг даврлар бўйлаб ўзгариб бориши ўрганилади. Шунингдек ўзбек оиласи демографик тараққиётига таъсир этувчи урф одатлар, қадриялар ва уларнинг даврлар бўйлаб ўзгариб бориши ўрганилади, тадқиқот натижалари республика демографик тараққиётининг келажак йўналишларини белгилашда, оила демографик таркиби ва фаолиятида келажакда куттилаётган муҳим ўзагаришларни аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қиласди.

аҳолисининг умумий сони ўзгармайди. Аҳоли миграцияси ўз моҳиятияга кўра уч турга, яъни доимий вақтинча (мавсумий) ва тебранма (маятниксимон) миграцияга бўлинади.

Доимий миграция – БМТ таърифига биноан аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиди, бир йилдан кўп яшаб қолишидир. Вактинча миграция эса аҳолининг бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиди, маълум муддат яшаб қайтишидир. Вактинча миграцияга аҳолининг ўқиш, армия хизмати, шартнома асосида ишлаш учун вактинча яшааш жойини ўзгаришини киритиш мумкин. Тебранма миграцияда кишилар бир манзилгоҳдан бошқа бир манзилгоҳга ишлаш ёки ўқиш мақсадида ҳар куни ёки бир ҳафтада қатнашидир. Ушбу миграция аксарият ҳолларда урбанизация шароитида ривожланиб боради. Тебранма миграцияни асосий йўналиши қишлоқдан шаҳарга, кичик шаҳарлардан катта шаҳарларга томон бўлади.

Илмий манбаларда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бўлган ҳаракатини яъни кўчишини ифодалашда «Аҳолининг миграцион ҳаракати», «Аҳолининг механик ҳаракати», «Эммиграция», «Иммиграция», «Реэмиграция» тушунчаларидан фойдаланилади. «Аҳолининг миграцион ҳаракати», «Аҳолининг механик ҳаракати», тушунчалари асосан бир жараённи – аҳолини кўчишини ифодалайди. Эммиграция – аҳолининг маълум давлатдан кўчиди кетиши жараёни бўлиб, уларни, яъни кўчиди кетганларни эммигрантлар дейилади. Иммиграция – маълум давлатга аҳолининг кўчиди келиши жараёни бўлиб, кўчиди келганларни иммигрантлар дейилади. Аҳолини кўчиди кетган давлатига яна қайтиб кўчиди келиши реэмиграция жараёни ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки. «Эммигрант» ва «Иммигрант» тушунчалари учун ҳалқаро ягона таъриф мавжуд эмас. Бу тушунчалар бўйича ҳар бир давлатнинг ўз мезонлари бордир. Масалан. Болгарияда «иммигрант» шу давлатга жойлашиш мақсадида бошқа давлатдан келганлар: «эммигрант» эса – Болгарияни бутунлай ташлаб бошқа давлатга яшааш учун кетганлар: Польшада – олдин хорижда, яъни бошқа давлатда яшаб, кейинчалик шу давлатга доимий гражданлик учун келганлар – «иммигрантлар» деб: Польшани бутунлай ташлаб кетганлар эса «эммигрантлар» деб аталади. Россияда – Россияга ишлаш ёки ўқиш

мақсадида 1,5 йилдан күп мұхлатта келгандар ва уларнинг кузатувчилари «иммигрантлар; деб, ўқиши ёки ишлаш учун 1,5 ойдан күп мұхлатта бошқа давлатта кетгандар «эммигрантлар» деб аталади. АҚШда – қонуний асосда бошқа давлатлардан доимий яшаш мақсадида АҚШ га келгандар «иммигрант»лар деб «ataladi». «Эммигрант» ларга эса таъриф йўқ.

Аҳолининг миграцион ҳаракатига күплаб омиллар таъсир этиши мумкин. Уларга ижтимоий: сиёсий, миллий, диний, экологик, ҳарбий ва демографик омилларни киритиш мумкин. Умуман ҳалқаро миграцияни олти гурӯҳга ажратилади:

1. Оиласвий ва бошқа сабабларга кура, доимий яшаш мақсадида бир давлатдан иккинчи давлатта кетган эммигрантлар.

2. Мигрант – меҳнаткашлар.

3. Нолегал иммигрантлар.

4. Қочоқлар.

5. Студентлар, стажер – тадқиқотчилар, илмий ходимлар ва уқитувчилар.

6. Турли мақсадда күчиб юрувчилар – туристлар, дам оловчилар, анжуманларга қатнашувчилар ва х.к.<sup>1</sup>

Ҳозирги ҳалқаро миграцияда асосий ўринни меҳнат миграцияси эгаллади. Чунки ҳозирги даврда инсоннинг яшашы учун иқтисодий омилнинг аҳамияти кучайди.

Дунёда ва унинг алоҳида ҳудудларида жамият тараққиётининг маълум бир тарихий даврларида турли ижтимоий гурӯхларидағы миграцион ҳаракатни ўрганишда миграция кўрсаткичларидан фойдаланилади. Айнича миграция жараёнини демографик нуқтаи назардан ўрганилганда унинг кўрсаткичлари атрофлича таҳлил этилади.

Миграция кўрсаткичлари:

1. Миграциянинг абсолют ва нисбий сон маълумотлари.

2. Миграцион ҳаракатнинг интенсивиги ёки коэффициенти (маълум ҳудудда яшовчи аҳолида ҳар 100 кишига тўғри келувчи мигрантлар сони).

3. Миграция сальдоси (бир йил давомида күчиб келган аҳоли билан, кўчиб кетган аҳолининг айирмасига) тенг.

<sup>1</sup> Н.В. Алисов, Б.С. Хорев. Экономическая и социальная география мира. М., 2000г. с 156.

күриш ёшидаги аҳоли гурұхи, нафақа ёшидаги аҳоли гурұлары хақидағи мағлұмологияның аниқ бұлады. Асосан туғиладиган болалар сони маҳсус ҳисоб – китоблар, услублар орқали ҳисобланады.

Үрта муддатлы демографик башоратлар – 30 йилгача бұлған давр учун ҳисобланады. Ушбу башоратта аҳолини туғилиш ва үлім жараёнлари, аҳоли миграциясида содир бўлиши мумкин бұлған үзгаришлар илмий асосда үрганилади ва башорат тузишда ҳисобга олинади.

Узоқ муддатлы демографик башоратлар 30 – 60 йилга мүлжалланады. Бундай башоратлар аҳоли туғилиш ва үлімининг келажақдаги үзгаришлар хақидағи гипотезаларга асосланади. Узоқ муддатлы демографик башоратта аҳоли миграциясини ҳисобга олиш бир мунча мураккаброқ кечади. Чунки аҳоли миграцияси ижтимоий – иқтисодий үзгаришлар билан бир қаторда жамиятда, табиатда юз берган тасодифий жараёнлар билан ҳам боғлиқдир. Шу туфайли узоқ муддатлы демографик башоратларнинг аниқлик дарежаси нисбатан пастроқ бўлиши мумкин.

Демографик башорат услублари. Демографик башораттнинг энг оддий услуби аҳоли умумий сонини мағлұм давридаги үзгаришини аниқлаштыр. Бу услубда башорат қилинаётган даврнинг бошланишидаги демографик ҳолат асос қилиб олинади ва шу ҳолатта асосан башорат қилинадиган давр учун аҳоли сони ҳисобланади. Ушбу услуга қуйидаги формулада үз аксини топган:

$$P_1 = P_0 \cdot e^{kt}$$

$P_1$  – башорат қилинаётган даврнинг охиридаги аҳоли сони.

$P_0$  – башорат этилаётган даврнинг бошланишидаги аҳоли сони.

$K$  – башорат қилинаётган давр учун назарда тутылған аҳолининг үсиши.

$t$  – башорат этилаётган давр.

$e$  – натурал логарифмлар асоси.

Юқорида қайд этилған услуга ёрдамида мағлұм ҳудуддаги аҳолининг умумий сони башорат этилади. Лекин, бу башорат аҳоли сонидаги үзгаришни жуда аниқ күрсата олмайды. Чунки башорат этилаётган даврда ижтимоий – иқтисодий шароитларни үзгариши билан боғлиқ ҳолда

туғилиш, ўлим ва аҳоли миграциясида кескин ўзгаришлар ҳам булиши мүмкінки, улар аҳоли сонига бевосита таъсир күрсатади.

Демографик тадқиқотларда аҳолининг ёш ва жинсий таркиби бўйича башорат этиш жуда аҳамиятли бўлиб, унда аҳоли таркибидаги ўзгаришлар нисбатан аниқ ёритилади. Аҳолининг ёш – жинси бўйича башорат этишда ёш гуруҳларнинг «сурис» услуги қўлланилади. Бундай услугуда башорат этилаётган даврда ҳар бир ёш гуруҳини башорат этилаётган давр бошидаги мавжуд миқдори олинади. Ундан бир йил давомида ўлганлар сонини айриб, кейинги йилга шу гуруҳи сони аниқланади. Масалан, 2000 йил 1 январда 11 ёдига кирганлар сони, 1999 йил 1 январда 10 ёшга кирганлар сонидан, 1.01.1999 й. – 1.01.2000 й давомида 10 ёшдан 11 ёшгача ўлган болалар сонини айримасига teng. Ана шу тарзда ҳар бир ёш гуруҳини «сурис» кейинги йил учун аҳоли сони аниқланади. Лекин, бундай услугуда башорат этиш учун ёш гуруҳлари бўйича ўлим ҳоллари, яъни «ўлим жадвали» ҳисобланган бўлиши лозим

Ёш гуруҳларни сурис услуги билан башорат қилинганда, башорат этилаётган давр бошидан кейинги йил учун туғилганлар сони, яъни «Р» ёшдагиларни аниқлаш лозим бўлади. Масалан, башорат этилаётган давримиз 1999 йилдан бошланса, 1999 йилда туғилганлар, яъни «О» ёшдагилар аниқ, улар 2000 йилда 1 ёшга тўладилар. Лекин, 2000 йил учун туғилажак болалар сонини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун фарзанд кўриш ёш гуруҳларида (15 – 19, 20 – 24, 25 – 29, 30 – 34, 35 – 39, 40 – 44 ва 45 – 49 ёш гуруҳлари) аёллар сонини, шу ёш гуруҳидаги туғилиш коэффициентига кўпайтирилади ва кейинги йили шу гуруҳдаги ҳар 1000 та аёл нечта фарзанд кўриши аниқланади. Масалан, Ўзбекистонда 1999 йилда 15 – 19 ёшли аёллар «Х» ни ташкил этган. Шу йили 15 – 19 ҳар 1000 та аёлга нисбатан «У» фарзанд туғилган. Демак,  $X_{1999}^{15-19} \cdot Y_{1999}^{15-19} = Z_{2000}^{15-19}$  га teng. Ана шундай услугуда билан ҳар бир ёш гуруҳида кейинги 2000 йилда туғилажак болалар сони аниқланади. Ҳар бир ёш гуруҳида туғилиши мумкин бўлган болалар сони аниқланаб, ҳаммаси кўшилади:

$$Z_{2000}^{15-19} + Z_{2000}^{20-24} + Z_{2000}^{25-29} + \dots Z_{2000}^{45-49} = \sum Z_{2000}^{15-49}$$

ва 2000 йилда туғилиши мүмкін бұлған жами болалар сони аниқланади.

Шу тариқа 2001, 2002, 2003 ва кейинги башпорат этилаёттан йиллар учун ҳам туғилажак болалар сони аниқланади. Фақат бунинг учун, ёш гурұллари бүйіча туғилиш коэффицентлари, туғилишдаги үзгаришлар, үлем ҳоллари, миграция, ақоли репродуктив майлидаги үзгаришларни мутахассислар томонидан ҳисобга олинади.

Демографик башпоратда меңнат ёшидаги ақолининг ёш – жинсий маълумот, касб – малакаси бүйіча келажак таркибини аниқлаш алохіда ахамият касб этади. Чунки, ана шу башпорат асосида ҳар бир давлат ва унинг ҳудудларыда келажақдаги меңнат ресурслари баланси ишлаб чиқлади.

Ақолининг оиласынан таркибини башпорат этиш ҳам муҳим демографик тадқиқотдир. Чунки оила жуда күп маҳсулотларни истеъмолчиси ҳисобланади. Келажак да оиласарнинг таркиби қандай бұлади, ақолининг неча фоизи ёлғиз яшайды, неча фоизи оддий оиласарда, неча фоизи 2 – 3 авлод вакиллари яшовчи мұраккаб оиласарда истиқомат этадилар. Еш оиласар салмоги қандай бұлади? Ана шу саволларға оила таркибини башпорат этиш орқали жавоб берилади ҳамда шу башпорат асосида ақолига турар жой, яшаш учун керак бұлған барча маҳсулотлар ишлаб чиқып режалаптирилади.

Демографик башпорат этиш үз тарихига зертталған. Бу борадаги энг дастлабки ҳаракатлар қадимги Рим ва Грецияда күзатылған. Илмий асосланған биринчи демографик башпоратлар XVII асрнинг охири XVIII асрнинг бошларида Л.Эйлер, Т.Мальтус, Пирла – Ридалар томонидан яратылған. XX асрнинг 20 йиларидан бошлаб ақоли үсишининг асосий компонентлари, туғилиш, үлем жараёнларидаги үзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, такомиллашған услублар ёрдамида демографик башпоратлар ҳисобланған болынды. Ана шу йилларда Франция, Германия, Италия, Дания давлатлари ақолисининг келажақдаги миқдори демографик башпоратлар орқали аниқланды.

1921 йили Э.М.Тарасов, С.Г.Струмилинлар 1921 – 1941 йиллар учун Россия ақолисининг демографик истиқболини ишлаб чиқдилар.

А.С.Новосельский, В.В.Поевский, М.В.Птух,  
Ю.А.Корчак – Чепурковский, А.П.Комико, Б.Бабанинлар  
томонидан ҳам демографик башоратлар ишлаб чиқилган.  
Демографик башоратнинг услублари эса Россиялик  
аҳолишинус олимлар А.Я.Боярский, Б.Ц.Урланис,  
В.А.Борисов ишларида кенг ўрин олган.

Ўзбекистонда демографик башоратларни ишлаб чиқиш,  
асосан 1960 йиллардан бошланади. Республикада дастлабки  
демографик башоратлар аҳолишинус олим М.К.Қорахонов  
раҳбарлигига 1962 – 1980 йилларда ишлаб чиқилган.  
Кейинчалик республикада ҳар томонлама мукаммал  
демографик башоратлар ишлаб чиқиш ривожланди. Бу  
борада аҳолишунос олимлар И.Р. Муллажонов Р.Н.  
Убайдуллаева, Н.С. Али – Қориев, О.Б. Ота – Мирзаев,  
А.Қаюмов, М.Р.Буриева, Л.П.Максакова ва бошқаларнинг  
илмий ишларини келтириш мумкин.

## 5.2. Демографик сиёсат.

Демографик сиёсат – аҳоли сиёсатининг асосий қисми  
бўлиб, жамият тараққиётининг турли босқичлари ва турли  
давлатларда ўзига хос хусусиятларга, йўналишларга эгадир.  
Аҳоли сиёсати демографик сиёсатга қараганда кенг  
қамровли бўлиб, аҳолини ривожлантириш мақсадида олиб  
бориладиган ижтимоий – иқтисодий сиёсат йўналиши  
ҳисобланади.

Аҳоли ривожланиши эса, ўз навбатида унинг ҳам  
миқдорий ҳам сифатий жиҳатларини ўзгариб боришида  
намоён бўлади. Аҳолининг миқдорий ривожланиши деганда,  
маълум даврда, маълум ҳудуд аҳолиси ёки миллатнинг сон  
жиҳатидан ўзгариб бориши тушунилади. Аҳолининг сифатий  
 rivожланиши эса, асосан унинг саломатлиги, ўртача умр  
кўриши, билим даражаси ва таълим тарбия олиши ва  
комиллигига ўз ифодасини топади. Аҳоли ривожланиши  
ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг узвий қисми  
бўлиб, у ўз ичига аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнини  
ҳам олади.

Аҳоли сиёсатининг мақсади давлат томонидан  
аҳолининг ҳам миқдорий (нормал, оптимал даражада) ҳам  
сифатий ривожланишини таъминлашдир.

Аҳоли ривожланишига маълум даражада таъсир этиб бориш тарихий жараёндир. Ушбу жараён жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, шу даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитига мос ҳолда, алоҳида мазмунга эга бўлган Жумладан, феодализм шароитида аҳоли ривожланишининг асосий элементи бўлган таълим тизими, нисбатан кам тараққий этган эди. Масалан, Ўзбекистонда масжиidlар, мадрасалар қошида таълим тизими жорий этилган. Уларни моддий таъминлаш мақсадида давлат ва айрим мулқдорлар томонидан вақф мулклари ажратилган. Инсонни меҳнатга тайёрлаш, жамият аъзоси учун зарур бўлган билимларни ахлоқий сифатларни ёш авлод; асосан оиласдан, оила муҳитида олар эди. Кейинчалик саноат аста – секин ривожланиб бориши натижасида меҳнатга тайёрлаща маҳсус билимлар, маҳсус фаолият зарур бўлиб қолди. Бу зарурат давлатда таълим тизимини янада ривожланишига, ёшларга маҳсус билим бериб, касб – ҳунар ўргатишга эҳтиёж яратди. Натижада. Ўлкамизда таълим тизими ташкил топди ва ривожланди. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг асосий мақсади унинг сифатий ривожланишини ташкил этишдан иборатдир. Аҳолининг сифагий ривожланиши қуидагиларни ўз ичига олади:

– аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими ўртача умр даври;

– аҳолининг таълим даражаси ва унинг таркиби;

– аҳолининг касб – ҳунарга тайёргарлик даражаси;

– аҳолининг социал таркиби ва социал мобиллиги;

– аҳолининг урбанизациялашганлиги;

– аҳолининг ҳудудий ҳаракати;

– аҳолининг маънавий маданий қадриятлари ва уларни сақлаш, эъзозлаш.

Республикада аҳоли сиёсати ўзаро чамбарчас боғланган бўғинлардан ташкил топган. Ушбу бўғинларга демографик сиёsat, аҳоли миграцияси, урбанизация ва бандлик сиёсатларини киритиши мумкин.

Демографик сиёsat аҳоли сиёсатини узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолини миқдорий ривожланишини бошқаришдан иборатдир. Демографик сиёсатининг асосий объекти аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни ҳисобланади.

Демографик сиёсат орқали кутилган, исталган аҳоли тақрор барпо бўлиш турига эришилади. Маълумки, аҳоли тақрор барпо булиши туғилиш, ўлим, никоҳ, ажralиш каби демографик жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Шу боис ушбу жараёнларни сиёсат йўли билан жамият томонидан бошқарилиши ҳам демографик сиёсатни вазифаларидандир. Жамият тараққиётига назар ташласак, демографик жараёнларни, айниқса туғилиш, никоҳни жамият томонидан бошқарилганигини гувоҳи бўламиз. Хатто бу хақида энг қадимги олимлар Афлотун ва Арасту асарларида ҳам учрайди. Қадимги Римда туғилиш ва никоҳни озод инсонлар ўртасида қўллаб – қувватловчи, қонуилар қабул қилинган. Феодалистик жамиятда эса дин томонидан шундай қаттиқ қонунлар яратилганки, уларда никоҳ, чекланмаган туғилиш ва катта оиласар аҳолини мунтазам кўпайиб боришини омили сифатида ҳимоя қилинган, қўллаб – қувватланган. Капиталистик ишлаб чиқариш усулини ривожланиши эса демографик жараёнларда янги муаммоларни, йўналишларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Капитализмда саноатни ривожланиши шаҳар турмуш тарзини кенгайиши, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши туфайли, оиласа фарзандга бўлган талаб камайди. Кўп болали оиласарда, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қатор иқтисодий муаммолар вужудга келди. Натижада, туғилиш ўз – ўзидан камая бошлади. Капиталистик ишлаб чиқариш усули ривожланган Франция ва бошқа Европа давлатларида туғилиш 19 асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб камая борди. Ушбу давлатларда 20 асрга келиб аҳолини табиий ўсиши ниҳоятда камайиб кетди. Аҳоли тақрор барпо булиши кенгайған турдан, қисқарган турга ўтди. Натижада бу давлатларда аҳолини қариш – яъни «Демографик қариш» жараёни содир бўлди. Бу ҳол давлат томонидан маҳсус демографик сиёсат олиб боришини тақозо этди. 1946 йилда Францияда туғилишни кўтариш орқали аҳоли миқдорий кўпайишига эришиш мақсадида оиласарга биринчи ва иккинчи, айниқса учинчи фарзандларининг туғилишида алоҳида нафақа ажратилди. 1960 – 1970 йилларда туғилишни кўтариш мақсадидаги демографик сиёсат бошқа ривожланган капиталистик давлатларда ҳам олиб борилди. Лекин ушбу давлатлардаги хусусий мулкчилик формаси

Аҳоли ривожланишига маълум даражада таъсир этиб бориши тарихий жараёндири. Ушбу жараён жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида, шу даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитига мос ҳолда, алоҳида мазмунга эга бўлган. Жумладан, феодализм шароитида аҳоли ривожланишининг асосий элементи бўлган таълим тизими, нисбатан кам тараққий этган эди. Масалан, Ўзбекистонда масжиддар, мадрасалар қошида таълим тизими жорий этилган. Уларни моддий таъминлаш мақсадида давлат ва айрим мулқорлар томонидан вакф мулклари ажратилган. Инсонни меҳнатга тайёрлаш, жамият аъзоси учун зарур бўлган билимларни ахлоқий сифатларни ёш авлод; асосан оиласдан, оила муҳитида олар эди. Кейинчалик саноат аста – секин ривожланиб бориши натижасида меҳнатга тайёрлашда маҳсус билимлар, маҳсус фаолият зарур бўлиб қолди. Бу зарурат давлатда таълим тизимини янада ривожланишига, ёшларга маҳсус билим бериб, касб – ҳунар ўргатишга эҳтиёж яратди. Натижада. Ўлкамизда таълим тизими ташкил топди ва ривожланди. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда аҳоли сиёсатининг асосий мақсади унинг сифатий ривожланишини ташкил этишдан иборатдир. Аҳолининг сифатий ривожланиши қўйидагиларни ўз ичига олади:

– аҳоли саломатлигининг ҳолати, болалар ва оналар ўлими ўртача умр даври;

– аҳолининг таълим даражаси ва унинг таркиби;

– аҳолининг касб – ҳунарга тайёргарлик даражаси;

– аҳолининг социал таркиби ва социал мобилиги;

– аҳолининг урбанизациялашганлиги;

– аҳолининг ҳудудий ҳаракати;

– аҳолининг маънавий маданий қадриятлари ва уларни сақлаш, эъзозлаш.

Республикада аҳоли сиёсати ўзаро чамбарчас боғланган бўғинлардан ташкил топган. Ушбу бўғинларга демографик сиёсат, аҳоли миграцияси, урбанизация ва бандлик сиёсатларини киритиш мумкин.

Демографик сиёсат аҳоли сиёсатини узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолини миқдорий ривожланишини бошқаришдан иборатдир. Демографик сиёсатининг асосий обьекти аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёни ҳисобланади.

Демографик сиёсат орқали кутилган, исталган аҳоли тақрор барпо булиш турига эришилади. Маълумки, аҳоли тақрор барпо булиши туғилиш, ўлим, никоҳ, ажralиш каби демографик жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Шу боис ушбу жараёнларни сиёсат йўли билан жамият томонидан бошқарилиши ҳам демографик сиёсатни вазифаларидандир. Жамият тараққиётига назар ташласак, демографик жараёнларни, айниқса туғилиш, никоҳни жамият томонидан бошқарилганligини гувоҳи бўламиз. Хатто бу хақида энг қадимги олимлар Афлотун ва Арасту асарларида ҳам учрайди. Қадимги Римда туғилиш ва никоҳни озод инсонлар ўртасида қўллаб – қувватловчи, қонунлар қабул қилинган. Феодалистик жамиятда эса дин томонидан шундай қаттиқ қонунлар яратилганки, уларда никоҳ, чекланмаган туғилиш ва катта оиласар аҳолини мунтазам кўпайиб боришини омили сифатида ҳимоя қилинган, қўллаб – қувватланган. Капиталистик ишлаб чиқариш усулини ривожланиши эса демографик жараёнларда янги муаммоларни, йўналишларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Капитализмда саноатни ривожланиши шаҳар турмуш тарзини кенгайиши, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши туфайли, оиласа фарзандга бўлган талаб камайди. Кўп болали оиласарда, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида қатор иқтисодий муаммолар вужудга келди. Натижада, туғилиш ўз – ўзидан камая бошлади. Капиталистик ишлаб чиқариш усули ривожланган Франция ва бошқа Европа давлатларида туғилиш 19 асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб камая борди. Ушбу давлатларда 20 асрга келиб аҳолини табиий ўсиши ниҳоятда камайиб кетди. Аҳоли тақрор барпо булиши кенгайганд турдан, қисқарган турга ўтди. Натижада бу давлатларда аҳолини қариш – яъни «Демографик қариш» жараёни содир бўлди. Бу ҳол давлат томонидан маҳсус демографик сиёсат олиб боришини тақозо этди. 1946 йилда Францияда туғилишни кутариш орқали аҳоли миқдорий кўпайишига эришиш мақсадида оиласарга биринчи ва иккинчи, айниқса учинчи фарзандларининг туғилишида алоҳида нафақа ажратилди. 1960 – 1970 йилларда туғилишни кутариш мақсадидаги демографик сиёсат бошқа ривожланган капиталистик давлатларда ҳам олиб борилди. Лекин ушбу давлатлардаги хусусий мулкчилик формаси

туғилишни күпайтириш учун ҳамма чора — тадбирларни құллашда баъзи муаммоларни көлтириб чиқарап зди. Шу боис Европадаги ривожланган давлатларда туғилиш даражасини күтариб, оптималь, нормал ҳолга көлтириш жуда мушкул бўлмоқда.

Ривожланаётган давлатларда эса, аксинча 1960—1970 йилларда туғилишнинг юғори даражада турғанлиги ва ўлим ҳолларининг кескин камайғанлиги натижасида аҳолининг табиий үсиши жуда юғори даражада бўлди. Натижада Осиё, Африка ва Жанубий Америкада жойлашган қатор ривожланаётган давлатларда аҳоли сони бирдан кўпайиб кетди. Бу ҳолни демограф муттахассислар «демографик портлаш», деб атадилар. Ушбу давлатларда иқтисодий имконияти чекланган ҳолда аҳолисининг бундай тез кўпайиши, туғилишни чеклашга мажбур этди. Натижада ушбу давлатларда давлат томонидан «Оилани режалаштириш» яъни «туғилишни назорат этиш» борасида демографик сиёсат олиб борилди.

Демографик сиёсат ўтказиш услублари. Демографик сиёсат ўтказиш услубларини шартли равища уч йўналишга ажратиш мумкин.

1. Иқтисодий.
2. Маъмурӣ – хуқуқий.
3. Ижтимоий – психологияк (тарбиявий).

Иқтисодий услуг асосан туғилиш даражаси пасайиб кетган аҳоли такрор барпо булиши, аҳоли кўпайишини таъминлай олмаган ҳолларда қўлланилади. Бу услугда давлат томонидан ҳомиладор аёлларга (маълум даврда), у фарзанд кўргандан кейин ва фарзанди 2—3 ёшга етгунга қадар маҳсус нафақалар ажратилади, биринчи, иккинчи, учинчи фарзандларга иқтисодий ёрдам берилади. Кўп болали оиласаларга ҳам иқтисодий ёрдамлар берилади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, ёш боласи бор аёлларга иш жойларидан баъзи бир имтиёзлар берилади, уларга ҳам фарзандларини тарбиялаб, ҳам ижтимоий фаолиятларини давом эттириш учун шароит яратилади. Шунингдек, баъзи давлатларда кам таъминланган оиласаларга ҳам иқтисодий ёрдам ажратилади.

Туғилишни кўтариш борасида олиб бориладиган иқтисодий услугни яна бири — никоҳга кирган ёш оиласаларни

турар жой билан таъминлаш борасида давлат томонидан бериладиган имтиёзлар.

Шунингдек, болалар кийимлари, озиқ – овқатларини арzon нарҳда сотиш, мактабгача тарбия муассасалари фаолиятининг сифатини яхшилаш, болалар ва оналар саломатлигини давлат томонидан муҳофаза этилиши, аҳолига маиший ҳизмат тизимини ривожланиши ва сифатли хизмат кўрсатиш кабилар ҳам аҳоли такрор барпо бўлишига ижобий таъсир этувчи иқтисодий омиллар ҳисобланади.

Маъмурий – ҳуқуқий услугга аҳоли такрор барпо бўлиши, оиласар ташкил топишига турли қонунлар орқали таъсир кўрсатиш киради. Масалан, аборт(ҳомилани сунъий йўл билан йўқ қилиш)ларни қонун билан ман этилиши, никоҳ ёшларини кўтарилиши, аҳоли миграцион ҳаракатини чеклаш, ёки ривожлантириш, оила бузилганда, эр ва хотин ажралишганда она ва бола ҳуқуқларини қонуний ҳимояси, болани ота – она олдидаги бурчини қонуний белгилаш, ҳомиладор аёлни ишга қабул қилишда, ёки ишдан бўшагища улар ҳуқуқларини қонуний ҳимояси, нафақа ажратишида болалар сонини ҳисобга олиш каби жараёнлардир.

Ижтимоий – психологияк услуб, ёки аҳолини «демографик тарбиялаш». Аҳолини демографик тарбиялашда аввало ёш авлодда оиласа, оиласа кутгилаётган фарзандлар сонига бўлган муносабатини давлат ижтимоий – иқтисодий тараққиётига, аҳоли саломатлигига мос равища шакллантириш лозим. Бунда оила асосий тарбия ўчоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота – оналарнинг «демографик саводилиги» га катта эътибор берилмоғи лозим. Демографик тарбиянинг яна бир муҳим ўчоғи оммавий ахборот орқали демографик майлига таъсир этиши мумкин.

Демографик сиёsat ижтимоий – иқтисодий сиёsatнинг ажралмас қисми бўлмоғи лозим. Шундагина аҳолини ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжларини акс эттирган ҳолда ривожланиб боради.

## МАВЗУ 6. ОИЛА ВА ЎЙ ХЎЖАЛИГИ

### 6.1. Оила ва унинг вазифалари.

Оила жамият тараққиётининг маҳсулли сифатида ўзининг пайдо булиши ва ривожланиш тарихига эга. Оиланинг дастлабки шакли ибтидоий жамоа тузуми даврида пайдо бўлди. Маълумки, ибтидоий жамоа тузумининг биринчи босқичида инсонлар туда – туда бўлиб яшаганлар. Улар орасидаги жинсий муносабатлар тартиб – қоидага эга бўлмаган. Бир нечта эркак ва бир нечта аёл фарзандлари билан бир оила бўлиб яшаганлар, ўзаро турмуш кечиришган. Оиланинг бундай шакли фанда «Полигамия» – кўп никоҳлик, деб аталади.

Қулдорлик даврида эса жамият тараққиётида юз берган ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар асосан, хусусий мулкнинг пайдо булиши натижасида, оиланинг таркиби ҳам, шакли ҳам ўзгарди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқаришда эркаклар қадрини оширди, моддий маҳсулотлар яратишда эркаклар улуши юқори бўла бошлади. Натижада ота хуқуқига асосланган патриарҳал оила вужудга келди.

Энди бир эркак оила бошлиги бўлиб, у хотинлари, фарзандлари ва қуллари билан оила бўлиб яшардилар. Бундай оилалар кўпхотинлик, яъни «полигиния» асосида ташкил бўлган полигамия оила шакли билан моногам – бир никоҳли оила ўртасидаги оралиқ оилаларни ташкил этганлар.

Қулдорлик давридан феодализмга ўтиш, ҳамда феодализм ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши оиланинг «моногам», яъни якка никоҳлилик кўринишининг пайдо булишига асос бўлди. Ушбу даврда хўжалик юритишда ота – она фарзандлари, набира – чеваралари билан бирга иштирок этишган. Улар биргаликда экин экиб, хосил йиғиб, моддий бойлик яратишган. Ушбу даврда ота – она, ўғил – қиз, келин – куёв, набиралари бирга бир нечта бўғинли оила бўлиб яшашган.

Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида эса, йирик – йирик саноат корхоналарининг пайдо булиши натижасида, майда дехқон хўжаликлар, майда ҳунарманд оилалар инқирозга учради. Болаларнинг меҳнатидан фойдаланиш, уларга ишчи кучи сифатидаги талаб аста – секин камайиб боради. Кўп бўғинли катта оила

бўлиб яшаш ҳоллари йўқола бошлиди ва оиласининг янги тузилиши — эр—хотин ва болалардан иборат бўлган нуклеар — ядро оила юзага келади.

Оила пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий ўрганиш шуни қўрсатадики, оиласининг ташкил бўлишида асосий омил — никоҳ ва қариндошлик муносабатлари бўлиб, бу ҳол оиласига берилган илмий таърифда ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Оила — инсонларнинг табиий биологик, никоҳ, қон — қариндошлик, иқтисодий, хуқуқий, маънавий муносабатларда асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланганган ижтимоий гуруҳидир.

Оиласининг бугунги шаклида оила аъзолари бир — бирлари билан умумий турмуш, маънавий хуқуқий, психологик муносабатлар ва ўзаро жавобгарлик ҳис — туйғулари билан боғланиб турадилар. Оиласига ҳар бир оила аъзосининг ўз ижтимоий ўрни бордир. Оила асосини эр — хотин ташкил этади. Лекин оиласига эр — хотин унинг фарзандлари, ота — онаси, ака — ука, опа — сингил ва бошقا қариндош — уруғлар ҳам яшашлари мумкин.

Демак оила турли мезонлар асосида ташкил топар экан, ушбу мезонларни ўз мазмунига кўра, шартли равишда демографик, ижтимоий ва иқтисодий мезонларга ажратиш мумкин.

Оиласининг демографик мезонларга кўра турлари:

1. Маълумки оила ташкил бўлишига аввало эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ бирлиги асос бўлади. Ана шу никоҳ бирлигига асосан оила икки турга бўлинади.

Полигам — кўп никоҳли оиласига, бундай оиласига юқорида қайд этилганидек бир эркак, бир нечта аёл билан никоҳда туриши, оила кўриши мумкин.

Моногам — бир никоҳли оиласига, яъни бир эркак бир аёл билан никоҳда туради, оила қуради.

Қайта тузилган — иккинчи никоҳли оиласига.

2. Оила унда истиқомат этувчи оила аъзоларининг таркибига қараб ҳам турларга бўлинади:

<sup>1</sup> Демографический энциклопедический словарь М., 1985г.

Оддий (нуклеар) оила, унда эр – хотин никоҳга кирмаган, яъни турмуш қурмаган фарзандлари билан яшайди. Бундай оилалар турлари энг кўп тарқалгандир.

Мураккаб (кўп бўғинли) оилалар, бундай оилаларда икки ёки ундан ортиқ, авлод вакиллари истиқомат этишади. Масалан, ота – она оила қурган фарзанди ва набиралари билан ёки бобо, буви, ота – она ва фарзанд ўз болалари билан истиқомат этишади.

3. Оила ядросини ташкил этган эр – хотин ҳаётлигига, шу оиласида бирга яшаш ва яшамаслигига қараб ҳам оилалар турлича бўлади.

– Тугал (тўлиқ) оилалар, эр – хотин ҳаёт бўлган ва бирга яшаган оилалар.

– Тугалмас (нотулиқ) оила. Бундай оилаларда оила асосини ташкил этган эр хотиннинг бири ҳаёт эмас ёки шу оиласида яшамайди.

4. Оиласида истиқомат этувчи оила аъзоларининг миқдорига кўра:

Кичик оилалар (2 – 4 кишилик)

Ўрта оилалар (5 – 6 кишилик)

Катта оилалар (7 – 8 ва ундан кўп кишилик) мавжуддир.

5. Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали, кам, ўртача ва кўп болали оилалар (давлатларда, турли даврларда ушбу мезонлар турличадир.)

Оила жамиятда туттган ижтимоий ўрнига, яъни эр – хотиннинг ижтимоий синфиға, гуруҳига қараб ҳам турларга бўлинади. Оиланинг бундай ижтимоий турлари, турли ишлаб чиқариш усули ҳукмрон жамиятда турлича бўлган. Масалан, собиқ совет ҳокимиятида социалистик ишлаб чиқариш усули ҳукмрон эди. Ушбу даврда жамиятда асосан Зта ижтимоий синф қайд этилар эди. Улар, ишчи хизматчи ва колхозчи синфлар бўлган. Бундай шароитда баъзи оилаларда эр – хотин бир хил ижтимоий, синфга, гуруҳга мансуб бўлса (эри ҳам, хотини ҳам ишчи, зиёли ёки колхозчи), баъзи оилаларда эса эр – хотин турли ижтимоий гуруҳга мансуб (эри ишчи, хотини зиёли, эри колхозчи, хотини ишчи ва х.к.) бўлган. Шу боис, оилалар ижтимоий ҳолатига кўра 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Эр – хотин бир хил ижтимоий гуруҳга мансуб оилалар (ишчи оилалар, хизматчи оилалар, деҳқон,

тадбиркор, савдогар, олимлар, санъаткор, ҳунарманд оиласар.

2. Эр – хотин турли ижтимоий гурухга мансуб оиласар.

3. Эр – хотинни маълумотларига кўра турлари: ўрта маълумотли, ўрта маҳсус, ёрдамчи мактаб маълумоти ва олий маълумотга эга бўлган оиласар, маълумотсиз (саводсиз) оиласар.

4. Оиланинг «ёшига» кўра ёш оила (1 йилгача, 3 – 5 йиллик, 6 – 10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оиласар), ўрта ўшдаги оила, етук оила.

5. Оиланинг ҳудудий жиҳатларига кўра; шаҳар, қишлоқ ва аралаш типдаги оиласар.

6. Оиладаги эр – хотин ва бошқа оила аъзоларининг тутган ўрнига қараб;

Авторитар оила (оиладаги ҳамма муаммони бир киши эр ёки хотин, қайнота ёки қайнона ҳал этади).

Демократик оила (оиладаги ҳар қандай муаммоларни кўпчилик билан келишилган ҳолда ҳал тилади)

Ҳамда аралаш типдаги оиласар.

7. Эр хотиннинг миллатига кўра;

Бир миллатли (эр хотин бир бир хидл миллатга мансуб) ва байнаминал (эр – хотин турли миллатга мансуб) оиласар.

8. Оланинг юридик хусусиятига кўра турлари; Расмий оила (никоҳдаги оила) ва норасмий оила (никоҳга кирмаган, никоҳдан ташқари).

Оила пайдо бўлгандан то ҳозирги даврга қадар у бажариб келган вазифалар чуқур илмий таҳлил этилса, уларни асосан уч йўналишда ифодалаш мумкин. Бу йўналишлар фарзандларнинг туғилиши, уларни тарбиялаш ва моддий эҳтиёжини қондиришдир. Шунинг учун ҳам оила вазифаларини уч гурухга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Оиланинг демографик вазифаси.

Оиланинг ижтимоий вазифаси.

Оиланинг иқтисодий вазифаси.

Оиланинг демографик вазифасига – унинг демографик фаолияти, яъни оиласа фарзандларнинг туғилиши, инсон наслини, жамиятни давом эттирувчи – авлод яратиш киради.

Оиланинг ижтимоий вазифасига – оиласда фарзандларни тарбиялаш, инсон сифатида камолга етказиш, уларнинг табиатга, жамиятга ва ўзаро муносабатларини шакллантириш, дам олиш ва саломатлигини тиклаш кабилар киради.

Оиланинг иқтисодий вазифасига оила аъзоларини озиқ – овқат, кийим – кечак ва бошқа яшаш учун зарур бўлган мoddий воситалар билан таъминлаш киради.

Оиланинг мавжудлиги яшаш жараёни, унинг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқдир. Агар оила ўзининг демографик вазифаларини бажармас экан, яъни оиласда фарзандлар туғилмаса, янги оиласлар бўлмайди, оила давом этмайди. Оила давом этиши, янги оиласлар пайдо бўлиши учун эса оиласда туғилган фарзандларни боқиши, тарбиялаш, камолга етказиш, инсон сифатида шакллантириш лозим. Демак, оила ўз мавжудлигини сақлаб қолиши учун ўзининг барча вазифаларини бажариши шарт.

Оила вазифаларини бажарилиши бир – бири билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Масалан, оиласда фарзандларнинг соғ – саломат туғилиши она саломатлигига, она саломатлиги ва туғилган фарзанднинг соғ – саломат ўсиши эса оиланинг иқтисодий вазифасининг бажарилиш даражасига, яъни мoddий таъминлаш даражасига ниҳоятда боғлиқдир. Оиласда туғилган фарзанднинг етук инсон бўлиб шакланиши оланинг таълим тарбиясига, бола дунёқарашини шакллантирилиши, яъни оиланинг ижтимоий вазифаларини бажарилиши билан узвий боғлиқ бўлади. Ўз навбатида оиласда фарзандлар миқдорининг ошиб бориши ҳам оиланинг иқтисодий вазифаларини бажарилиш даражасига таъсир этади. Бошқача қилиб айтганда, оиласда истиқомат қилаётган оила аъзоларини кўтариши, яъни оиланинг иқтисодий вазифасини бажариш даражасини тезлаштириши талаб этади. Ёки оиланинг ижтимоий вазифасини олиб кўрайлик. Оиласда фарзандга берилган таълим тарбия унинг дунёқарашининг шакланишида, ҳаётга, яшапга бўлган муносабатларида асосий омилдир.

Фарзанд оила муҳитида катта бўлар экан, унинг барча хулқ атвори, атроф муҳитга, оилага бўлган муносабати, келажакда ўзининг оила қуриши, фарзандлар қуриши

хақидаги фикрлари шаклланиб боради. Агар оиланинг ижтимоий вазифаси ижобий бажарилса, яъни болада оиласа, ота – онага, кексаларга ҳурмат, ўзаро ёрдам каби ҳислатлар шаклланса, у келажақда оила қургач, ўзи ҳам фарзандларини ҳудди шундай тарбиялашга интилади. Демак, янги авлоднинг оила қуришида, янги оиланинг шаклланишида оиласадаги ижтимоий вазфаларнинг бажарилиши асосий омиллардан бўлиб хизмат қиласди.

Оиланинг моҳияти вазифалари дунёдаги барча ҳалқлар учун бир хилдир. Лекин унинг бажарилиш даражаси ана шу ҳалқлар яшаган, яшаб келаётган даврдаги ижтимоий – иқтисодий муносабатларга, турмуш тарзига, уларнинг урф одатлари, дини, қадрияларига боғлиқдир.

## 6.2. Оиланинг демографик тараққиёти ва уни ўрганиш.

Оила жамият маҳсули сифатида ташкил топиб, ривожланиб борар экан, унинг жамият олдидағи ўз масъулиятлари ҳам ошиб боради. Бу масъулият оила зиммасига юқорида айтилганидек, инсон наслини, жамиятни давом эттирувчи авлод яратиш, уларни тарбиялаш, камолга етказищдек вазифаларни юклайди. Оила ушбу вазифаларни бажарар экан, ўзи ҳам маълум маънода тараққий этиб боради. Оиланинг тараққий этишини у бажараётган вазифалар моҳиятига биноан уч йўналишда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Оиланинг демографик тараққиёти.

Оиланинг ижтимоий тараққиёти.

Оиланинг иқтисодий тараққиёти.

Оиланинг ижтимоий тараққиёти оила аъзоларининг маълумотлилик даражаси, ижтимоий мавқеи, саломатлиги борасидаги ҳамда уларнинг таълим – тарбия, урф – одат, фан ва маданият, табиат ва жамиятга бўлган муносабатларининг такомллашиб боришидир.

Оиланинг озиқ – овқат, кийим – кечак, уй – жой ва бошқа яшаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминланиш даражасининг ўзгариб бориши, унинг иқтисодий тараққиётини белгилайди

Оиланинг демографик тараққиёти деганда эса, оиланинг ташкил топиши, миқдори, демографик таркиби ва

фаолиятинг маълум даврларда ўзгариб бориши тушунилади.

Кўриниб турибдики, оила ўз моҳияти билан жамият ҳаётининг турли қирраларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам оила қатор ижтимоий фанларнинг ўрганиш мавзусидир.

Демография оилани ўрганар экан, асосий эътиборни унинг авлод яратувчилик, жамиятни давом эттирувчилик фаолиятига қаратади. Оиланинг демографик тараққиёти, асосан статистик маълумотлар ёрдамида ўрганилади. Бундай маълумотлар эса, оилани мунтазам рўйхатга олиб бориш ва аҳоли ўртасида социолого-демографик тадқиқотлар ўtkазиш йўли билан тўпланади.

Оила ҳақида статистик маълумотлар, уларнинг тузилиш тизими жаҳондаги ҳамма давлатларда ҳам айнан бир хил эмас. У ҳар бир давлат статистикаси учун қайд этилган оиланинг статистик тушунчасига ва ўтказилаётган аҳоли рўйхати дастурига боғлиқдир. Дастур тузишда аҳолининг оиласи таркиби, оиласи яшаш турлари асос қилиб олинади. Қатор иқтисодий ривожланган давлатларда оиладаги фарзандлар камолот ёшига етиб оила қургач, улар иқтисодий жиҳатдан мустақил яшайдилар ва алоҳида оила ҳисобланадилар. Баъзи давлатларда эса 20 ёшдан ошган ҳар бир йигит қиз оила қурмаса ҳам, ўзи алоҳида оила ҳисобланади. Яна бошқа давлат статистикасида турмуш қуриб ота-онаси оиласига қайтиб келса ҳам уларни алоҳида оила ёки ёлғиз яшовчилар қаторида ҳисобланади. Баъзи ҳолларда қариндош, қондош бўлмаган бегона кишилар ҳам бир оила бўлиб яшайдилар.

### 6.3. Уй хўжалиги.

Жаҳон статистикасида «Оила» тушунчаси билан бирга «уй хўжалиги» тушунчасидан ҳам фойдаланилади. Унда аҳолининг оиласи ҳолати ҳақида статистик маълумотлар уй хўжаликлари бўйича тўпланади. «Уй хўжалиги» бирга хўжалик юритувчи, бирга яшовчи кишиларни бириктирувчи ижтимоий-иқтисодий ячейкадир<sup>1</sup>. Уй хўжалиги тушунчаси оиладан фарқ қилиб, унда фақат қариндошлик муносабатлари асосида бириккан кишиларгина эмас балки,

<sup>1</sup> Демографический энциклопедический словарь. М., 1985, С 127.

йжтимоий – иқтисодий муносабатлар асосида бирга яшовчи бегона кишилар ҳам, алоҳида мустақил хўжалик юритувчи ёлғиз кишилар ҳам киритилади.

Уй хўжалиги тушунчаси ҳамма давлатларда ҳам бир хил эмас. У ҳар бир давлатнинг ижтимоий – иқтисодий шароитига, унда истеқомат этувчи ҳалқнинг турмуш тарзига, урф – одатларига боғлиқдир. Баъзи давлатларда уй хўжалиги учун кишиларнинг бирга яшави асос қилиб олинса, бошқа бир давлатда эса уларнинг бирга овқат тайёрлаши, бирга овқатланиши асос қилиб олинган.

Уй хўжалиги икки турга бўлинади: шахсий ва жамоа хўжалиги. Шахсий уй хўжалигидан бир уйда яшовчи, бирга хўжалик юритувчи ва ўзларига ўзлари овқат тайёрловчи кишилар гуруҳи киради. Бундай гуруҳларда бир уйда, ёки бир нечта уйда яшовчи ёки уйи бўлмаган кишилар ҳам яшашлари мумкин. Бундай уй хўжалигидан, бир уйда яшовчи ота – она, бола, қариндошлардан ташқари икки ёки ундан ортиқ бир хўжаликда яшовчи, лекин қариндош бўлмаган ёлғиз кишилар, хизматкорлари билан яшовчи ёлғиз аёл ёки эркаклар ҳам киради. Қариндош бўлмаган икки ёки ундан кўп кишилар яшовчи шахсий уй хўжалиги 1980 – 1985 йилларда АҚШ даги уй хўжаликларнинг 10% яқинини Канадада – 5,6, Янги Зерландияда – 7,5, Белгияда – 3,6, ва Японияда 0,2% ни ташкил этган<sup>1</sup>.

Жамоа хўжаликлигига болалар, қариялар ногиронлар уйлари, қамоқхоналар, казармалар, сурункали касаллар яшовчи касалхоналар ва бошқа шунга ўхшаш муассасалар киради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жуда кўп давлатларда уй хўжалигининг асосий қисмини никоҳ ва қон – қариндошлик асосида ташкил топган оиласалар ташкил этади. Бундай уй хўжалиги фанда «Оилавий уй хўжалиги» дейилади. Демографияя ана шу оилавий уй хўжалигини, аниқроғи – оиласи үрганади.

<sup>1</sup> Население мира. Демографический спровочник М. 1989., с. 160.

## МАВЗУ 7. ДУНЁ АҲОЛИСИНИНГ КҮПАЙИШИ ВА ХҮДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 7.1. Дунё аҳолисининг ўсиши

Илмий манбаларда қайд этилишича планетамизда инсон пайдо бўлганига тахминан бир миллион йилдан ошган. Лекин ер куррасида яшаган аҳоли сони ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар тўплаш тарихан анча кеч бошланган. Аҳоли сони ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар эрамиздан олдинги даврга таъллуқли бўлиб, бу даврда ер куррасида бор йўғи бир неча юз минг киши яшаган, ҳолос Археолог ва демограф олимларнинг ҳисобларича, дунё аҳолиси сони бутун инсоният тарихи давомида доимо кўпайиб келган Бироқ аҳолининг ўсиши суръати жамият тарақиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир тарзда бўлмаган. Баъзи тарихий даврларда очарчилик, табиий оғатлар, турли касалликларнинг тарқалиши, урушлар натижасида аҳоли қирилиб кетган ва сони қисқарган. Масалан, бутун дунёда 8—14 асрда эпидемиядан 15 миллион аҳоли ўлган; 19 асрда очарчиликдан 25 миллион аҳоли хаётдан кўз юмган; биринчи жаҳон урушида 20 миллион, иккинчи жаҳон уришида эса 40 миллиондан кўп аҳоли ўлган.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир давр аҳолисининг кўпайиши ва ривожланиши шу даврнинг ишлаб чиқариш усули ва муносабатларига, турмуш даражасига, яшаш шароитларига бевосита боғлиқ бўлган.

Ибтидоий жамоа даврида, яъни бундан чамаси 15 минг йил илгари аҳолининг яшаш шароити жуда оғир эди Инсонлар горларда истиқомат қилишган. Тоғ—тошлардаги табиий горлар одамлар учун яккаю—ягона бошпана вазифасини ўтаган. Энг муҳими қорин тўйғазиш, бир жойда тунаш бўлган. Улар овчилик билан кун кўришган, табиий оғатларга қарши кураша олмаганлар. Муҳитнинг табиий таъсирига онгли чоралар қўллай билмаслик сабабли аҳоли ўртасида ўлим ҳам юқори бўлган. Одамлар очлиқдан, турли касалликлардан, табиий оғатлардан ва қабилалар ўртасида бўлиб турган урушлардан кўп нобуд бўлишган. Болалар ўлими жуда юқори бўлган. Аҳолининг, ўртача умр кўриши ҳам жуда қисқа бўлган. Манбаларда ёзилишича, ибтидоий жамоа даврида кишиларнинг ўртача умр кўриши 20—25 ёшни ташкил қилган, ҳолос. Ибтидоий давр одамлари

ҳозирги давр кишиларига нисбатан 3–3,5 марта кам яшаганлар. Шундай бұлса – да, ақоли сони секинлик билан күпайиб борган. Ақоли күпайишининг сабаби туғилишнинг физиологик имконият даражасида бұлғанлигидир. Бу даврда туғилиш жуда юқори булиб, ҳар 1000 ақолига 45–50 кишини ташкил эттан. Ҳозир эса бу күрсаткыч ўртача 23–25 кишини ташкил этмоқда. Демек, бир томондан инсоннинг табиий муҳит олдида ожизлиги, ұзаро низолари, унинг сони жиҳатдан камайишига олиб келса, иккинчи томондан, туғилиш юқори бұлғанлигини сабабли, ақоли сони үсіб борган. Бироқ, үлем, айниқса, болалар үлеми, юқори бұлғанлиги сабабли юқори туғилиш ақолининг юқори табиий үсишини тұла таъминлай олмаган.

Ибтидоий жамоа даврида ақоли секин үсишининг яна бир муҳим сабаби – аёллар ақволининг оғирлигидир. Улар әрқаклар билан бир қаторда ов қилишда қатнашғанлар. Тұрмуш шароитининг оғирлигидан, тиббий хизматни йүқлигидан аёллар ўртасида үлем жуда юқори бұлған. Айниқса, аёллар бола күриш даврида күп ҳалок бұлғанлар. Бу давр аёлларнинг аксарият қисми бола күриші даврини тұла яшамаганлар.

Ибтидоий жамоа даврида Жанубий Осиё, Европанинг жанубий қысларида, Африка қытъасида ақоли нисбатан зич яшаган. Евросиё материгининг шимолий районларида, Австралия ва Америка қытъаларида одамлар жуда сийрак жойлашғанлар. Уларнинг умумий сони, таҳминан, 100–200 минг кишини ташкил эттан, ҳолос.

Инсоннинг яшаш учун кураши бориб – бориб, жамият тараққиетіда прогрессив үзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқарыш кучлари ривожлана бориб, кишилар дастлаб өрвачилик, кейинроқ эса деңқончilik билан шуғулланишта үтдилар, очликка, касаллуктарға қарши кураш бошладилар. Энди улар мәжнат қилиб, моддий маңсулоттар яратардилар. Ҳунармандчilik, савдо ривожланды ва шаҳарлар пайдо бұла бошлади. Инсон ҳаётидаги бу ижобий үзгаришлар уларнинг ҳаёт шароитини яхшилади. Бу эса дүнё ақолисининг күпайиш суроғтани тезлаштируди.

Ишлаб чиқарыш кучларининг янада такомиллашуви ақоли ўртасида синфлар ва давлат пайдо бұлишига олиб келди. Жамият аста – секин ибтидоий тузумдан күлдорлик

даврига (синфли жамиятта) ўтди. Жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Дунёнинг аҳоли зичроқ жойлашган қисмларида (Миср, Сурия, Бобил) маданият марказлари вужудга кела бошлади. Жамият тараққиётидаги бу ўзгаришлар аҳолининг кўпайишини тезлаштириди. Синфий жамиятда аҳолининг ўсиш суръати ибтидой тузум даврига нисбатан анча тез эди. Бунинг асосий сабаби туғилишининг юқорилигидир. Туғилишининг юқорилиги эса аёлларнинг эрта никоҳга кириши, туғилишининг чекланмаганини, ҳамда кўпболаликни халқ, давлат ва дин томонидан қувватланиши билан боғлиқ эди. Лекин қулдорлик тузуми даврида ҳам аҳоли ўратсида ўлим анча юқори бўлган. Сабаби – кўргина қишлоқ ва шаҳарларда аҳолининг жуда зич жойлашуви ва гигиена – санитария шароитларнинг йўқлиги туфайли юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлигидир.

Эрамизнинг бўшида ер шари аҳолисининг сони 200 – 250 млн. киши атрофида эди. Аҳолининг асосий қисми Рим империясида, Хитойда ва Ҳиндистонда жойлашган. Ушбу соҳага таъллуқли адабиётларда кўрсатилишича, планетамиз аҳолиси 300 млн. атрофида бўлган ва унинг асосий қисми Осиёда яшаган.

Агар дастлабки 500 йилда (1000 – 1500 йиллар) ер юзи аҳолиси 135 миллионга кўпайган бўлса, 1500 – 1750 йилларда ёки 250 йилда эса бу кўрсаткич 288 миллионни ташкил қилди, яъни аҳолининг ўсиши 2 марта тезлашди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолининг ўсиши янада тезлашди. Йигирманчи асрдан бошлаб ер шари аҳолиси ҳар йили I фойзга кўпая бошлади.

Дунё аҳолисининг 1000 йилдан 2000 йилгача бўлган ўсишига назар ташласак, аҳоли энг тез кўпайган давр XX асрdir. Агар ер шари аҳолисининг 1 миллиардга етиши учун салкам 850 йил керак бўлган бўлса, 2 миллиардга етиши учун эса 85 йил; 3 миллиардга етиши учун 25 йил, 4 миллиардга ўтиши учун – 15 йил; 5 миллиардга ўтиши учун – 20 йил ва 6 миллиардга ўтиши учун – 15 йил вақт керак бўлди (жадвал).

## Дунё аҳолисининг ўсиши (млн киши ҳисобида)<sup>1</sup>.

Сана (йиллар)	Дунё аҳолиси	Сана	Дунё аҳолиси
Эрамиздан оддинги 400 йил	153	1900	1634
0	252	1910	1755
Эрамизнинг 400 йили	205	1920	1811
800	224	1930	2070
1000	305	1940	2295
1200	400	1950	2527
1500	440	1960	3060
1600	578	1970	3727
1700	680	1980	4430
1750	728	1993	5510
1800	954	2000	6000
1850	1248	2025	8039

Дунё аҳолисининг энг тез суръат билан ўғсан даври 1960 – 1985 йиллар бўлиб, шу даврда ер юзи аҳолиси йилига ўртacha 2 фоиздан кўпайди. 1980 йиллардан бошлаб аҳолининг ўсиш суроъти бир оз пасайди; хозирда аҳолининг ўртacha йиллик ўсиши 1,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳол, кейинги 20 – 30 йиллар давомида қатор ривожланаётган давлатларда түғилишни назорат этиш жараёнини кенг тарқалганилиги билан боғлиқдир.

Ер курраси аҳолиси бугунги кунда 6 милиардан ошди БМТ маълумотларига қараганда, дунё аҳолиси 2015 йилгача ҳар йили 86 миллион кишидан кўпайиб борар экан. Бу кўпими ёки камми?

Аҳоли ўсиб бориши ва унинг оқибатлари хақида илмий манбаларда турлича фикрлар мавжуд. Улардан асосийлари аҳоли кўпайиб бориши дунё табиий ресурсларига салбий таъсир этиши ва аҳолини озиқ – овқат билан таъминлаш мушкуллашиши ҳақида бўлиб, у XVIII асрдан – Т. Мальтус давридан – бошлаб мавжуддир. XX аср олимларининг ҳисоб – китобларига қараганда эса ер юзида ва океанларда мавжуд ресурслар билан 10 миллиардлаб аҳолини таъминлаш мумкин экан. Шундай бўлса – да, ер куррасида тинмай ўсиб

<sup>1</sup> БМТ билиорати жа, ивал Н.В. Алисов, Б.С. Хорев. Экологическая и социальная география мира (М.: 2000 г с.92). Демографический энциклопедический словарь (М., 1985 г с.72) Народо-население мира 1998 г фонд ООН в области народо населения.

бораётган аҳолини озиқ – овқат билан таъминлаш баъзи ҳудудларда муаммо бўлиб келмоқда. Ҳозирги даврда БМТ маълумотларига қарагандан, дунёда 1 миллиард аҳоли қашшоқлиқда яшайди, 500 миллион аҳоли қорни тўйиб овқат емайди, ҳар куни очликдан 35 минг киши вафот этмоқда.

Жанубий Осиё, Африка, ва Лотин Америкасида жойлашган 36 давлат ўз аҳолисини ресурслари билан таъминлай олмайди.

Дарҳақиқат, ер юзида ва океанларда аҳолини озиқ – овқат билан таъминлашга қодир ресурслар беҳисобдир. Лекин бу ресурслар инсон истиқомат этиб келаётган ҳудудлар бўйича бир текисда тақсимланмаган. Натижада, аҳолининг ўсиши юқори ва табиий ресурслари кам, дунёдаги мавжуд табиий ресурслардан фойдаланиш мушкул бўлган ҳудудларда қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Бугунги кунда инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ энг ҳатарли муаммо ерни, сувни ва ўсимлик дунёсининг ифлосланишидир. Баъзи давлатларда аҳолига тоза ичимлик суви сотилади. Масалан, Мальтада тоза ичимлик суви маҳаллий винодан ҳам қиммат туради. Аҳоли жуда тез ўсиб бораётган, лекин озиқ – овқат муаммолари мавжуд Африка каби ҳудудларда инсоният учун ҳавфли СПИД ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши, аҳоли зич ҳудудларда тупроқ хосилдорлигининг камайиб бориши, табиий ўрмонлар майдонининг қисқариб кетиши, ҳаво, тупроқ, сувнинг ифлосланиши натижасида аzon тешигининг хосил бўлиши ва аҳолининг касалланиши даражаси ошиб, инсон иммунитетининг кучсизланиб бориши юқорида қайд этилган муаммолардандир.

## 7.2. Дунё аҳолисининг кўпайиши ва унинг ҳудудий хусусиятлари.

Статистик маълумотлар курсатишича ер шари аҳолиси асримиз бошидан то ҳозирги даврга (2000 й) қадар 3,2 марта кўпайган. XXаср дунё аҳолисининг энг тез суръат билан кўпайган даврdir. Аҳолининг тез суръат билан кўпайиши асосан ривожланаётган давлатлар хисобига бўлмоқда. Агар 1950 – 1990 йилларда аҳоли бутун ер шарида йилига ўртача 1,8% кўпайган бўлса, ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич 0,9%ни ва ривожланаётган давлатларда эса 2,1 %

ни ташкил қиласы. Ушбу даврда ривожланаётган давлатлар аҳолисининг күпайиб бориши ва уларнинг дунё аҳолисидаги салмоғини 67 фоиздан 77 фоизга етишига олиб келди. Натижада, ривожланган давлатлар аҳолисининг дунё аҳолисидаги салмоғи 33 фоиздан 23 фоизга тушиб қолди.

Кейинги 30–40 йил ичида ривожланаётган давлатлар аҳолиси тез күпайиб бориши қатор мутахассисларни «дунёда аҳоли ортиқчалиги пайдо бўлади» – деган ташвишга ҳам олиб келди. Ривожланаётган давлатларда аҳоли күпайиши ва омилларини муқаммал ўргангандемограф олимлар фикрича эса, ушбу давлатларда аҳоли күпайишининг асосий сабаби ўлимнинг кескин камайиши, туғилиш даражасининг юқорилиги, ҳамда ўртача умр кўриш муддатининг ошганлигидир. Ҳозирги пайтда дунё аҳолисининг деярли 60% Ҳорижий Осиёда, 12% га яқини – Африкада, 13% Америкада, 10% Ҳорижий Европада, 0,5% – Австралия ва океанияда, ҳамда 6% – сабиқ СССР таркибиға кирган давлатларда истиқомат қилишади.

Аҳоли сонининг тез ошиб бориши Африка ва Лотин Америкаси давлатларида кузатилиб, уларда аҳоли йилига 2,5–3% дан күпайиб бормоқди.

Аҳолининг ушбу тарзда тез күпайиши қачонгача давом этакин? Статистик маълумтлар, маҳсус илмий тадқиқотлар кўрсатишича, кейинги 20–30 йил давомида ер шари аҳолисининг күпайиш суръати анчагина секинлашган. Бу ҳол аввало туғилишнинг аста секин камайиб бориши билан боғлиқдир.

Туғилишнинг камайиб бориши тарихий жараён бўлиб, ҳар бир халқнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқдир. Маълумки, инсоният ўз тараққиёти давомида бир неча ижтимоий – иқтисодий босқичларни босиб ўтди.

Туғилиш даражаси жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир хил булавермаган. Юқорида айтганимиздек капиталистик формациягача мавжуд бўлган даврларда туғилиш биологик ҳарактерга эга бўлган, яъни чекланмаган. Кўпболалик жамият томонидан ҳам қувватланган. Бу ҳолни ҳозирги жамият тараққиёт босқичида туриб тасаввур қилиш мушкулроқ албатта. Масаланинг туб моҳиятига назар ташлашга тұғри келади,

қайсики ўша ўтмиш замонлардаги ижтимоий – иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқдир. Қулдорлик даврида ҳам, феодализмда ҳам күпболаликдан ҳар бир оила ва шу билан бирга жамият ҳам манфаатдор эди. Нега шундай? Энг аввал оиласы боланинг иқтисодий роли жуда катта эди. Қўпгина мамлакатларда оила юмушларида, хунармандчиликда, дехқончиликда ва чорвочиликда болалар меҳнатидан фойдаланилган. Оиласы иқтисодий даромаднинг бир қисми бевосита болаларнинг меҳнати орқали хосил қилинган. Демак, бола меҳнати миллий даромаднинг маълум улушкини ташкил эттани сабабли, ужамият томонидан қўллаб қувватланган. Ҳатто бъязи давлатларда, масалан, Россияда деҳқонларга ишлаш учун бериладиган ер ҳам болалар сонига қараб тақсимланарди. Бундай шароитда, ўз – ўзидан кўриниб турибдик, ҳар бир оила болалар сонини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг вужудга келиши билан саноат тез ривожлана бошлади, янги – янги шаҳарлар пайдо бўлди. Кўпчилик аҳоли иш қидириб қишлоқдан шаҳарга кўчиб кела бошлади. Шаҳар аҳолисининг ўсиб бориши натижасида бир томондан шаҳарларда тураг жой, озиқ – овқат муаммолари келиб чиқкан бўлса, иккинчи томондан фан техника тараққий этиб, ишсизлик вужудга келди. Учинчидан, капиталистик ишлаб чиқаришда аёллар ва болалар меҳнатига жуда кам хақ тўланар эди. Жамиятда бундай ўзгаришлар оиласы болалар сонини чеклашга, туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Аҳолисининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Хорижий Европа мамлакатларида туғилиш айниқса камайиб жетди. Масалан, Англияда 1850 йилларда аҳолининг 50% шаҳарларда яшаган ва ҳар минг киши хисобига туғилган болалар сони ўртacha 32,6 %ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги аҳолининг 80%га яқини шаҳарларда яшайди ва ҳар минг кишига нисбатан туғилган болалар сони 100ни ташкил қиласди. Ёки Францияни олиб қарайлик. Бу мамлакатда 1850 йилдан то ҳозиргача шаҳар аҳолиси 25,5 дан 74 % гача кўпайди. Ҳар минг киши хисобига туғилган болалар сони эса 26,2 дан, 13,7 гача камайди. Германия федератив республикасида эса аҳолининг 94% шаҳарларда истиқомат қилишади. Туғилиш

кўрсаткичи эса 9%ни ташкил этади ҳолос, ва дунёда туғилиш энг кам давлатлардан хисобланади.

Ер юзида туғилишнинг камайиши асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмида Фарбий Европа давлатларида бошланиб, кейинчалик бу қитъанинг боқа мамлакатларига, ундан сўнг эса АҚШ, Канада, Австралия ва Японияга тарқалди. Айниқса, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда туғилиш тез камая бошлади. Ушбу давлатларда 1750—1800 йилларда ҳар минг киши хисобига 38 та бола туғилган бўлса, 1970—1990 йилларда бу кўрсаткич 16ни, 1999йили 12 ни ташкил қилди. Бошқача қилиб айттанда, туғилиш З мартадан кўпроқ қисқарган. Энди худди ана шу давлатлар учун ривожланаётган мамалакатлардаги туғилишни қиёслайдиган бўлсак, бошқача ахволни гувоҳи бўламиз. Уларда 1750—1790 йилларда ҳар минг киши хисобига 41 тадан бола туғилган ва 1970—1990 йилларда эса ҳар 1000 киши хисобига туғилган бола 34 ни, 1999 йили эса 25 ни ташкил қилган.

Демак ривожланаётган давлатларда туғилишнинг камайиши, нисбатан олиб қаралганда, анча секин борган.

Хозирги даврда туғилиш ер шари бўйича бир хил эмас.

### **Дунё худудлари бўйича туғилиш кўрсаткичлари (1999 й.)<sup>\*</sup>**

Дунё худудлари	Туғилишнинг умумий коэффициенти	Туғилишнинг йигинди коэффициенти
Дунё бўйича	23	2,9
Африка	39	5,4
Америка	21	2,5
Осиё	23	2,8
Европа	11	1,4
Австралия ва Океания	18	2,4
Россия	9	1,2

\*Жадвал «Население и общества», Москва, Август 1999 №38: журнали маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотлари гувохлик беришича дунё континентлари бўйлаб энг юқори тугилиш Африкада, энг пасти эса Европа давлатларида экан.

Планетамизда тугилишнинг территориялар бўйлаб бундай фарқ қилиши, аввало у давлат аҳолисининг мoddий ва маданий турмуш даражасига, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигига, ҳамда шу давлат халқининг асрлар давомида шаклланиб, сақланиб келаётган миллий урф – одатларига, қолаверса динига боялиқdir. Булардан ташқари, тугилишга аҳолининг жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, никоҳдан ўтиш ва ажralиш кўрсаткичлари каби қатор демографик омиллар, психологияк омиллар, тиббиёт ривожланиши, ҳамда ҳар бир давлат томонидан олиб борилаётган демографик сиёsat ҳам таъсир қилади.

Юқорида қайд этилганидек, кейинги 20 – 25 йил ичида дунёning деярли ҳамма қисмида тугилишнинг камайиб бориши кузатилмоқда.

1970 – 1999 йиллар давомида тугилишнинг энг тез камайиши Шимолий Америкага тўғри келади (шу давр ичида 1,6 марта камайган). Унинг сабабларига бир назар солиб кўрайлик – чи. Асосий сабаблардан бири шаҳар аҳолисининг ўсиши бўлган. Масалан, АҚШ ва Канадада шаҳар аҳолисининг 1950 – 1999 йилларда 64%дан 75 – 79%гacha ўсан. Бундан ташқари, тугилишнинг камайишига аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда қатнашиши ҳам сабаб бўлган. Масалан, Канадада 1931 йил мoddий ишлаб чиқаришда қатнашувчи аҳолининг 17% аёллар бўлган бўлса, 1980 – 1999 йилларда эса бу кўрсаткич 40%дан ошиб кетди. Шимолий Америкада тугилишнинг камайишига олиб келган муҳим сабаблардан яна бири ажralишнинг никоҳдан кўплигидир. Ҳозирги даврда АҚШда ҳар йили қайд этилган никоҳларнинг 50%га яқини бузилганлиги маълум. Табиий ҳолки, никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оиласа бола сонининг ўз – ўзидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, Шимолий Америкада ишсизлар сонининг тобора ортиб бориши, эртанги кунга ишончсизлик билан қараш каби хусусиятлари ҳам тугилишни камайтиради.

Баъзи жойларда давлат томонидан олиб борилаётган тугилишни чеклашга қаратилган демографик сиёsat ҳам тугилишнинг камайишига олиб келмоқда. Буни Хорижий

Осиёнинг энг йирик давлатлари – Хитой ва Ҳиндистон мисолида кўришимиз мумкин.

Хитойда оиласадаги болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. 1970 йиллардан бошлаб аҳоли ўртасида туғилишни камайтириш учун қатор тадбирлар қўллана бошлади. Натижада, Хитойда туғилиш кескин камайди. БМТ маълумотларига қараганда, 1970 – 1974 йил ҳар бир аёл ўзининг фарзанд кўриш даврида ўртача 4,8 фарзанд кўрган бўлса, 1986 – 1990 йилларда – 2,1, 1999 йили 1,8 тадан фарзанд кўришган.

Ҳиндистонда ҳам туғилиш давлат томонидан назорат қилинади. Оиласада болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган. Бу масала юзасидан бир қанча ташкилотлар маҳсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига оиласи режалаптириш асоциацияси, Ҳиндистон тиббиёт асоциацияси, Ҳиндистон Қизил ярим ой жамияти каби ташкилотлар киради.

Ҳиндистонда туғилишнинг камайишига аҳоли саводлилик даражасининг ошиши ҳам таъсир этмоқда. Масалан, 1971 йили Ҳиндистон аҳолисининг 29,4% саводли эди. Ҳозирги даврда 40% дан юқори аҳоли саводлидир.

Туғилишни назорат қилиш, ҳамда халқнинг саводи даражасини кўтариш, тиббиётни ривожлантириш натижасида Ҳиндистон давлати туғилишни анча камайтиришга эришган. Масалан, 1970 – 1999 йилларда ҳар бир аёл ўз умри давомида кўрган фарзандлари сони 5,4 дан 3,4 гача камайди.

Маълумки, Хорижий Осиё аҳолисининг 70% дан кўпроғини Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ташкил этади. Шунинг Хитой ва Ҳиндистонда туғилишнинг нисбатан камайиши бутун Хорижий Осиё бўйича туғилиш кўрсаткичига таъсир қилди. 1970 – 1999 йилларда туғилиш Хорижий Осиёда деярли 2 баробар камайди.

Ана шу даврда туғилишнинг йигинди коэффициенти Хорижий Европа 2,1 дан 1,4 га, Австралия ва Океанияда 3,1 дан 2,4 га, Африкада 6,5 дан 5,4 га камайган.

Туғилишнинг ана шундай камайиб бориши, Россия, Украина, Белорусия, Малдова давлатларида ҳам кузатилади. 1970 йилда туғилишнинг умумий кофициенти Россияда 14,6%; Украина – 15,2%; Белоруссияда 16,2% ва

Молдовада – 19, % бўлган. 1999 йилда эса бу курсаткич мос равищда Россия, Белорусия ва Украинада 9%ни, Молдовада эса 13% ташкил этди.

Болтиқбўйи, Закавказия ва Марказий Осиё республикаларида ҳам кейинги 30 – 40 йил ичидаги тугилиш кескин камайганлигини гувоҳи бўламиз.

### Болтиқбўйи, Закавказия ва Марказий Осиё республикаларида тугилиш динамикаси\* (ҳар 1000 аҳолига нисбатан тугилганлар сони)

Республикалар	1960 йил	1980 йил	1999 йил
Литва	22,5	15,1	10,0
Латвия	16,7	14,0	8,0
Эстония	16,6	15,0	9,0
Озарбойжон	42,3	25,2	17,0
Арманистон	40,1	22,7	12,0
Грузия	24,7	17,7	11,0
Узбекистон	39,8	33,8	22,3
Қозоғистон	37,2	23,8	15,0
Тожикистон	38,6	37,0	25,0
Қирғизистон	36,9	29,3	22,0
Туркманистон	42,4	34,3	22,0

\*Жадвал М.Буриева Оиласда нечта фарзанд бўлгани маъқул. Ташкент, 1995. 34 бет. Население и общества. М., 1999. №38, 2 – 5 бетлар; Естественное движение населения Республики Узбекистан. За 1999., Ташкент – 2000.; 8 бет. Маълумотлари асосида тузилган.

Шундай қилиб, сайёрамизда истиқомат қилувчи аксарият халқларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тугилиш кескин камая бошлади ва ҳозирги даражасига етди.

Агар дунёдаги давлатларни тугилишнинг бугунги ҳолатига қараб шархламоқчи бўлсақ уларни шартли равищада уч гуруҳга ажратмомиз лозим.

Маълумки, тугилишнинг йигинди коэффициенти 2,1 дан паст бўлса тугилиш даражаси ҳам паст бўлади; 2,1 – 4,0 бўлса тугилиш даражаси – ўртача ва 4,1 ва ундан юқори бўлса тугилиш даражаси юқори бўлади. Ана шу демографик мезонга асосан дунё давлатларини гуруҳларга ажратилиади.

Биринчи гурух – тугилиш даражаси юқори бўлган давлатлар; Африка давлатлари (МСР, Туниис, Морис ва Сейшел оролларидан ташқари) Осиё ва Жанубий

Америкадаги қатор давлатлар ҳамда Австралия ва Океаниядаги баъзи давлатлар киради. Бу давлатлардаги оиласарда фарзандлар сони ўртача 4,1дан то 8гача, баъзи ҳолларда эса ундан ҳам юқори бўлган. Туғилиши энг юқори бўлган давлатлардан Нигер бўлиб, унда туғилишнинг йифинди коэффициенти 7,5ни, Оманда – 7,1ни ва Эфиопияда 7,0 ни ташкил этмоқда. Ушбу давлатлардаги оиласарда туғилиш даражасининг бундай юқори бўлишига олиб келувчи қатор омиллар мавжудdir.

Улардан асосийлари қуийдагилар; юқорида зикр этилган давлатлар асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган давлатлар бўлиб, айниқса аёлларнинг маълумотлилигига нисбатан паст; кўп болаликни қўллаб – қувватловчи анъаналар кўпроқ сақланиб қолган; аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда кам иштирок этади; туғилишни чеклаш ҳақидаги тушунчалар ва унга керакли тиббий воситалар кенг тарқалмаганлиги.

Шуни алоҳида таъқидлаб ўтиш лозимлиги, туғилиш даражасининг юқорилиги баъзи демографик оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, аҳолининг сони тез кўпая бориб, кўплаб янги оиласар вужудга келади, аҳолида болалар сони юқори бўлади. Бу демографик оқибатлар эса, ўз ўрнида қатор ижтимоий – иқтисодий муаммоларга сабаб бўлади.

Туғилишнинг юқори бўлган давлатларда кейинги 15 – 20 йил ичида аҳоли сони йилига 2,5 – 3,2 фоиздан кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда 71та давлатда туғилишнинг йифинди коэффициенти 4,1 – 7,5 ташкил этмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки кейинги 10 йил ичида дунёдаги туғилиш юқори бўлган давлатлар камайиб бормоқда. 1989 йили бундай давлатлар сони 79ни ташкил этган бўлса 1999 йили уларнинг сони 5 тага камайди ва 74ни ташкил этди. Агар 1989 йилни ушбу давлатларда истиқомат этувчи аҳоли салмоғи, дунё аҳолисининг 23 фоизини ташкил этган бўлса 1999 йилга келиб бу кўрсаткич 15,9фоизни ташкил этмоқда.

Иккинчи гурӯҳ – оиласа туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар ушбу давлатларда туғилишнинг йифинди коэффициенти 2,1 – 4,0 ни ташкил этади. 1989 – 1999 йилларда дунёда туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар сони 44 дан 60га етди, яъни 16тага кўпайди. 1989 йили Ўзбекистон давлати ҳам туғилиши юқори бўлган давлатлар

гuruхига кирган бўлса, 1999 йилга келиб туғилиш даражаси ўртача бўлган давлатлар гuruхидан жой олди. Туғилиш даражаси ўртача бўлган гuruхда истиқомат этувчи аҳоли. 1989 йили дунё аҳолисининг 40 фоизини ташкил этмоқда. 1999 йилда эса бу кўрсаткич 57,5 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур давлатларда туғилишни бундай даражада бўлиши уларнинг тарихан таркиб топиб келган ижтимоий – иқтисадий омиллари билан борлиқдир. Туғилиш даражаси ўртача бўлган жойларда аҳолининг ўсиш суръати бир текис сақланиб туради. Уларда аҳолининг кескин кўпайиб кетиши ёки камайиб кетиши ҳоллари кутилмайди. Аҳоли тараққиётини бошқариш, иқтисадиётни режалаштириши борасидаги муаммоларни ҳал этиш бир мунча енгил кечади.

Учинчи гuruх эса – туғилиш даражаси кам бўлган давлатлар. Бу давлатларда аҳоли йилига 0,7 – 0,9 фоизга кўпайиб бормоқда. Оиласарнинг аксарият қисмида 1 ёки 2 тадан бола бор ҳалос. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки 1989 – 1999 йилларда туғилиш даражаси кам бўлган давлатлар сони 32 дан 66га кўпайди ёки 2 баробар ўси. Ҳозирги даврда ушбу давлатларда дунё аҳолисининг 46,3 фоизи истиқомат этмоқда. Демак XX аср охирига келиб дунё аҳолисининг деярли ярми кам болали оиласарда истиқомат этишар экан. Сўнги гuruх давлатларида истиқомат этувчи оиласарда туғилишнинг бундай камайиб кетиши биринчи навбатда капиталистик муносабатлар кенг тарқалиши билан борлиқдир. Таъкидлаб ўтканимиздек, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида саноат ривожланиб, шаҳарлар сонининг ўсиши ва шаҳарда турмуш тарзининг кенг тарқалиши учунчи гuruхга мансуб давлатлarda туғилишнинг қисқаришига олиб келди. Айниқса, аҳолининг асосий қисми шаҳарларда яшовчи Хорижий Европа мамлакатларида туғилиш жуда камайиб кетган. Масалан, Англияда 1850 йилларда аҳолининг 50 фоизи шаҳарларда яшаган ва шу даврда ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони ўртача 32 – 33 ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги даврда аҳолининг 80 фоизи шаҳарларда яшайди ва ҳар минг кишига нисбатан туғилган болалар сони 13 – 14ни ташкил қилмоқда. Ёки Германияни олиб қарайлик. Бу мамлакатда аҳолининг 90% шаҳарларда истиқомат қиласи. Германия, дунёдаги туғилиш даражаси энг кам бўлган давлатдир. Ҳар минг кишига нисбатан

туғилған болалар 9 – 10% ни ташкил этади. Ушбу гурух давлатларида ҳозирги даврда туғилиш даражасининг камайиб кетишига олиб келган навбатдаги омил аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, ёлланма ишларда күпроқ қатнашишидир. Масалан, Канадада аёллар 1931 йили ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашган аҳолининг 17 %ни, 1980 – 1990 йилларда эса 40 фоизини ташкил этган. Иқтисодий ривожланган давлатларда туғилишнинг камайишига олиб келган омиллардан яна бири оиласи бузилиши, яъни никоҳдан чиқиши ҳолларнинг ниҳоятда күплигидир. Ҳозирги даврда АҚШда қайд этилган никоҳларнинг 50 фоизи бузилаётгани маълум. Бошқача қилиб айтганда оила қурған ёшларнинг деярли ярми ажралиб кетмоқда. Юқорида қайд этилганидек никоҳнинг қисқа вақт давом этиши оиласи бола сонининг ўз – ўзидан камайишига олиб келади. Бундан ташқари, барча иқтисодий тараққий этган давлатлар қатори Шимолий Америкада ҳам фан – техника ривожланиб, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориш натижасида аҳолининг таркибида ишсизлик тобора кўпайиб бормоқда. Ишсиз, бошпанасиз аҳолининг оила қуриш ва фарзанд тарбия қилишга иқтисодий имконияти бўлмайди. Шундай ҳолатлар ҳам туғилишнинг камайиб кетишига олиб келади. Умуман олганда капиталистик муносабатларнинг кенг тарқалиши ва ривожланиши оиласи фарзандларга бўлга ҳам иқтисодий ҳам маънавий талабини ниҳоятда пасайтириб юборади. Фикримизнинг далили сифатида ривожланган капиталистик давлатлардан бири АҚШ оиласарида туғилиш кўрсаткичларига мурожаат қиласлий. Агар 1950 йили ҳар бир Америка оиласида ўртacha 3 – 4 тадан бола туғилған бўлса, 1970 йили бу кўрсаткич 2 – Зга, бугунги кунга келиб эса 1 – 2 га камайди. Кейинги пайтларда, АҚШда фарзандсиз оиласар кўпайиб бормоқда. Бу давлатда ўтказилган социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпчилик оиласарда фақат битгадан фарзанд бўлиб, уларнинг 44 фоизи кутилмаганда, 15%и эса ҳоҳламаган ҳолда туғилған экан. Мутахассисларнинг фикрича бу аҳволни «Америка оиласида инқроз» деб аташмоқда. Бу инқроз Америка Кўшима Штатлари учун муаммоли, йўқми? Уни шу

давлат аҳолисининг тараққиёт тарихидан келиб чиқиб аниқламоқ лозим.

Шундай қилиб, биз юқорида жаҳон мамлакатларининг оиласарида туғилиш жараёнидаги ўзгаришлар билан танишиб чиқдик. Маълум бўлдики ҳозирги пайтда ер юзидағи халқларнинг туғилиш жараёни бир хил эмас экан. Бир тоифа мамлакатларда оиласарнинг туғилиши жуда камайиб кетган бўлса, иккинчи бир хилида жуда юқори. Бу ҳол, юқорида айтганимиздек, турли ижтимоий иқтисодий омиллар билан боғлиқ.

### **7.3. Туғилишини назорат этиш ва унинг омиллари**

Махсус тадқиқотлар кўрсатишича, фарзандлар туғилишини бошқариш, назорат этиш бўйича ҳаракатлар жуда қадимдан, турли халқларда маълум даражада тарқалган экан. Ҳомиланинг олдини олиш услублари, воситалари ҳамда аборт қилиш (ҳомилани сунъий йўл билан йўқ қилиш) бўйича кўрсатмалар қадимги донишманлар Гиппократ, Аристотель (милоддан аввал II аср) ва тиббиёт олимлари Али ибн Аббос (Х аср), Абу Али ибн Сино (XI аср) асарларида учрайди. Лекин бу кўрсатмалардан қадимда никоҳсиз фарзандлар туғилишининг олдини олиш мақсадида кўпроқ фойдаланилган. Оиласа никоҳли фарзандлар туғилишини чеклашга эса ижтимоий зарурият бўлмаган. Юқорида қайд этилганидек кўп бола кўриш жамият томонидан қўллаб қувватланган, чунки унинг ҳам моддий, ҳам маънавий устунликлари кўп эди: ундан ҳам оила, ҳам жамият манфаатдор бўлар эди. Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг кенг ёйилиши оиласарнинг кўп болага бўлган талабини бир мунча чеклаб қўйди, натижада оила муҳитида фарзандлар туғилишини режалаштириш ҳам кенг тарқала бошлади.

Ҳозирги даврда жамиятда оиласи режалаштиришни асосан икки йўналишда кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш. Бунда ҳар бир оила ихтиёрий равишда фарзандлар туғилишини бошқаради. Яъни оила асосини ташкил этган никоҳ жуфтлари (эр – хотин) ўз ҳоҳишлари билан оиласа ўзлари истаганча фарзанд кўришга интиладилар ва бу фарзандларнинг туғилиш оралиқларини ҳам ўзлари белгилайдилар. Бундай ҳолда улар, ўз

истакларидан ортиқча фарзанд күрмаслик учун ҳомиладорликнинг оддини оловучи воситалардан фойдаланадилар ёки кутилмаган ҳомилани сунъий равища, тиббий усул (аборт) ёрдамида йўқ қиласидар.

Оилани ихтиёрий усулда режалаштириш, асосан, иқтисодий тараққий этган давлатларда, аҳолининг, айниқса аёлларнинг маълумотлилик даражаси юқори бўлган, аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳолларда, тиббиёт ривожланган, ҳомиладорликнинг оддини оловучи воситалар мавжуд ва улардан фойдаланиш кенг тарифбот этилган шароитларда тарқалгандир.

Иккинчи йўналиш – оилани давлат томонидан, сиёсий йўл билан режалаштириш. Бунда оилани режалаштириш давлат дастурига киритилади ва оилада болалар туғилиши давлат томонидан назорат этиб борилади. Шунинг учун ҳам баъзи давлатларда ва халқаро мутасадди ташкилотларда оилани режалаштириш деганда туғилишни чеклашга қаратилган “туғилишни назорат этиш” давлат дастури тушунилади.

“Туғилишни назорат этиш” дастури XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатлар томонидан кенг қўлланила бошланди. Бунинг асосий сабаби, ушбу давлатларда XX асрнинг ўрталарида аҳолининг жуда тез суръат билан кўпайиб бориши бўлди. Масалан 1900–1950 йилларда ривожланаётган давлатлар аҳолиси йилига ўртача 1 фоиздан кўпайиб келган бўлса, 1950–1965 йилларда бу кўрсаткич 2–3 фоизни ташкил этди. Африкадаги баъзи давлатларда эса аҳоли йилига ўртача 4 фоиздан кўплай бошлади. Ушбу давлатларда аҳолининг бундай тез кўпайиши, табиийки, бутун ер шари аҳолиси миқдорининг ҳам кескин ошиб боришига олиб келди. Чунки “учинчи дунё” деб аталмиш Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган давлатларда дунё аҳолисининг ундан икки қисми истиқомат этади. 1900–1920 йилларда бутун дунё аҳолиси йилига ўртача 9,7 миллиондан кўпайган бўлса, 1940–1960 йилларда ўртача 35,1 миллиондан кўпайди. 1966–1967 йилларда эса ер шари аҳолиси 65 миллионга ошиди. Ундан 56 миллиони – “учинчи дунё” аҳолисидир. Аҳолининг

бундай тез кўпайишини олимлар "демографик портлаш", деб изоҳладилар.

Ривожланаётган давлатларда XX асрнинг ўрталарида аҳоли сонининг ана шундай тез суръатлар билан ўсиши, асосан, учта демографик омилга боғлиқ бўлган. Улардан биринчиси – туғилишнинг юқори даражада сақланиб келаётганлиги.

1950 – 1960 йилларда дунёдаги иқтисодий ривожланган Европа, Шимолий Америка давлатлари ва Японияда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 16 – 22тани ташкил этган бўлса, ривожланаётган давлатларда эса, бу кўрсаткич 35 – 45, ҳатто Африкадаги баъзи давлатларда эса 50 – 60 тани ташкил этди. Туғилишнинг юқори бўлиши, биринчи навбатда ушбу давлатларнинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқдир.

Аҳоли сони жиҳатдан ривожланаётган давлатларда бир томондан, феодал ва ибтидоий жамият муносабатларининг сақланиб қолиши, иккинчи томондан мустамлака тузумининг узоқ хукм суриши уларнинг дунёдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган, аграр регионлар сифатида сақланиб қолишига сабаб бўлди. Натижада, саноат ривожланмади. Аҳолининг асосий қисми ханузгача қишлоқларда истиқомат қилиб келмоқда. Қишлоқ турмуш тарзи эса, туғилишнинг юқори бўлишига олиб келувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ундан таишари, аёлларнинг ижтимоий тенгизлиги, аҳолининг саводлилик даражасининг ниҳоятда пастлиги, қатор мусулмон давлатларида кўйболаликни қўллаб қувватловчи аиъналарнинг мавжудлиги, ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалар ва улар хақидаги тушунчаларнинг кенг тарқалмаганлиги каби омиллар ҳам "учинчи дунё"да аҳоли туғилишининг юқори бўлишига олиб келган.

Бундай давлатлар аҳолисининг кўпайишига олиб келувчи иккинчи демографик омил – аҳоли ўлимининг кескин камайилишидир. Статистик маълумотлар кўрсатишича, ушбу тоифадаги давлатларда 1950 – йили ҳар 1000 кишига нисбатан ўлганлар сони 15 – 22 ни ташкил этган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткич 8 – 10 ни ташкил этди. Айниқса болалар ўлими кескин камайди. Масалан, 1950 йили ҳар 1000та туғилган болалардан Венесуэлада – 81, Гватемалада – 107,

Эквадорда – 110, Мисрда – 153 та бола нобуд бўлган бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткичлар, қайд этилган тартибда 48; 93; 93 ва 118 ни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, бу давлатларда 1950 – 1965 йилларда аҳоли ўлими 1,5 – 2 марта камайган. Аҳоли ўлимининг бундай қисқа даврда кескин камайиши, асосан, ривожланаётган давлатларга БМТ ва бошқа дунё ташкилотлар томонидан аҳолига тиббий ёрдам берилиши натижасида, турли эпидемия ва юқумли касалликларнинг камайиб кетиши билан боғлиқдир.

Ривожланаётган давлатларда аҳоли сонининг кўпайишига олиб келган учинчи омил – ахолининг ўртacha умр кўриш даврининг кутарилиши билан боғлиқдир. Масалан, аҳолисининг сони бўйича жаҳонда иккинчи ўринда турувчи Ҳиндистонда 1950 йили ўртача умр кўриш ёши аёлларда – 31,7, эркакларда – 32,4 ни ташкил этган бўлса, 1960 йили аёлларнинг умр кўриши 9 йилга узайди ва 41,9ни ташкил этди. Ана шу даврда Чили республикасида ҳам эркакларнинг умр кўриши 9 йилга узайиб, 48,8 йилни, аёлларнинг умри эса 10,7 йилга узайиб 53,9 ёшни ташкил этди. Бундай ҳолни Африка, Лотин Америкаси ва Осиёдаги яна бир қанча давлатлар мисолида ҳам кўрсатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида ривожланаётган давлатларда аҳоли сони XX асрнинг ўргаларида тез ошиб кетди. Ахолининг бундай тез суръат билан ўсиши эса жиддий иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Табиийки, улардан дастлабкиси озиқ – овқат муаммоси саналади.

Маълумки, «учинчи дунё» аҳолиси мустамлака давридан бошлаб ўта қашшоқликда яшар ва 60 – 80 фоиз аҳоли очлик чегарасида ҳаёт кечириб, тўйиб овқат емас эди. Сабаблари: мустамлака шароити, фан – техниканинг ривожланмаганлиги, хўжаликнинг қолоқ агарар йўналишда етарли тараққий этмаганлиги. Шунинг учун ҳам бу регионнинг хўжалик тармоқлари ривожланмай, иқтисодий имкониятлари ўзгартмаган ҳолда аҳоли сонининг бирдан ортиб бориши озиқ – овқат муаммосини яна ҳам кучайтириди. 1961 – 1965 йилларда киши бошига озиқ – овқат маҳсулотларини етказиб бериш жараёни Осиё ва Африка давлатларида 4%га, Лотин Америкасида 6%га камайган.

Аҳолининг тез ўсиши натижасида келиб чиқсан навбатдаги муаммо – аҳолини иш билан таъминлаш муаммосидир. Аҳоли умумий миқдори билан бир қаторда меҳнат ёшидаги аҳоли ҳам кўпайиб борди. Мавжуд иш ўринлари эса ўсиб келаётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлай олмади. Натижада ишсизлар сони ҳам ортиб борди. Осиёдаги қатор давлатларда мутлоқ ишсизлик даражаси 12%га, тўлиқсиз ишга бандилик эса 37,5%га етди. Лотин Америкасидаги давлатларда эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг 33 – 50% ни ишсизлар ташкил этган.

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун ривожланаётган давлатларда яна миллионлаб иш ўринлари тайёрлаш лозим бўлган. Бунинг учун аввало, фан ва техникани ривожлантириш асосида ҳалқ хўжалик тармоқларини кенгайтириш лозим эди. Хўжалик тармоқларини янги технология асосида ривожланишишни таъминлашни тақозо этади.

1960 – 1970 йилларда ривожланаётган давлатларда мактаб ёшига етган болалар миқдори 1950 йилларга нисбатан деярли икки баробарга ошди. Демак, бу давлатларда бир томондан умуман таълим тизимини ҳалқ хўжалиги ривожланишининг янги шароитига мос равишда қайта қуриш муаммоси турса, иккинчи томондан мактаб ёшига етмаган миллионлаб болаларни янги ўқув жойлари, ўқув қуроллари билан таъминлаш муаммоси турарди.

Шундай қилиб, XX аср ўрталарида аҳолининг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан тез суръат билан ўсиши туфайли, талайгина иқтисодий муаммолар юзага келган. Натижада, ривожланаётган давлатларда оилани режалаштиришга – туғилишни назорат этишга қаратилган демографик сиёsat аҳоли ўртасида турли сиёсий, ижтимоий, тиббий ва иқтисодий тадбирлар ўтказиш ўйли билан амалга оширилди.

Оилани режалаштириш бўйича дастлабки ҳаракатлар Лотин Америкасида қайд этилган. 1925 йили Пуэрто – Рикода туғилишни назорат этиш Лигаси тузилди. Лекин бу Лига жамият томонидан қўллаб – қувватланмагач, фаолият кўрсата олмади. 1932 – 1936 йилларда Лига томонидан туғилишни назорат этиш бўйича янгидан ҳаракатлар бошланди. Ниҳоят, ушбу ҳаракатлар 1937 йили давлат томонидан тасдиқланди. Пуэрто – Рико давлати аҳоли ўртасида ҳомиладорликнинг

олдини олувчи тиббий воситалар ва улардан фойдаланиш учун кўрсатмаларни тарқатишга қонуний йўл билан рухсат беради. 1946 йили эса аҳоли муаммоларини ўрганиш ва оилани режалаштириш Ассоциацияси тузилиб, оиласда фарзандлар туғилишини назорат этиш учун олиб борилаётган амалий тадбирлар яна ҳам кучайди.

1949 – 1950 йиллардан бошлаб Осиё давлатларида ҳам оилани режалаштириш бўйича ҳаракатлар олиб борилди. 1949 йилдаёқ Сингапурда оилани режалаштириш миллий ассоциацияси иш бошлаган. 1958 йили Сингапурда фарзанд кўриш ёшидаги аёлларнинг 9% ушбу ассоциация ишидан фойдаланганлар. Кейинчалик ассоциациянинг фаолияти давлат томонидан ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий қувватланган. Давлат оилани режалаштиришга бағишлиган маҳсус «Оқ китоб» чоп этди. 1966 – йилда эса барча оилани режалаштириши клиникаларига раҳбарлик қилувчи маҳсус бошқарма ташкил топди. Натижада Сингапурда аҳолининг ўртача ийлилк табиий ўсиши 2 % га камайди. 1951 – 1960 йилларда оилани режалаштириш миллий дастури асосида Ҳиндистонда қатор амалий тадбирлар ўтказилди, 1961 – 1966 йилларда ушбу илмий дастур Ҳиндистон давлатидаги иқтисодий, демографик вазиятдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда яна такомиллаштирилди ва унга асосан оилани режалаштиришдаги амалий тадбирлар яна давом эттирилди. 1950 – 1960 йилларда Осиё – Цейлон (Шри – Ланка), Покистон, Индонезия, Таиланд, Малайзия каби давлатларда ҳам оилани режалаштириш давлат дастурига киритилди,

1960 – 1970 йилларда оилани режалаштириш географияси яна ҳам кенгайди. Африкада Тунис, Марокко, Нигерия, Кения, ҳатто Маврикий ва Сейшель оролларидағи, Лотин Америкасида эса Бразилия, Венесуэла, Гватимала, Чили каби 20 дан ортиқ давлатларда оилани режалаштириш бўйича тадбирлар олиб борилиб, аҳолининг табиий ўсиш суръати 1,5 – 2 % га қисқарди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, қатор мусулмон давлатларида ҳам туғилиши назорат этиш кенг тарқала бошлади. 1953 – йили Миср Араб Республикасида аҳоли муаммолари билан шуғулланувчи миллий қўмита ташкил этилди. 1955 – йилдан бошлаб ушбу қўмитада, демограф, шифокор, социолог, статист, иқтисодчи мутахассислар бошчилигига туғилиши назорат этиш бўйича

амалий тадбирлар олиб борилди. 1954 – 1964 йилларда оилани режалаштириш бўйича ташкил этилган маҳсус клиникалар сони 4,5 марта га кўпайди.

1963 – йили Тунис давлатида мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган оилани режалаштириш дастури тасдиқланди. Ушбу дастурни амалга ошириш учун олиб борилётган тадбирларга Тунис давлати катта маблағ ажратди; демографик сиёsat нуқтai назаридан катта қонуний ўзгаришлар қилинди. Эрta никоҳга кириш ва полигам никоҳлар қонуний йўл билан таъкиқланди. Хорижий давлатлардан ҳомиладорликнинг олдини оловчи воситалар келтирилиб, уларни сотиш кенг йўлга қўйилди, кўп болали силаларни ижтиимоий муҳофаза қилиш чегараланди. Яъни ижтиимоий ёрдам фақат 4та болага қадар бериладиган бўлди. Радио ва матбуотда оилани режалаштиришнинг мақсади ва усуслари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш кучайди.

Тунис давлатининг 1961 – 1964 йиллардаги иқтисодий – ижтиимоий ривожланиш дастурида демографик омилларга алоҳида эътибор берилган ва аҳолининг ўртача йиллик табиий ўсиш суръатини 1,7 %га тушириш таъкиданган.

Мусулмон давлатларидан Эрон, Покистонда ҳам 1960 – 1970 йилларда оилани режалаштириш бўйича жуда кўп тадбирлар амалга оширилган. Оилани режалаштириш дастури Покистон давлатининг халқ хўжалиги тараққиётининг умумий дастурида ҳам алоҳида бўлим сифатида маблағ ажратилган.

Олани режалаштириш жараёни асосий халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан ҳам қўллаб қувватланиб келмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, дастлабки кезларда БМТ ҳам оилани режалаштириш масалаларига, ушбу сиёsatни олиб бораётган ҳар бир давлатнинг ички иши сифатида қараган ва бу муаммони ўз фаолияти доирасига қўшмаган. Лекин борган сари дунё аҳолисининг тез ўсиши билан боғлиқ бўлган муаммолар ниҳоятда кескинлашди ва бу ҳол Бирлашган Миллатлар ташкитлоти ва унинг ташкилотлари эътиборини ҳам тортди. 1964 йили БМТ бош секретари топшириғига биноан дунёдаги қатор давлатларнинг раҳбарияtlари орасида аҳоли ўсиши ва иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ

муаммолар ҳақида маҳсус сўров ўтказилди. Ушбу сўровда жуда кўп ривожланаётган давлатларда аҳолининг тез ўсиб бориши натижасида юзага келаётган ижтимоий иқтисодий муаммолар ва бу муаммоларнинг олдини олиш учун аҳоли ўсишини секинлаштириш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Сўров натижалари БМТ Аҳолишунослик қўмитасининг 1965 йилда ўтказилган XIII сессиясида ўрганиб чиқиди ва туғилишни назорат этишга тарафдор давлатларга БМТ томонидан ёрдам бериш ва бу масалани БМТ ҳамда унинг аҳоли муаммолари билан шуғулланувчи маҳсус қўмиталарининг келажак фаолиятини аниқловчи дастурларига киритиш лозимлиги ҳақида хulosса қилинди. Бу хulosса бугун дунё Соғлиқни Сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО, БМТ ва унинг маҳсус қўмиталари томонидан қабул қилинди ва ушбу ташкилотлар ривожланаётган давлатлар туғилишини назорат қилиш бўйича олиб борилаётган ишларида яқиндан иқтисодий ва ижтимоий ёрдам бериб келмоқда.

Ундан ташқари ривожланаётган давлатларда туғилишни назорат этиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар Швеция, АҚШ давлатлари ва давлат тасарруфида бўлмаган халқаро ташкилотлар томонидан ҳам турли иқтисодий ёрдамлар билан қўллаб қувватланмоқда. Ана шундай ташкилотларга Аҳолишунослик Кенгashi, Форд фонди ва Оилани режалаштириш бўйича Халқаро федерацияни киритиш мумкин. Оилани режалаштириш бўйича Халқаро федерация 1952 йилда Лондонда ташкил топган бўлиб, унга ихтиёрий равища 42та миллий ассоциация аъзодир. Бу Федерация туғилишни назорат этиш соҳасида жуда кенг масштабда илмий – тадқиқот ишлари олиб боради ва унинг натижа – ларини тарқатади. Федерацияга кирган ассоциацияларнинг туғилишини назорат этиш борасидаги фаолиятларига илмий – амалий ёрдамлар бериб боради.

Шундай қилиб, оиласа фарзандлар туғилишини назорат этиш, оиласа режлаштириш жараёни жамият тараққиёти – нинг маълум босқичида ижтимоий зарурият сифатида майдонга келди. Бу жараённинг амал қилиши дунёдаги барча давлатларда, халқларда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу хусусият ушбу давлатнинг ижтимоий – иқтисодий ва демографик ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

## МАВЗУ 8. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

### 8.1. Ўзбекистоннинг демографик тарихидан.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолиси 24583 мингни ташкил этади. Агар ўтмиш билан қиёслайдиган бўлсак ўлкаимзда кейинги 100 йил ичида аҳоли сони 5 баробардан кўпроқ ошганлиги маълум бўлди. Чунки Ўзбекистон ҳудудида 1897 йилда 3730 минг киши яшаган бўлса, уларнинг сони 1926 йилда 4460 минг, 1959 йилда 8261 минг, 1970 йилда 11799 минг, 1979 йилда 15391 минг, 1991 йилда 20706 ва 2000 йилда 24583 минга етди. Кўриниб турибиди жумхурият аҳолиси мунтазам ўсиб бормоқда. Аҳолининг йил сайин ўсиши умуман олганда шу давр ичида бутун ер шари учун ҳам хос хусусият ва Ўзбекистон бундан мустасно эмас. Модомики, маълум бир ўлкада аҳоли кўпайиб борар экан уни озиқ – овқат, кийим кечак ва бошқа шу каби ҳаётий зарур воситалар билан таъминлаш масаласи, бошқача қилиб айтганда иқтисодий муаммолар ҳам кўндаланг бўлади. Шу сабабдан, аҳоли кўпайишини атрофлича ўрганиш, уни келажакда қанча бўлишини курсатиб бериш ҳар бир ҳудуд учун, қатор иқтисодий муаммоларни ҳал этища бевосита зарур ва муҳимдир.

Маълумки, ҳар бир ҳудуд аҳолиси икки хил йўл билан кўпаяди: Биринчиси туғилиш натижасида бўлса, иккинчиси миграция, яъни бошқа ҳудудлардан аҳолининг кўчиб келиши ҳисобига амалга ошади. Ўзбекистон ҳудуди аҳоли кўпайишида биринчи йўл, яъни туғилиш асосий омилдир. Демак ақоли кўпайишини ўрганиш учун аввало туғилиш муаммоларини ўрганиш керак. Бу унчалик осон иш эмас. Бунинг учун, ҳар бир даврдаги туғилиш даражасини, унга таъсир этувчи омиллар, туғулишнинг ижтимоий – иқтисодий ва демографик оқибатларини мукаммал ўрганиб чиқиши лозимдир. Ўлка аҳолисининг барча демаграфик жараёнлари (туғилиш, ўлиш, никоҳга кириш, никоҳдан чиқиш ва ҳ.к.) ҳақидаги статистик маълумотлар асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошли мавжуддир. Ўлка аҳолиси ҳақидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон статистика бошқармаси томонидан тўплана бошланди. Бошқарма томонидан тўплланган маълумотлар асосида 1872 – 1879 йилларда «Статистик

йилнома» чоп этилди. Ушбу йилномада Туркистон аҳолисининг сони, миллий таркиби (Бухоро ва Хивадан ташқари) ва ҳар бир оила аъзоларининг сони ҳақида матбуотда дастлабки маълумотлар эълон қилинди. Унда ёзилишича. Зарафшон округида ҳар бир ўзбек ва бошқа туркй халқлар оиласида шаҳарда 5тагача, қишлоқда эса 12 тагача киши истиқомат қилган; ҳар бир маҳаллий миллат оиласида тахминан 7 тадан эркак ва 7 тадан аёл бўлган. Ушбу маълумотлар (улар унга тўлиқ бўлмасада) ўтмишда Ўзбекистонда туғилиш анча юқори бўлганлигидан дарак беради.

Туғилишга доир дастлабки муфассалроқ маълумотлар эса XX асрнинг дастлабки давридан бошлаб олина бошлианди. Бироқ малакали кадрларнинг етишмаслиги туфайли статистик маълумотлар тўплаш жуда мушкул эди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, статистик ташкилотлар ва олимлар томонидан айрим тадқиқот ишлари олиб борилган. Уларнинг ичида мұхимроғи сўраш ёки суҳбат билан ўтказилган тадқиқотлар эди. Бунинг ўз афзалликлари бор. Бунинг учун туғилишни ҳар томонлама ўрганишга оид саволлардан махсус «суроқ варақаси» (анкета) тузилиб, бу варақалар асосида мутахассислар томонидан маълум шаҳарларда, қишлоқларда, турли миллат ва ижтимоий групга мансуб кишилар билан алоҳида—алоҳида суҳбат ўтказилиб, маълумотлар тўпланади. Бевосита савол жавоб, орқали статистика варақасига тушмайдиган жиҳатларни ҳам аниқлаш мумкин. Бундай тадқиқот натижалари, аҳоли ва унинг демографик жараёнлари муттасил рўйхат қилиб борилмаган ҳудудлар учун аҳмиятидир. Ушбу усул билан, ўша давр учун тиббиёт олими Шорохова А.А. ўтказган тадқиқот натижалари фан мухлислари томонидан ҳозиргacha қадрланиб келади. Тадқиқотчи XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида туғилган аёллар билан суҳбат ўтказиб, Ўзбекистон қишлоқларида 1885—1927 йилларда ҳар 1000 та аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 44—55 ни ташкил этган, деб ҳулоса қилган. Соддороқ қилиб айтганда ҳар 1000 та аҳоли бир йилда 44—55 тагача кўпайган. Энди бу рақамни ҳозирги давр билан қиёслаб кўрайлик. Ҳозирги пайтда аҳолининг туғилиши ҳар 1000 киши ҳисобига Ўзбекистонда 22—23 ни ташкил қиласди.

Ваҳоланки бу кўрсаткични олимлар юқори деб билишади. Юқорида келтирилган туғилиш кўрсаткичига бир назар ташласак, бундан таҳминан 100 йил муқаддам туғилиш анча юқори эканлиги ва чекланмаганинг ўз – ўзидан аён бўлади. Ана шундай холоса етук аҳолишунос олимлар Урланис Б.Ц., Қораҳонов М.К. ва Муллажонов И.Р. илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган.

Хўш, нега ўша даврда туғилиш юқори бўлган?

Юқорида айтганимиздек туғилиш даражасининг юқорилиги ўша даврда ўзбек оиласидагина эмас, балки сабиқ СССР худудидаги бошқа ҳалқлар – русслар, украинлар, белоруслар, татарлар, қозоқлар, Кавказ ва Ўрта Осиё ҳалқлари учун ҳам хос эди. Масалан, 1867 – 1900 йилларда Россиянинг Европа қисмидаги 50 губерниясидан ҳар мингта аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 49 – 50 тани ташкил қилган. Болтиқбўйи ҳалқларида эса XIX асрнинг ўрталарида ҳар минг кишига туғилган болалар сони 40 – 50 тани ташкил қилган. Лекин бу ҳолат узоққа боргани йўқ. XX асрдан бошилаб Европа ҳалқлари оиласидаги туғилиш тез суръатлар билан камая бошлади, айниқса Болтиқбўйи ҳалқларида масалан 1906 – 1913 йилларда ҳар мингта аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 22 – 25 ни ташкил қилган Болтиқбўйи ҳалқларида туғилишнинг бундай тез камайиб кетишининг асосий сабаби, у ерда капиталистик ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши эди. Капитализмнинг ривожланиши, шаҳарлар сонининг кўпайиб бориши Россиянда ҳам туғилишнинг кескин камайишига олиб келди. Агар Россиянда 1861 – 1865 йиллар ҳар 1000 аҳолига ўртacha 50 – 51 бола туғилган бўлса, 1911 – 1913 йиллар бу кўрсаткич 43 – 44 гача камайди. Биринчи жаҳон уруши ва Октябр инқилоби йилларида туғилиш яна ҳам камайиб, 1920 йилда 31га тушди. Демак сабиқ иттифоқ Европа қисмидан яшовчи ҳалқларда туғилиш XX асрнинг биринчи ўн йиллигидан камая бошлаган. Юқори даражадаги туғилиш эса, асосан, Ўрта Осиё ҳалқлари жумладан, ўзбек оиласидаги сақланиб қолган. Бунинг сабабчиси, энг аввало, Ўрта Осиёда мавжуд феодал ишлаб чиқариш муносабатлари бўлди. Ўзбекистон Россиянинг энг қолоқ ўлкаларидан бўлиб, Россия учун пахта ва бошқа хом – ашё етишишиб берадиган худуд хисобланган. Ўлқадан олиб кетилган хом – ашё Россиянинг

марказий районларида қайта ишланиб, махсулот тайёрланган. Бутун Ўрта Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг, хом ашё базаси бўлиб қолишидан Рус подшоҳлиги эканомикаси манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучлари, айниқса саноат яхши ривожланмаган; меҳнатга яроқли аҳолининг 80% қишлоқ хўжалигига банд бўлган. Ўлка аҳолиси, асосан, қишлоқ жойларда истиқомат қилганлар. Қишлоқ ҳаёт тарзи эса кўп болаликни тақозо этган.

Ўзбек оиласида туғилишнинг юқорилигига таъсир этувчи омиллардан яна бири аёлларнинг жамиятдаги ўрнидир. Октябр инқиlobига қадар ўзбек аёллари халқ хўжалигига деярли қатнашмас эдилар. Улар асосан уй ишлари ва болалар тарбияси билан банд бўлган. Баъзи ҳолларда эса аёллар фақат пахта терими даврида ишлар эдилар. Ўзбек оиласида кўпболаликни тарғиб қилювчи олмиллардан яна бири ислом ақидалари эди. Мусулмон халқлари ҳаётида, айниқса уларнинг демографик жараёнларида дин жуда муҳим рол ўйнаган. Ислом дини оила қуриш, бола қуриш ва тарбиялашни муқаддас ҳисоблаб, ҳамилани турли йўллар билан йўқ қилишни, эса қоралаган. Ўзбек халқида мавжуд бўлган кўпгина маҳаллий урф—одатлар юқори туғилишни омили бўлган. Жумладан, кўп болали оиласи жамиятда ҳурматта сазовор бўлишган. Кўп болали аёлларни, уларнинг ўтирган урни, кийган кийимлари урф—одатта кўра «муқаддас» ҳисобланган. Ёки бола кўрмаган аёллар «менга ҳам бола берсин» деган ниятда кўп болали аёлларнинг ўрнига ўтиришган. Янги келин—куёвларга солинган никоҳ тушагига ҳам дастлаб кўп болали аёллар «думалаб» табаррук қилиб беришган. Боласи йўқ аёллар, оиласи эса, аксинча, кўп ҳолларда камситилган. Бу урф—одатлар маълум даражада ҳозирги даврда ҳам сақланиб қолган. Шу билан бирга, тарихдан маълумки қизларни жуда эрта турмушга беришган; 9 ёшга тўлган қизлар балогот ёшига етган хисобланган. Қизларни эрта турмушга бериш аҳолининг табиий ўсишига икки томонлама таъсир қилади; биринчидан вақтли турмуш қуриш аёлларда бола қуриш даврини анчагина чузиб, кўпроқ бола қуришга имкон берса, иккинчидан 9—14 ёшда ҳали балогатга етмаган қизларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан майиб қилиб, аёллар

ўлимининг кўпайишига олиб келган. Кўп ҳолларда эса балорат ёшига етмай турмуш қуриш натижасида аёллар организми заарланиб узоқ муддат ёки умуман бола кўриш қобилиятини йўқотган. Шунинг учун ўзбек аёллари ўртасида бола кўрмаслик ҳоллари кўп учраган. Масалан, медик олим А.А. Шорохова маълумотларига қараганда XX аср бошларида ҳар 100 ўзбек оиласидан 29,8 боласиз оилалар бўлган; бу кўрсаткич арман оилаларида 29,2%, Европа халқларида 18,9% ва яҳудий оилалarda эса 17,8%ни ташкил қилган. Ўзбек оилаларида туғилишнинг юқори бўлишига сабаб бўлган асосий омиллардан бири, бу болалар ўлими эди. Болалар айниқса юқумли ичак касалларидан кўплаб нобуд бўлган. Мутахассислар кўрсатишича 1914 йили Туркистон ўлкасида ҳар 1000 та туғилган болалардан 300, баъзи йилларда эса 600 – 700 бола ўлган. Бу кўрсаткич Россиянинг Марказий районларига нисбатан 65 – 70 % юқоридир. Ўзбек оилаларида болалар ўлимининг юқори бўлганлигини маҳсус социолого – демографик тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди. Масалан Сурхондарё вилоятида ўтказилган социолого – демографик тадқиқот кўрсатишича 1894 – 1909 йилларда туғилган аёлларнинг ҳар бири ўртacha 9 – 10 тадан бола кўришган. Лекин улардан 5 – 6 таси тирик қолган экан. Баъзи ҳолларда 15 та фарзанд кўрган аёлларнинг эса 3 та боласи омон қолганлик ҳоллари ҳам қайд этилди. Демак ўзбек оиласида болалар ўлимининг юқорилиги ҳам, туғилишнинг челанмаслигига физиологик имкон даражасида давом этишига сабаб бўлган. Табиийки юқорида келтирилган маълумотлардан ўқувчи, «модомики уша даврда туғилиш кўпайишининг бир қатор омиллари мавжуд экан, демак Ўзбекистон аҳолсининг сони жуда тез ортиб бориб, анча кишини ташкил этиши керак эди», деган холосага келиши мумкин. Лекин статистик маълумотлар бунга ҳийла зид бўлган вазиятни кўрсатади. (қуидаги жадвалга қаранг)

1896 – 1900 йилларда ҳар йили Ўзбекистонда 1000 та аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 49,8 ташкил қилган бўлса, ўлганлар сони (ҳар минг киши ҳисобига) 44,8 тенг. Демак, Ўзбекистон аҳолини табиий кўпайиши 5 ни (49,8 – 44,8) ташкил қилган. Бошқача қилиб айтганда, 1896 – 1900 йиллар туғилиши ҳисобига ҳар йили минг киши ўртacha 5 кишига кўпайган. Бу кўрсаткич Россиянинг 50 та, Европа

губернияси бўйича эса 14,4 ташкил қилган. Демак ўша даврда ўзбек оиласарида туғилиш юқори бўлишига қарамай, аҳоли ўртасида ўлимнинг кўплиги, ўртача умр кўриш даври жуда қисқа (32 ёш) бўлганлиги туфайли аҳолининг табиий кўпайиши секин эди.

**Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши  
(1866–1917йиллар)**

Йиллар	Ҳар бир 1000 та аҳолига нисбатан		
	Туғилганлар сони	Улганлар сони	Табиий ўшиш
1866–1870	49,0	44,0	5,0
1871–1875	48,9	43,8	5,1
1876–1880	48,8	43,9	4,9
1881–1885	49,1	44,2	4,9
1886–1890	48,9	43,9	5,0
1891–1895	49,6	44,7	4,9
1896–1900	49,6	44,8	5,0
1901–1905	49,6	44,1	5,5
1906–1910	49,5	44,4	5,1
1911–1915	47,3	42,5	4,8
1916–1917	48,5	41,9	6,6

И.Р.Муллоқонов «Демографическая развития Узбекского ССР» китобидан олинди.

Ёки юқори туғилиш юқори табиий ўсиши таъминлай олмасди, туғилишнинг «фойдалилик» даражаси паст эди. Ушбу далиллар Ўзбекистон аҳолисининг табиий кўпайиши XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Европа халқларидан 3,5 баробар кам бўлганлигини кўрсатади. Натижада аҳоли сонинг ўсиши жуда секин бўлган. 1885–1917 йилларда, 32 йил мобайнида Ўзбекистон аҳолиси 3320 мингдан 4052 мингга етди ёки аҳолининг сони ҳар йили ўртача 0,6% атрофида ўсади. Бу кўрсаткич ҳозирги даврга қараганда 3,1 марта камдир. Чунки 1991–2000 йилларда Ўзбекистон аҳолиси йилига 1,9% дан кўпаяди.

1917–1990 йиллар Ўзбекистон демографик ривожланишида узига хос бўлган давр ҳисобланади. Бу даврда ўлкада ишлаб чиқариш усули тубдан ўзгарди. Ўлкада экин майдонлари кенгайтирилиб қишлоқ ҳўжалиги

ривожланди ва бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги билан банд аҳоли сони салмоғини кўпайишига олиб келди. Аста секин, саноат, қурилиш, транспорт тармоқлари ҳам ривожланиб, уларда ишлайдиган ишчилар салмоғи ҳам ошиб борди; янги шаҳарлар барпо этила бошланди. 1897 – 1939 йилларда аҳолиси 50мингдан ортиқ бўлган шаҳар сони 10 дан 23 га кўпайди. Аҳолининг ана шу тарзда ишлаб чиқариш воситалари ва ер сув билан таъминланиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатининг ривожланиши Ўзбекистонда миллий даромаднинг кўпайишига олиб келди. Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам ривожланди. Айниқса, сабзавот, полиз экинлари, узум, гўшт, тухум, сут каби озиқ – овқатлари ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Натижада аҳолининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш бир мунча ошди.

Ўзбекистонда ишчи ва дехқонлар учун ҳам билим олишта имкон яратилди. Республикада соғлиқни сақлаш тизими ривожланди. Агар 1913 йили Ўзбекистонда фақат 63 та касалхона аҳолига хизмат қилган бўлса, 1940 йили уларнинг сони 139 тага етди. Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза этиш муассасалари очилди ва фраолият кўрсата бошлади. Натижада юқумли касалликлар сони кескин камайди. Ўлка аҳолисининг ҳам моддий ҳам маънавий ҳаётидаги қатор ижобий ўзгаришлар унинг демографик вазиятига ҳам ижобий таъсир курсатди. Биринчи навбатда аҳоли ўлими, жумладан, аёллар ва болалар ўлими кескин камайди. Қораҳонов М.К. маълумотига қараганда 1920 йилларда Ўзбекистонда ҳар 1000 кишидан 33 – 34 таси ўлган бўлса 1940 йилган келиб эса бу кўрсаткич 3 марта камайган ва 13 – 14ни ташкил этган. Айни пайтда ўзбек оиласарида туғилиш юқори даражада сақланиб қолаверган. Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, 1917 – 1940 йилларда ўлкада ўлимнинг камайиши туфайли аҳолининг табиий ўсиши ва шу асосда унинг умумий сони кескин ортди. Бу давр республика аҳолиси йилига ўртача 1,5 % дан ўсиб борди ва унинг сони 4 млн. 52 мингдан 6 млн. 65 мингга етди.

Иккинчи жаҳон уруши барча собиқ СССР таркибига кирган давлатлар жумладан Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий – ижтимоий ва демографик вазиятига таъсир

этди. Ўзбекистонда ҳам кўплаб эркаклар фронтга чақирилди. Қизларнинг турмушга чиқиши ва янги оиласар пайдо бўлишига имкониятлар камайди. Уруш туфайли ўлкада очарчилик юзага келди, аҳолининг иқтисодий аҳволи оғирлашди. Бундай ҳоллар Ўзбекистоннинг демографик ҳолатига салбий таъсир курсади. Уруш йилларида никохга кириш ҳоллари икки марта камайди. Ўлим эса 1941 – 45 йилиларда икки уч бараварга кўпайди, баъзи йилларда эса тугилганлар сонидан ҳам ошиб кетди. Натижада аҳолининг табиий ўсиш суръати қисқарди. Масалан 1940 – 1945 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 6 млн. 65 мингдан 5 млн. 107 минга тушиб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тинч ҳаёт даври бошланиб, мамалакатимизда ижтимоий – иқтисодий ва демографик вазият яхшиланга бошлади. Урушга кетган эркакларнинг қайтиши, минглаб янги оиласарнинг пайдо бўлишига олиб келди. 1945 – 1950 йилларда тугилиш 20,7 %га кўпайиб, ўлим 7 % га камайди. Туғилишнинг бундай тез ўсиши аҳолининг кўпайишига қулай шароит яратди. Шунинг учун бу даврни, аҳолишунос олимлар «компенсация» яъни «тўлдириш» даври деб аташган. Ушбу даврда Ўзбекистон аҳолиси йилига ўргача 3,8 % дан кўпайиб, урушдан олдинги миқдорига етиб олди. Аҳолининг шундай юқори суръат билан ўсиши 1970 йилга қадар давом этди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда аҳоли кўпайиб борища маълум даражада миграциянинг ҳам ҳиссаси анчагинадир. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан забт этилиши муносабати билан, бутун Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонга ҳам руслар ва бопиқа Европа халқлари кириб кела бошлаган; кўчиб келувчи мигрантларнинг сони октябр инқилобидан кейин яна ҳам кўпайди. Масалан, 1896 йилда мигрантлар жами аҳолининг 6,1% ташкил этган бўлса, 1925 йилга келиб уларнинг салмоғи 13,4% га етди. Иккинчи жаҳон уриши йилларида, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг ҳам Ўзбекистонга кўп минглаб мигрантлар келиб, яшаш учун қолиб кетганлар. Умуман маҳсус олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича 1980 – 1985 йилларга қадар республика аҳолисининг кўпайишида миграциянинг ҳиссаси бир мунча юқори бўлган.

1970 – 1990 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръати аста секин пасайиб борди. Агар 1970 – 1980 йилларда республика аҳолиси ҳар йили ўртача 3,5%га кўпайган бўлса, 1980 – 1990 йилларда бу кўрсаткич 2,7%ни, ташкил қилди. Бунинг асосий сабаби кейинги йилларда ўзбек оиласарида ҳам фарзандлар туғилишининг бироз камайиб боришидадир. Масалан, 1960 йилда республикада ҳар мингта аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 39,8 ни ташкил этган бўлса 1990 йили бу кўрсаткич 33,7 ни ташкил этди ёки 6,7 пунктта камайди.

### **Ўзбекистон аҳолисининг туғилиш, ўлиши ва табиий кўпайиши (1920 – 1990 йиллар)**

Ҳар 1000 аҳолига нисбатан			
Йиллар	Туғилишлар	Ўлим	Аҳолининг табиий ўсиши.
1920	44,8	33,8	11,0
1930	38,7	17,1	21,6
1940	33,6	13,2	20,4
1950	30,9	8,8	22,1
1960	39,8	6,0	33,8
1970	33,6	5,5	28,1
1980	33,8	7,4	26,4
1990	33,7	6,1	27,6

Жадвал илмий манбаларда ва статистик тўпламларда чоп этилган маълумотлар асосида тузилган.

Туғилиш даражасининг камайиб борганлиги оиласида бешинчи ва ундан кейинги (олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва ҳ.к.) туғилаётган болалар саломининг қисқариб боришида ҳам кузатилади. Улар 1970 йилда жами туғилган болаларнинг 43,1 %ни ташкил этган бўлса, 1990 йилда 14,3 % ташкил этди ёки 3 марта га камайди. Умуман 1950 – 1990 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 6 млн. 264 мингдан 20 млн. 322 минга етди.

#### **8.2. Бозор иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши.**

Маълумки 1990 йил собиқ СССР нинг парчаланиш жараёни юз берди. Натижада унинг таркибига кирган қатор

республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Мустақиллик ҳар бир халқ учун бебаҳо тараққиёт муҳитидир. Лекин собиқ СССР таркибида давлатлар хўжалиги бир бутун организм, тизим сифатида бирлашиб ривожланар эди. СССРнинг парчаланиши натижасида ана шу хўжалик организми бузилди. Энди ҳар бир давлат ўз хўжалик тизимини ўзи янгидан барпо этиб, ривожлантириши зарур бўлди. Бунинг учун маълум вақт ва имконият керак. Ана шу вақтда мустақил тараққиёт йўлига кирган ҳар бир давлатни бошқаришида маълум қийинчиликлар бўлиши муқаррардир. Чунки ушбу вақтда давлат бир томондан ўз халқини моддий – маънавий эҳтиёжини таъминлаши керак бўлса, иккинчи томондан ўз хўжалик тизимини барпо этиши, ривожлантириши керак эди. Бу вақт ўтиш даври деб аталиб, бу даврда давлат раҳбарияти жуда кўп иқтисодий – ижтимоий муаммоларни ҳал этиши лозим. Ўзбекистон давлати ҳам бундан мустасно эмас. Ўтиш даврида Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётида қийинчиликлар, ўзгаришлар юз берди. Пулнинг қадрсизланиши, аҳолининг мунтазам равишда давлат томонидан ижтимоий муҳофаза этиб турилишига қарамай, маълум иқтисодий қийинчиликларга сабаб бўлди. Республикада бозор муносабатлари шаклланиши бошланди.

### **Мустақиллик даврида Ўзбекистон аҳолисининг табиий кўпайиши'**

Ҳар 1000 аҳолига нисбатан			
Ийлар	Тугилганлар	Улганлар	Аҳолининг табиий ўсиши
1991	33,7	6,1	27,6
1992	33,1	6,5	26,6
1993	31,5	6,6	26,9
1994	29,4	6,6	22,8
1995	29,8	6,4	23,4
1996	27,3	6,2	21,1
1997	25,5	5,8	19,7
1998	23,0	5,8	17,2
1999	22,3	5,3	17,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси статистика Департаменти томонидан чоп этилган «Естественное движение населения РУз за 1991 – 1999 г.г.» статистик тўпламлар асосида тузилган.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан биргалиқда күплаб корхоналар қурилди, маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Бир сўз илан айтганда, ўлқада хорижий давлатлар, айниқса гарб давлатлари ишлаб чиқариш усуслари, хўжалик маҳсулотлари кенг тарқала бошлади. Шунинг билан бир қаторда, Ўзбекистон хорижнинг тиббий воситалари, айниқса ҳомиладорликдан сақланувчи тиббий воситалар ҳам аҳоли эҳтиёжига ҳавола этилди.

Ўлқада содир бўлган ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар биринчি навбатда унинг демографик вазиятига ўз таъсирини кўрсатди. Аввало республикада туғилиш сезиларли даражада қисқарди. 1991 – 1999 йилларда Ўзбекистонда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 34,5дан 22,3 гача ёки 11,2 пунктга қисқарди.

Махсус ўрганишлар курсатишича, кейинги 40 – 45 йил давомида Ўзбекистонда туғилишнинг бундай тез суръат билан қисқарганлиги кузатилган эмас. Шуниси ҳарактерлики, Республикада туғилишнинг қисқариши қишлоқ оиласарида ҳам кузатилмоқда. Масалан ҳар 1000 киши ҳисобига туғилиш 1991 – 1999 йилларда Қорақалпоғистонда 36,9дан 23,8гача, Сурхондарёда 42,5дан 26,2 гача, Қашқадарёда 41,1дан 27,5гача ва Хоразм вилоятида 36дан 25,1 гача камайди.

Республикада туғилиш жараёнида содир бўлаётган ўзгаришларни батафсил ўрганиш учун 1968 – 2000 йилларда Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат Университети (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети) Аҳолишунослик илмий тадқиқот лабароторияси ва Демография кафедраси томонидан қатор социологик тадқиқотлар ўтказилди. Ана шу тадқиқот натижаларининг курсатишича, ўзбек оиласарида туғилган болалар сони катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари камайиб борганлигини кўрсатади. Масалан, 1900 – 1910 йилларда туғилган ўзбек аёллари ўзининг фарзанд кўриш даврида 9 – 10 тадан фарзанд кўрган бўлса, 1911 – 1939 йилларда туғилган аёллар 6 – 7 тадан фарзанд кўришган. Шунингдек 1940 – 1949 йилларда туғилган аёлларнинг эса оиласидаги фарзандлар сони ўртача 5 – 6 тани ташкил этган. Ёки бўлмаса 1935 – 1939 йилларда туғилган қишлоқ аёлларининг 38,2% оиласада 7 – 10 ва ундан ортиқ фарзанд кўришган бўлса,

1940 – 1944 йилда туғилған аёлларда бу күрсаткыч 28,6ни ташкил этган.

Юқорида бир қанча услугулар билан тадқиқот натижалари қиёслаб чиқылди. Кейинги вақтда республикада туғилиш даражаси мунтазам равищда камайиб бораётгандылыги гувоҳи бўлинди.

Хўш, Ўзбекистонда туғилиш келажакда қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб бериш учун юқорида қайд этилган социологик тадқиқотларда аҳолининг оиласда фарзандлар сонига бўлган муносабати ўрганилган. Унда тадқиқотда қатнашган барча аҳолига "Сизнингча оиласда нечта фарзанд бўлгани маъқул?" деган савол билан мурожаат этилган. Ушбу саволга 1970 – 1980 йилларда туғилған Республиканинг шаҳар жойларида истиқомат этувчи ёшлар "2 – 3", уларнинг қишлоқ жойларида истиқомат этувчи тенгдошлари эса ушбу саволга "3 – 4" деб жавоб бердилар.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда келажакда туғилиш даражаси мунтазам равищда камайиб боришидан далолат беради. Бу ҳолнинг асосий сабаблари ўлқада юз берган ижтимоий – иқтисадий ўзгаришлар, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишининг фаоллашуви. Маълумотлик даражасининг ошиши, кейинги пайтда аҳоли ўртасида ҳомиладорликни олдини олувчи воситаларнинг ва уларни тарғибот этиш ҳолларининг кучайишидир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик даврида Республикада туғилиш камайиши билан бир қаторда аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари, айниқса болалар ўлими ҳам камайиб бормоқда. 1991 – 1999 йилларда Республикада 1 ёшгача бўлган болалар ўлими ҳар мингта туғилған болаларга нисбатан 35,6дан 20,2 гача камайди. Бу ҳол республиканинг ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларида кузатилмоқда. Олиб борилган илмий изланишлар кўрсатишича, болалар ўлимининг камайиши биринчи навбатда демографик омилларга борлиқ экан. Буларга, асосан, оиласда болалар туғилишининг камайиши фарзандлар орасидаги даврнинг узайиши, аёлларнинг 35 – 40 ёшдан кейин туғиши ҳолларининг кескин камайиши киради. Шунингдек, Ўзбекистон давлати томонидан она ва бола саломатлигига катта эътибор берилиши ҳам болалар ўлимининг камайишига омил бўлади. 1998 йилни "оила" йили, 1999 йилни "Аёллар йили", 2000 йилни "Софлом авлод"

ва 2001 йилни "Оналар ва болалар" йили деб эълон қилиниши ва оила равнақи учун Республикада олиб борилаётган қатор илмий ва амалий тадбирлар бунинг яқол мисолидир.

Умуман Ўзбекистоннинг бугунги демографик вазияти аҳолининг бир текис кўпайиб бориши учун қулайдир. Демографик вазиятнинг қулайлиги аввало республикада аёллар ва эркаклар салмоғининг тенглиги, никоҳга кириш даражасининг юқорилиги ҳамда никоҳдан чиқиши, яъни ажралиш ҳолларининг камлиги билан изоҳланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига нисбатан қайд этилган никоҳлар сони 7ни, ажралишлар сони эса 0,6 ни ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда оиласарнинг ажралиш ҳоллари Россия, Украина, Белоруссия каби давлатларга қараганда 2–3 марта камдир. Бу ҳол ўзбек ҳалқида оиласа эътиборнинг юксаклиги, оиласи, оила қуришини инсон ҳаётидаги асосий олий мақсад деб хисобланиши билан боғлиқdir. 1998 йил Ўзбекистонда истиқомат қилувчи 18 ёшли, ҳали оила қурмаган йигит—қизлар орасида олиб борилган социологик тадқиқотларда уларга "Ҳаётингиздаги асосий мақсадингиз нима?", —деган савол билан мурожаат этилди. Ушбу саволга тадқиқотда қатнашган 90%дан кўп ўзбек ўғил ва қизлари "Ҳаётимиздаги асосий олий мақсад — оила қуриш, фарзандлар қўриш" деб жавоб беришди. Лекин шундай бўлсада, Ўзбекистонда кейинги йилларда туғилишнинг кескин камайиб бориши мутахассисларни ташвишга солмоқда. Чунки кейинги йилларда ўзбек оиласарида ҳам туғилишни бошқариш жараёни кенг ёйилмоқда, натижада аҳолининг ўсиш суръати анчагина пасайди.

Ўзбекистонда, бугунги кунда аҳоли кўпайишини қандай баҳолаш мумкин? Бу саволга аниқ жавоб бериш учун, аввало "демографик мезонга" мурожаат этамиз. Ушбу мезонда аҳоли туғилишининг юқори, ўрта (нормал) ва паст даражалари илмий асосда аниқлаб берилган. Мутахассисларнинг ҳисоблашига қараганда, аҳолининг нормал кўпайиши учун (яъни маълум бир миллат ёки давлат аҳолиси ўзининг мавжуд сонидан камайиб кетмаслиги, уни сақлаб туриши учун) ҳар бир аёл ўзининг фарзанд қўриш даврида ўргача 3–4 атрофида фарзанд қўриб, камолга

етказиши керак экан. агар шу кўрсаткич қайси бир давлатда 2,15дан камайса, демак шу давлатнинг аҳолиси келажакда борган сари камайиб бораверади. Аксинча, агар ушбу кўрсаткич 4,1дан ошса, демак шу давлатда аҳоли сони тез ўсиб боради. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 1991 йили 4,1ни ташкил этиб, дунёдаги туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олган эди. Бугунги кунда эса қайд этилган туғилиш кўрсаткичи 2,7 ни ташкил этди ва республикамизда туғилиш ўрга даражага тушиб қолди. Бу ҳол биринчи навбатда аҳоли ўсиши суръатининг камайиб боришида ўз ифодасини топди.

### Ўзбекистонда аҳоли ўсиш суръати динамикаси.

Йиллар	Аҳолининг ўртacha йиллик ўсиши % ҳис.	Йиллар	Аҳолининг ўртacha йиллик ўсиши % ҳис.
1386 – 1917	6,6	1960 – 1970	4,2
1917 – 1940	1,5	1970 – 1980	3,5
1940 – 1990	- 0,6	1980 – 1990	2,7
1950 – 1960	3,2	1991 – 2000	1,9

Жадвал маълумотларидан куринб турибдики республикада аҳоли кўпайиши 1991 – 2000 йилларда олдинги даврларга нисбатан деярли 2 баробарга камайган.

Аҳоли кўпайиши суръатининг камайиши ўлқада қатор иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бир мунча қулайдир. Лекин масаланинг иккинчи томони бор. Агар Ўзбекистонда туғилиш шундай суръат билан камайиб борса келажакда аҳолининг демографик қариши, яъни аҳоли таркибида қарилар саломгининг ошиб бориши, меҳнат ёшидаги аҳолининг эса қисқариб бориши каби муаммоларни келтириб чиқариши муҳаррардир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган социал сиёсат аввало аҳоли саломатлигига, оила мустақиллигига қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ушбу сиёсатни амалга ошириш, Республиkaning бугунги қулай демографик вазиятини сақлаб қолиш энг биринчи ва долзарб вазифадир.

Тадқиқотлар кўрсатишича, туғилиш камайиб борган давлатларда, масалан, Германия, Франция, Англия, Болтиқбўйи, Республикалари, Украина ва Россияда аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда пасайиб кетган, баъзи давлатларда эса ҳатто тўхтаб қолган. Ўзбекистон билан 70 йил бир хил ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий шароитда яшаган Россия давлатида 1990 йилдан бошлаб туғилиш кескин камайиб кетганлиги кузатилмоқда.

Бирлашган Мамлакатлар Ташкилоти маълумотига қараганда Россияда ҳозирги даврда ҳар бир фарзанд кўриш ёшидаги аёлга нисбатан туғилаётган болалар сони 1,3%ни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Бошқача айтганда 70 – 80 фоиз оиласарда фақат биттадан фарзанд туғилмоқда. 1990 йилдан ҳозирги даврга қадар Россияда туғилаётган болалар сони 45 – 50%га қисқариб кетди. Икки ва уч болали оиласар салмоғи эса 60 – 65%га камайди. Россия давлатида истиқомат этувчи аксарият ёшлар ҳатто келажакда фарзанд кўриш мақсадидан воз кечмоқдалар<sup>2</sup>. Бу ҳолни Россиядаги демографлар "Россияда демографик инқроз" деб аташмоқда. Россиядаги аҳоли ўсиши ва ижтимоий ҳолатининг илмий таҳлили кўрсатишича қайд этилган демографик инқирознинг асосий омили давлатда инфляция, иқтисодий инқирозлар туфайли аҳоли иқтисодий имкониятининг кескин камайиши ва турмуш тарзининг ёмонлашувидир. Россияда 1992 – 1996 йилларда озиқ – овқат ва бошқа инсоннинг яшаш шароитлари учун зарур бўлган маҳсулотлар баҳоси 220 марта ошди<sup>3</sup>. Аҳолининг асосий қисми камбағаликда яшамоқдалар. Аҳолишунослар фикрича, Россияда ижтимоий – иқтисодий аҳвол шундай кетаверса, яқин келажакда аҳолининг табиий ўсиши "0"га тушиб қолар экан. Бу ҳоллар Россиянинг келажакдаги тараққиётида қатор муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши муқаррар.

Биз юқорида қатор мисоллар билан демографик вазият ва унга таъсир этувчи асосий омилларни кўриб чиқдик. Ўз

<sup>1</sup> Население мира 1998год. Фонд ООН в области народонаселения 1998 г. с. 86.

<sup>2</sup> В.В. Елиазаров Демографическая ситуация и проблемы семейной политики.- Журн. Социологическое исследование. 1998г. № С.56,

<sup>3</sup> Уша асар, 58 бет.

навбатида демографик вазият, ўлканинг келажак тарақиётида мұхим омилдир.

Юқорида көлтирилған мисоллар республикамизда оилані режалаштириш кенг тарқалаётгандығы ва күп болалиқдан ўртача болаликка ўтиш жараёни тезлашгандығыдан далолат беради.

### 8.3. Ўзбекистонда туғилишни назорат этиш.

Ойлада фарзандлар туғилишини назорат этиш ҳар бир давлатнинг ижтимоий – иқтисодий тарақиёти, демографик вазияти, улардаги халқларнинг үрф – одатлари каби ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Ўзбекистонда ҳам фарзандлар туғилишини бошқариш бўйича ўзига хос услублар қадимдан мавжудлиги илмий ва бадиий манбалар орқали бизга маълум. Бунга хон саройларида канизакларнинг турли усуслар билан пуштсиз этилиши, кутгилмаган фарзандлар туғилишининг олдини олиш мақсадида аёлларга турли қайнатмалар берилиши мисол бўла олади.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда фарзандлар туғилишини назорат этиш оила мұхитида ҳам қўлланилиб, аста – секин ривожлана бошлади. Бу ҳақда маҳсус олиб борилган социолого – демографик тадқиқотлар натижалари гувоҳлик беради. Дастраски тадқиқот (1968 йил) натижаларига мурожаат этайлик. Ушбу тадқиқотда 1885 – 1950 йилларда туғилган аёллар суралиб, уларнинг 40,2 фоизини Республикализ шаҳарларида, 59,8 фоизини эса қишлоқ жойларда истиқомат қилувчилар ташкил этди. Тадқиқот давомида фарзанд куриш давридан ўтган, яъни 1885 – 1919 йillardа туғилган кекса авлод вакиллари билан маҳсус суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалар ҳақидаги тушунчалари ҳақида баъзи маълумотлар тўплашга мұяссар бўлинди. Суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, ўзбек, тоҷик, қирғиз, қозоқ, туркман миллатига мансуб кекса авлод вакиллари ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалар ҳақида жуда кам тасаввурга эга эканлар. Лекин уларнинг баъзилари навбатдаги ҳомилани кечиктириш учун қўлидаги гўдакларни узоқроқ, 3 – 4 ёшгача эмизиб юришган, жуда кам ҳолларда

ҳомилани тушириш мақсадида иссиқ қилишган, махсус гиёхлардан тайёрланган қайнатмалар ичишган.

1920 – 1930 йилларда туғилган аёлларнинг эса ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалар ҳақидаги билимлари кекса аёлларга қараганда бир мунча кенгроқ бўлиб, уларнинг орасида ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалардан фойдаланаётганлари ҳам борлиги маълум бўлди. Тадқиқотда фарзанд кўриш ёшидаги (15 – 49) аёлларга, «Сиз ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалардан фойдаланасизми?», деган савол билан мурожаат этилганда, ушбу саволга шаҳарда сўралган жами аёлларнинг 15,9 фоизи, қишлоқдагиларнинг эса 12,1 фоизи «ҳа» деб жавоб беришган. Лекин уларнинг таркибида маҳаллий миллат аёлларининг салмоғи нисбатан камроқ. Масалан, шаҳарда сўралган жами аёлларнинг 57,0 фоизини ўзбек, тоҷик, қозоқ, туркман каби миллат вакиллари ташкил этган бўлса, ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалардан фодаланувчи аёллар таркибида эса, уларнинг салмоғи 18,2 фоиз бўлган, ҳолос. Қишлоқда ҳам ана шундай ҳолни кузатиш мумкин. Сўралган аёлларнинг 67,4 фоизи маҳаллий миллат вакиллари бўлган ҳолда, уларнинг салмоғи оиласа фарзандлар туғилишини бошқараётган аёлларнинг 18,0 фоизини ташкил этган. Рус ва бошқа Европа миллатларига мансуб аёлларда фарзандлар туғилишини бошқариш жараёни кенгроқ тарқалган. Шаҳарда сўралган аёлларнинг 36,1 фоизи руслар, украинлар ва бошқа Европа миллатига мансуб аёллар бўлган ҳолда, уларнинг салмоғи ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалардан фойдаланган аёллар таркибида 70,0 фоиздан ошган, қишлоқда бу кўрсаткичлар 9,5 ва 20,1 фоизни ташкил этган. Сўралган 40 – 49 ёшдаги ўзбек аёлларидан шаҳарда 10,1, қишлоқда эса 6,7 фоизи ҳомиладорликнинг оддини оловчи ва ҳомилани туширувчи турли усуллардан фойдаланган эканлар.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, бу даврга қадар ўзбек оиласарида фарзандлар туғилишини бошқариш жуда кенг тарқалмаган экан. Ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалардан фойдаланиш ҳоллари олий маълумотли ва ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёлларда кўпроқ кузатилган. Масалан, шаҳарда ҳомиладорликнинг оддини оловчи воситалардан фойдаланувчи аёллар салмоғи (сўралган

15—49 ёшли аёлларда) олий маълумотли аёлларнинг 29,3 фоизини, ўрта маълумотли аёлларнинг — 24,5, тўлиқсиз ўрта маълумотли аёлларнинг — 18,0, бошланғич маълумотли аёлларнинг эса 14,9 фоизини ташкил этган. Қишлоқда эса бу курсаткичлар — 23,7, 21,9, 17,1 ва 10,9 фоизни ташкил этган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Республикада оиласда фарзандлар туғилишини бошқаришида бола олдириш (аборт) усулидан ҳам кенгроқ фойдалана бошланди. Бола олдириш ҳоллари айниқса, 1970—1980 йиллардан бошлаб кўпайиб борди.

1980—1989 йилларда бола олдириш билан йўқ қилинган ҳомилалар миқдори мунтазам ошиб борган. Агар 1980 йилда 15—49 ёшдаги ҳар 1000 та аёлга нисбатан 43,9 та бола олдирилган бўлса, 1989 йилда бу курсаткич 46,3 ни ташкил этган.

Ушбу кўрсаткичлар кўпми, ёки кам эканлиги хақида тасаввур хосил қилиш учун собиқ СССР таркибидағи бошқа Республикаларда бола олдириш жараёнига назар ташлайлик. 1989 йилда бутун СССР бўйича 15—49 ёшдаги ҳар 1000 та аёлдан ўргача 95,6 таси бола олдирган бўлса, РСФСРда бундай аёллар 117,5ни, Украинада — 85,4ни, Белоруссида — 101,6ни ташкил этган. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибеки, ўша кезларда Ўзбекистонда бола олдириш ҳоллари собиқ СССРга нисбатан икки баробар, РСФСРга нисбатан деярли уч баробарга кам экан.

**Ўзбекистонда аёлларнинг ҳомиладорликнинг олдини оловчи воситалардан фойдаланиши\***  
**(тадқиқот 1988)**

Туғилган йили	Тадқиқотда қатнашган аёллар	Улардан ҳомиладорликнинг олдини оловчи воситалардан фойдаланганлари (% ҳис.)	
		Шахар	Қишлоқ
1930—1934	100,0	56,7	42,8
1935—1939	100,0	61,2	45,5
1940—1944	100,0	63,0	46,0
1945—1949	100,0	66,0	51,5
1950—1954	100,0	70,2	54,0
1955—1959	100,0	86,5	58,0
1960—1964	100,0	81,0	58,8
1965—1969	100,0	80,3	56,0
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>71,8</b>	<b>54,7</b>

\*Ўзбек, тожик, қозоқ, қыргиз ва бошқа маҳаллий миллат деялари

Ўзбек аёлларининг оиласида фарзанд туғилишини бошқаришда бола олдириш усулидан камроқ даражада фойдаланиши маълум даражада ислом қадриятларининг таъсиридандир. Чунки ислом сабоқларида ҳомилани турли усул билан йўқ қилиниши қаттиқ қораланади. Шунинг учун ҳам бола олдириш кўрсаткичи ислом динига эътиқод қиувлечи Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Озарбайжон республикалари аҳолиси ўргасида ҳам собиқ СССРнинг бошқа регионларига қараганда бир неча марта камроқдир.

1989 – 1990 йилдан бошлаб эса Ўзбекистонда бола олдириш ҳоллари бир мунча камая бошлиди. Бу ҳол биринчи томондан собиқ СССРнинг парчаланиши туфайли руслар ва бошқа русийзабон миллатларнинг Ўзбекистондан кўплаб кўчиб кетиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан Республикада ҳомиладорликнинг олдини олувчи, инсон саломатлиги учун салбий таъсири этмайдиган воситаларнинг кенг тарқалишидир. Бу ҳақда социологик тадқиқот натижалари ҳам гувоҳлик беради.<sup>1</sup>

Ушбу тадқиқотда кўзланган асосий мақсадлардан бири ўзбек оиласида фарзандлар туғилишини бошқариш – оиласи режалаштириш жараёнини ўрганиш эди. Тадқиқотда асосан, 1930 – 1970 йилларда туғилган аёллар қатнашдилар. Тадқиқот давомида аёлларнинг фарзандлар туғилишини бошқаришда қандай воситалардан фойдаланиши, улар ҳақидаги тушунчалари бўйича маълумотлар түшланди. Ўзбекистонда катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари фарзандлар туғилишини турли воситалар ёрдамида бошқариш ҳоллари ортиб бормоқда.

### 1930 – 1970 йилларда туғилган аёлларда\* бола олдирганлар салмоғи (Тадқиқот 1988)

Туғилган йили	Тадқиқотда қатнашган аёллар	Улардан бола олдирганлар (% ҳис.)	
		Шаҳар	Қишлоқ
1930 – 1939	100,0	21,0	1,7
1940 – 1949	100,0	31,5	30,3
1950 – 1965	100,0	34,6	32,6
1960 – 1970	100,0	30,8	24,4
Жами	100,0	30,3	26,1

\*Ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат деллари

<sup>1</sup> 1998, 1991, 1998 йилларда оиласи режалаштириши бўйича ўтказилган тадқиқотлар бевосита муаллиф дастури па имлӣ раҳбарлагиг асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижаларидан, аёллар ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалар ҳақида эркакларга қараганда кўпроқ тушунчага эга эканликлари кўринди. Айниқса 30 – 35 ёшгача бўлган аёлларнинг ҳомиладорликнинг олдини олувчи тиббий воситалар ва бола олдириш ҳақидаги тасаввурлари анча мукаммал дейиш мумкин. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маҳаллий миллат аёллари ҳомиладорликдан сақланишида кўпроқ «спирал»дан фойдаланаар эканлар. Бола олдиришга бўлган салбий муносабат ёш авлод вакилларида ҳам маълум даражада сақланиб қолганлиги анқланди. Сўров чоғида уларнинг кўпчилиги бола олдириш гуноҳ, саломатликка зарари бор, деб жавоб бердилар. Шундай бўлса ҳам, бола олдирган аёллар сони ёш авлод вакиллари орасида маълум даражада ортиб борган.

Шуниси эътиборлики, ўзбек оиласарида оиласи режалаштириш кўпроқ олий, ўрта – маҳсус маълумотли ва халқ хўжалигининг вақт, билим малака талаб этувчи соҳаларида банд бўлган аёлларда кузатилади. Масалан, тадқиқот вақтида сўралган (ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат) жами хизматчи аёллардан шаҳарда 85,2, қишлоқда 67,0 фоизи; ишчи аёллардан шаҳарда – 56,0, қишлоқда 48,0 фоизи; қишлоқ хўжалигига банд аёлларнинг (асосан қишлоқда) – 46,3 фоизи ва уй бекаларидан шаҳарда 42,7, қишлоқда – 40,1 фоизи ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдаланаар эканлар.

Юқорида келтирилган маълумотлар республикада оиласи режалаштиришга бўлган ҳаракатлар шаҳар оиласари билан қишлоқ оиласарида фарқ қилишини ва бундай ҳаракатларнинг шаҳар муҳитида кенгроқ тарқалаётганлигидан далолат беради. Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳридан олинган маълумотларни келтирамиз. Тадқиқотда қатнашган Тошкент шаҳрида истиқомат этувчи ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатларга мансуб 20 – 49 ёшли жами аёлларнинг 90,7 фоизи ҳомиладорликдан сақланувчи воситалар ҳақида етарли маълумотга эга ва 72,7 фоизи ушбу воситалардан фойдаланишар эканлар. Бундай аёллар хизматчиларнинг 81,7 фоизини, ишчиларнинг 70,3 ва уй бекаларининг 67,4 фоизини ташкил этдилар.

Кўриниб турибдики оилани режалаштириш ишчи ва хизматчи аёллар ўртасида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар ва уй бекаларига қараганда юқори даражада экан. Тошкент шаҳрида истиқомат этувчи оиласарнинг аксарияти эса ишчи ва хизматчи оиласаридир. Бундай ҳолни Андижон шаҳри мисолида ҳам кузатишмиз мумкин. Андижонда олиб борилган тадқиқот натижалари қўрсатишича, тадқиқотда қатнашган 20—49 ёшли хизматчи аёлларнинг 80,6 фоизи, ишчи аёлларнинг 71,0 фоизи, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёлларнинг — 60,0 ва уй бекаларининг — 58,2 фоизи ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалардан фойдаланганлар.

Наманган вилоятининг шаҳарларида ҳам, қишлоқларида ҳам оилани режалаштириш Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қараганда камроқ кузатилди. Масалан, Наманганда тадқиқотга қатнашган фарзанд кўриш давридаги хизматчи аёлларнинг 63,7 фоизи, ишчи аёлларнинг 64,5 фоизи, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёлларнинг ва уй бекаларининг эса — 43,7 фоизи оиласа фарзандлар туғилишини бошқаришга ҳаракат қилишар экан.

Қашқадарё, Хоразм ва Қорақолюғистонданда ўтказилган тадқиқотлар ҳам ушбу вилоятларда тадқиқотга жалб этилган оиласарнинг 40—50 фоизида фарзандлар туғилишини назорат этилиши кузатилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ўтказилган икки тадқиқот (Тадқиқот 1968 ва Тадқиқот 1988) натижаларининг гувохлик беринича, Республикада катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари оиласа фарзандлар туғилишини бошқариш жараёни 4—5 баробарга кўпайган. Бунинг асосий омиллари, бир томондан аёллар маълумотлик даражасининг ошиб бориши, ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашувишининг фаоллашуви бўлса, иккинчи томондан, шаҳар турмуш тарзи ва ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалар ҳамда улар ҳақидаги тушунчаларнинг кенг ўйилишидир.

Бу жараён, айниқса Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида яна ҳам кучайди. Маълумки 1991 йилдан бошлаб республиканинг мустақил тараққиёт йўлини тутипи жуда катта ижтимоий иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлди. Ана шундай ўзгаришлардан энг муҳими Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча соҳалари ва илм—фанада эришилган

ютуқларнинг жаҳон миқёсига чиқишига кенг йўл очилиши ва бошқа давлатларда эришилган ана шундай ютуқларнинг Ўзбекистонга кириб келишидир. Айниқса ушбу даврда тибиёт бўйича республиканинг бошқа давлатлар билан илмий амалий ҳамкорлиги яна ҳам ривожланди. Кейинги 7–8 йил мобайнида Ўзбекистонга хорижий республикаларда тайёрланган дори – дармонлар кўплаб кела бошлади. Улар жумласига ҳомиладорликни олдини олувчи турли тиббий воситалар, дори дармонлар ҳам киради. Республикада кейинги йилларда ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалар кенг тарқалибгини қолмай, уларни шифокорлар ва телевидение орқали тарғибот – ташвиқот этиши ҳам кучайди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда оилани режалаштириш жараёнини мукаммалроқ ўрганиш мақсадида, Ўзбекистон Миллий Университети ва Республика «Оила» илмий амалий маркази, ходимлари 1998 йилда маҳсус социолого – демографик тадқиқот ўтказдилар.

Тадқиқот учун Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қашқадарё вилояти танланди. Бунинг сабаби, Тошкент шаҳри ва вилояти Республикадаги энг кўп миллатли, шаҳар турмуш тарзи кенгроқ ёйилган, туғилиш даражаси паст вилоят бўлса, Қашқадарё эса, туғилиш даражаси нисбатан юқори даражада сақланиб келаётган, асосан қишлоқ турмуш тарзи хукмрон вилоятлардан хисобланади.

Тадқиқотда жами 2500 та 15–49 ёшдаги турли ижтимоий гуруҳларга мансуб аёллар қатнашдилар. Уларга: «Сиз ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдаланаисизми?», «Ҳомиладорликдан сақланувчи воситаларнинг қандай турларидан фойдаланаисиз?» деган савол билан мурожаат этдик.

Аёлларнинг ушбу саволларга берган жавоблари ҳар иккала вилоятда ҳам ўзига хос хусусиятта эга бўлди. Тошкент шаҳри ва вилоятида ўтказилган тадқиқотда қатнашган жами аёлларнинг 66,7 фоизи ўзбек, тоҷик, туркман, қозоқ ва бошқа маҳаллий миллат вакилларига мансуб аёллар бўлса, 33,3 фоизи рус, украин ва бошқа Европа миллатига мансуб аёллар ташкил этган.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, Тошкент шаҳрида тадқиқотда қатнашган жами ўзбек ва бошқа

маҳаллий миллатларга мансуб аёллардан 76,2 фоизи ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдаланаар ва қолган 23,3 фоизи эса, фойдаланмас эканлар. Фойдаланмаганларнинг эса 62,7 фоизини 1970 – 1980 йилларда туғилган оиласарда фақат битта ёки иккитадан фарзандлари бор ёш аёллар ташкил этган. Бундай ҳолни Тошкент вилоятининг қишлоқ жойларида ўтказилган тадқиқот ҳам тасдиқлайди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1950 – 1955 йиллардан кейин туғилган, оиласа ўртача 3 – 4тадан фарзандлари бор аёлларнинг аксарияти ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдаланаар эканлар. Бундай аёлларнинг салмоғи шаҳарда қишлоқ жойларига қараганда бир мунча юқорироқдир.

### Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида аёлларнинг ҳомиладорликининг олдини оловчи воситалардан фойдаланиши\* (Тадқиқот 1998)

Туғилган йили	Тадқиқотда қатнашган аёллар	Улардан ҳомиладорликнинг олдини оловчи воситалардан фойдаланганлари (% ҳис.)	
		Тошкент ш.	Тошкент вилояти(қишлоқ )
1950 – 1954	100,0	69,7	54,5
1955 – 1959	100,0	82,8	59,0
1960 – 1964	100,0	83,0	63,4
1965 – 1969	100,0	72,8	64,9
1970 – 1974	100,0	62,2	58,1
1975 – 1979**	100,0	12,6	11,7
Жами	100,0	75,2	58,0

\*Узбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз ва бошқа маҳаллий миллат аёллари.

\*\*1980 йил ва ундан кейин туғилганлар ҳам киритилган.

Шуниси эътиборлики, ҳозирги даврда оиласи режалаштириш жараёни туғилиш юқори даражада сақланиб келаётган Қашқадарё вилоятида ҳам кенг тарқалган. 1978 – йилда ўтказилган социолого – демографик тадқиқотда эса, жами аёлларнинг шаҳарда 46,2, қишлоқда 38,7 фоизи ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдаланган –

ликлари аниқланган эди. Ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатларга мансуб аёллар оилани режалаштиришда ҳомиладорликдан сақланувчи воситаларнинг ичида «спирал»дан кўпроқ фойдаланаар эканлар. Масалан, Тадқиқот – 1998 натижалари кўрсатишича, бундай аёллар салмоғи Тошкент шаҳрида – 56,2, Тошкент вилоятида эса – 61,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар Қашқадарё вилояти шаҳар жойларида 60,8 %, қишлоқ жойларида эса – 70%ни ташкил этган.

Рус ва бошқа Европа миллатларига мансуб аёллар, шунингдек татар, корейс аёллари ҳам ҳомиладорликдан сақланишда кўпроқ укол, таблетка ва бошқа усуллардан фойдаланаар эканлар. Тошкент шаҳрида ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, жами ҳомиладорликдан сақланувчи аёлларнинг 17,5 % спиралдан, 33,7 % таблетка ва укollардан ва 48,8% турли бошқа усуллар ёрдамида ўзлари сақланап эканлар.

### Қашқадарё вилоятида аёлларнинг ҳомиладорликнинг олдини олувчи воситалардан фойдаланиши<sup>\*</sup> (тадқиқот 1998)

Туғилган йили	Тадқиқотда қатнашган аёллар	Улардан ҳомиладорликдан сақланувчи воситалардан фойдалангандар	
		Шаҳар %	Қишлоқ %
1950 – 1954	100,0	43,	41,0
1955 – 1959	100,0	59,7	50,2
1960 – 1964	100,0	60,7	57,7
1965 – 1969	100,0	67,2	61,8
1970 – 1974	100,0	51,0	40,2
1975 – 1979**	100,0	10,0	6,0
Жами	100,0	58,7	52,9

\*Ўзбек, тожик, қозоқ, қыргиз ва бошқа маҳаллий миллат аёллари.

\*\*1980 йил ва ундан кейин туғилганлар ҳам киритилган.

Тадқиқот давомида аёлларга «Ҳомиладорликдан сақланувчи воситалар хақида қаердан билдингиз?» деган савол билан мурожот этилди.

Тадқиқот ўтказилган ҳар иккала вилоятда ҳам 70 – 75% аёллар саволимизга «шифокорлардан» деб жавоб беришди.

Демак, Ўзбекистонда оилани режалаштириш жараённинг тарқалиб боришида тиббиёт мутахассисларининг ҳиссаси эътиборлидир.

Ўзбекистонда оилани режалаштиришдаги муҳим ўзгаришлардан бири, бу жараённинг бирга ижтимоий гурӯҳга мансуб аёллар орасида ҳам кенг ёйла боришидир. Агар 1968 йилда ўтказилган тадқиқотда оилани режалаштириш, асосан олий маълумотли, хизматчи ўзбек аёлларида кўрсатилган бўлса, ҳозирги даврда эса бу жараён ўрта – маҳсус, ўрта, тўлиқсиз ўрта маълумотли ишчи, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёллар, ҳатто уй бекалари орасида ҳам кузатилмоқда. Масалан, 1988 йилда ўтказилган тадқиқотда ўрта тўлиқсиз ўрта маълумотли қишлоқ хўжалигида банд бўлган аёлларнинг ва уй бекаларининг 35 – 40 фоизи оиласда фарзандлар туғилишини бошқарган бўлсалар, бундай аёллар салмоғи 1998 йил тадқиқотда 46 – 48 фоизни ташкил этган.

Кейинги йилларда оиласда фарзандлар туғилишини бошқариш Республиканинг қишлоқларида ҳам мунтазам тарқалиб бориши бу жараённинг шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутнинг бир мунча камайишига олиб келмоқда.

Шундай қилиб статистик мақлумотлар, 1968, 1988 ва 1998 йилларда ўтказилган маҳсус социолого – демографик тадқиқотлар кўрсатишича, ўзбек оиласларида фарзандлар туғилишини бошқариш – оиласи режалаштириш жараёни аста секин кўпайиб бормоқда. Бунинг асосий омиллари бир томондан республикада аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролининг ошиб бориши ҳомиладорликдан сақлайдиган воситаларнинг кенг тарқалиши ва уларнинг тарғибот – ташвиқот этилишининг фаоллашуви бўлса, иккинчи томондан янги иқтисодий ислоҳотлар, турмуш тарзининг ўзгариб бориши ва оиласнинг фарзандга бўлган талабининг қисқариб боришидир.

Ўзбекистонда оиласи режалаштириш жараёнини кенг тарқалиб бориши, оиласда туғилилаётган болалар сонини катта авлоддан ёш авлодга ўтиб борган сари камайиб бораётганлигида ҳам кузатилади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, 1900 – 1910 йилларда туғилган ўзбек аёллари ўзининг фарзанд кўриш даврида

ўртача 9–10 тадан фарзанд кўрган бўлса, 1911–1939 йилларда туғилган аёллар 6–7 тадан фарзанд кўришган. Шунингдек 1940–1949 йилларда туғилган аёлларнинг эса оиласидаги фарзандлар сони ўртача 5–6 тани ташкил этган. Ёки бўлмаса, 1935–1939 йилларда туғилган қишлоқ, аёлларининг 38–40 % оиласида 7–10 ва ундан ортиқ фарзанд кўришган бўлса, 1940–1944 йилда туғилган аёлларда эса, бу курсаткич 28–29ни ташкил этган. 1940–1959 йилларда туғилган аёлларнинг эса аксарияти оиласида ўртача 4–5 тадан фарзанд кўришган.

Агар республикада туғилиш суръати кейинги 6–7 йиллардагидек давом этса, келажакда бу жараён қандай бўлади? Ушбу саволга жавоб бериш учун юқорида қайд этилган социологик тадқиқотларда аҳолининг оиласида фарзандлар сонига бўлган муносабати ўрганилган. Унда тадқиқотда қатниашган барча аҳолига «Сизнингча оиласида нечта фарзанд бўлгани маъқул?» деган савол билан мурожаат этилган. Ушбу саволга 1970–1980 йилларда туғилган Республиkaning шаҳар жойларида истиқомат этувчи ёшлиар «2–3», ўлканнг қишлоқ жойларида истиқомат этувчи тенгдошлари эса бу саволга «3–4» деб жавоб беришган.

Ёшларнинг бундай демографик режалари республикада нормал демографик вазиятни амалга ошириш учун етарлидир. Умуман республиканинг бутунги демографик вазияти аҳолининг бир текис кўпайиб бориши учун қулавидир. Демографик вазиятнинг қулавилиги аввало республикада аёллар ва эркаклар салмоғининг тенглиги, никохга кириш дарражасининг юқорилиги ҳамда никоҳдан чиқиш, ажралиш ҳолларининг камлиги билан изоҳланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига нисбатан қайд этилган никохлар сони 7–8, ажралишлар сони эса 0,9–1 ни ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда Ўзбекистонда оиласарда ажралиш ҳоллари Россия, Украина Белорусия каби давлатларга қараганда 2–3 марта камдир. Бу ҳол ўзбек халқида оиласида нисбатан муносабатни юксаклиги, оиласи, оила қуришни инсон ҳаётидаги олий мақсад ҳисобланиши билан боғлиқдир. Лекин шундай бўлсада, Ўзбекистонда кейинги йилларда туғилишнинг

кескин камайиб бориши мутахассисларни ташвишга солмоқда.

Республикада 1991 – 1999 йиллари туғилган болалар сони йилига ўртача 4,9 фоиздан қисқарған. Туғилишнинг бундай тез суръат билан камайиши урушдан кейинги 40 – 50 йил давомида кузатилған. Шуниси эътиборлики туғилишнинг камайиш суръати қишлоқ аҳолисида юқорироқ. Кейинги 30 йил ичидә қишлоқ жойларида 5 ва ундан күп фарзанди оиласлар салмоғи 2 – 3 баробарга қисқарди. Республиканинг туғилиш даражаси доим юқори бўлиб келган Қашқадарё, Сурхондаё, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистонда туғилишнинг кескин камайиб бориш жараёнини кўрамиз. Юқорида келтирилган мисоллар республикамида оиласи режалаштириш кенг тарқалा�ётганлиги ва кўпболалиқдан ўртача болаликка ўтиш жараёни тезлашганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда туғилишнинг бунчалик тез камайиб бораётганлиги республикада баъзи иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишига муайян даражада ижобий таъсир этиши мумкин. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Максус хисоб – китобларга қараганда, агар туғилиш 1990 – 1999 йиллардаги суръат билан камайиб борса, яқин 15 – 20 йил ичидә республиkanинг демографик вазиятида кескин ўзгариш бошланади. Яъни аҳоли таркибида болалар (0 – 14 ёш), меҳнат ёшидаги аҳоли (16 – 60 ёш) салмоғи камайиб, қариялар салмоғи эса ошиб боради. Инсоният тараққиётида бундай ҳолни «демографик инқироз» дейилади. Демографик инқирозга юз туттган ҳар бир ҳалқ мунтазам равища камайиб боради ва унинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида кўпгина ўзига хос муаммолар вужудга келади.

Маълумки, Ўзбекистон табиий географик имкониятларга бой мамлакатdir. Келажакда ана шу имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг мунтазам кенгайиб боришини тақозо этади. Бу эса, ўз ўрнида минглаб янги ишчи кучлари орқали амалга ошиди. Шунинг учун ҳам республикада туғилишнинг кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик, оиласда фарзандлар туғилишини ўртача меъерда сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Ўзбекистонда оиласга давлат ва

жамият томонидан эътиборни кучайтириш зарур. Шу боис, 1998 йилни – «Оила йили», 1999 йилни – «Аёллар йили», 2000 йилни – «Соғлом авлод йили» ва 2001 йилни – «Оналар ва болалар йили» йили деб эълон қилиниши ва оила равнақи учун кўпгина илмий – амалий тадбирлар режалаштирилиши мұхим аҳамиятта молик бўлган илмий башпоратдир. Ушбу режаларни амалга оширишда, аввало оила шаклланиши ва режалаштириш хусусиятлари, оиласинг ижтимоий – иқтисодий ва демографик муҳитига таъсир этувчи омилларни ҳар бир вилоят, шаҳар, қишлоқ, миллат доирасида алоҳида мунтазам равишда илмий ўрганиб бориш лозимдир. Давлатимиз келажаги бўлган ёш оиласарни алоҳида ижтимоий муҳофазага олиш, бўлажак оиласар ва болалар саломатлигини давлат томонидан назорат қилиш ва бу борада амалий имкониятлар яратиш зарурдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

### **Ўзбек тилида чоп этилган манбалар.**

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997.
2. Ўзбекистон Давлат Статистика Департаментининг 2001 йилга қадар чоп этилган республика аҳолисининг сони табиий ўсиши, миграцияси ва ижтимоий тараққиётига оид статистик йилномалар.
3. Ўзбекистонда 1897, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, ва 1989 йилларда ўtkазилган аҳоли рўйхати маълумотлари.
4. Қуръони Карим Тошкент, 1992 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент. 1998й.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 1992.
7. **Абдурауф Фитрат.** Оила. Тошкент, 1998 й.
8. Аёл – Оила – Хуқуқ. Давра суҳбати материаллари. Тошкент 1998 й.
9. **Бўриева М.Р.** Оиласи нечта фарзанд бўлгани маъқул?. Тошкент, 1995 й.
10. **Бўриева М.Р.** Ўзбекистонда оила демографияси. Тошкент, 1997 й.
11. **Бўриева М.Р.** Оилани режалаштириш. Тошкент, 1999 й.
12. **Бўриева М.Р.** Оила ва демография асослари. (Маърузалар матни). Тошкент 1999 й.
13. 1998 йил – Оила иили. Тошкент 1998 й.
14. Мустақиллик шароитида оила ва тарбия. Тошкент, 1994 й.
15. **Назарова X.** Аҳоли миграциясида аёлларнинг роли. Тошкент, 1999 й.
16. Туғиши ёшидаги аёлларни саломатлигини сақлаш. Тошкент, 1998 й.
17. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурлари. Тошкент, 1991 й.

18. Ўзбекистон республикаси мустақиллик йилларида. Тошкент, 1997 й.
19. Шоумаров Ф.Б. Шоумаров Ш.Б. Мұхаббат ва оила. Тошкент, 1994 й.

### **Рус тилида чоп этилган манбалар.**

20. Антонов А.И. Социология рождаемости. М., 1980.
21. Антонов А.И. Медков В.М. Социология семьи. М., 1998
22. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В., М., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент, 1998.
23. Бедний М.С. Демографические факторы. Здоровье. Москва.
24. Байко В.В. Рождаемость: Социально-психологические аспекты. М., 1985.
25. Белова В.А., Дарский Л.Е. Статистика мнений в изучении рождаемости. М., 1972.
26. Борисов В.А. Перспективы рождаемости М., 1976.
27. Борисов В.А. Демография. Учебник для вузов М., 1999.
28. Боярский А.С. Валентей Д.И. Кваша А.Я. Основы демографии М., 1980.
29. Буриева М.Р. Рождаемость в Узбекистане. Ташкент, 1991.
30. Волков А.Г. Семья-объект демографии М., 1986
31. Вопросы воспроизводства населения и демографической политики. М., 1987.
32. Городская и сельская семья М., 1987.
33. Дарский Л.Е. Формирование семей. М., 1972.
34. Демографический анализ рождаемости М., 1974.
35. Демографические прогнозы. М., 1973.
36. Демографический-энциклопедический словарь. М., 1985.
37. Демография семьи. Ташкент, 1980.
38. Демографическое поведение населения. Ташкент, 1987.
39. Караканов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. Ташкент, 1983.
40. Козлов В.И. Этническая демография М., 1977.
41. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. Ташкент, 2000.

42. **Муллайджанов И.Р.** Демографическое развитие Узбекской ССР. Ташкент. 1983.
43. Миграция населения. Ташкент-1981.
44. Население мира. М., 1989.
45. Народонаселение мира 1998. ООН. 1999.
46. Основы теории народонаселения. М., 1977.
47. Пресса Р. Народонаселение и его изучение М., 1966.
48. Переденцев В.И. Какие мы? Сколько нас? М. 1989.
49. Развитие населения в трудоизбыточном регионе. Ташкент 1989.
50. Региональные демографические исследования. Ташкент. 1978.
51. Рождаемость: Проблемы изучения. М., 1976.
52. Рождаемость и её факторы М., 1968.
53. Рождаемость: социологические и демографические аспекты. М., 1988.
54. Система знаний о народонаселении. М., 1976.
55. Семья и дети. М., 1982.
56. Семья и её функции. М., 1975.
57. **Убайдуллаева Р.А., Шодиев Р.** Особенности воспроизводства населения в республиках Средней Азии. В кн. Население Средней Азии. М., 1985.
58. Управления развитием населения. Ташкент. 1985.
59. Урланис Б.И. История одного поколения. М., 1968.
60. Урланис Б.И. Народонаселения: исследования, публицистика. М., 1976.
61. Урланис Б.И. Эволюция продолжительности жизни. М., 1978.
62. Шелестов Д.К. Демография: История и современность. М., 1983.
63. Шелестов Д.К. Историческая демография. М., 1987.

## Мундарижа

### Кириш

<b>Мавзу 1.</b> Демографиянинг предмети	базифалари	1
тадқиқот услублари ва тарихи		
1.1 Демографиянинг предмети	базифалари	1
тадқиқот услублари		
1.2 Демографиянинг қисқача тарихи		10

<b>Мавзу 2.</b> Аҳоли ва демографик жараёнларнинг ўрганиш манбалари		
2.1 Демографик жараёнлар хақида бирламчи ва иккиламчи маълумотлар		16
2.2 Социолого-демографик тадқиқотлар		19

<b>Мавзу 3.</b> Аҳоли сони ва таркиби		
3.1 Аҳоли сони ва аҳолининг ёш-жинсий таркиби		26
3.2 Аҳолининг никоҳ ва оиласий таркиби		29

<b>Мавзу 4.</b> Демографик коэффициентлар		
4.1 Туғилиш ва ұмм коэффициентлари		30
4.2 Никоҳ ва ажраиш коэффициентлари		36
4.3 Аҳолининг тақрор барло бўлини ва демографик ўтиш		39
4.4 Аҳоли миграцияси ва демографик жараёнлар		43

<b>Мавзу 5.</b> Демографик башорат ва демографик синес		
5.1 Демографик башорат		46
5.2 Демографик синес		51

<b>Мавзу 6.</b> Оила ва үй хужайити		
6.1 Оила ва уннинг базифалари		56
6.2 Оиласий демографик тараккиётини жароришиш		
6.3 Үй хужайиги		62

<b>Мавзу 7.</b> Дунё аҳолисининг демографикалық тарзлары		
7.1 Азия аҳолисининг демографикалық тарзлари		

7.1.1 Азия аҳолисининг демографикалық тарзлари		
7.1.2 Азия аҳолисининг демографикалық тарзлари		
7.1.3 Азия аҳолисининг демографикалық тарзлари		
7.2 Азия аҳолисининг демографикалық тарзлари		
7.3 Азия аҳолисининг демографикалық тарзлари		

<b>Мавзу 8.</b> Ўзбекистонни демографик синеси		
8.1 Ўзбекистоннинг демографик синеси		
8.2 Бозор иштисодидини жароришиш		
8.3 Ўзбекистонда тутилшинлар		
Фонданинг тақдизчилари		